

ISBN: 978-93-42344-7-8

**ЯПОН ТИЛИДА ҲАРАКАТГА
УНДОВЧИНУТҚИЙ
АКТЛАРНИНГ ФУНУЦИОНАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Author:

**АЧИЛОВА ОЗОДА
ФАРХОДОВНА**



Published by
Novateur Publication

466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030
novateurpublication.org

АЧИЛОВА ОЗОДА ФАРХОДОВНА

**ЯПОН ТИЛИДА ҲАРАКАТГА УНДОВЧИ НУТҚИЙ
АКТЛАРНИНГ ФУНУЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Самарқанд-2025

Ачилова Озода Фарходовна. Япон мулоқот матнида ҳаракатга ундовчи нутқий актлар. Монография. 2025, 138 б.

Мазкур монография япон мулоқот матнида суҳбатдошни бевосита ва билвосита ҳаракатга ундовчи нутқий актлар ҳамда уларнинг хусусиятларини умумлаштириши шунингдек, ушбу турдаги нутқий актларда мулоқот самарадорлигини таъминловчи омилларнинг ўрни ҳақидаги назарий қараишларни илмий таҳлил этишига бағишланган.

Ушбу тадқиқот япон тилида кечадиган мулоқот жараёнида муҳим саналган ҳурмат ва камтарлик актегориялари, иборалар ва грамматик бирликларнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий аҳамияти тўғрисида кенг кўламдаги илмий материаллар жамланган япон тилишунослигидаги илк тажрибалардандир.

Монография япон тилида нутқ маданияти, прагматлингвистика, коммуникатив тилишунослик, маданиятлараро мулоқот соҳалари билан қизиқувчи бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичларида таҳсил олаётган талабалар ҳамда тилишунос мутахассисларга мўлжалланган.

СЎЗБОШИ

Жаҳон тилшунослигининг сўнгги йиллардаги тараққиётида жамиятда нутқий фаолиятнинг тутган ўрни, унинг самарадорлигини таъминлаш вазифасини бажарувчи воситалар таҳлилига оид тадқиқотлар сони салмоқли ўрин эгаллаб келаётганига гувоҳ бўламиз. Ушбу соҳадаги изланишларнинг долзарблиги инсонларнинг ўзаро муносабатлари тизимини аниқлаш ва диалогик нутқ жараёнида коммуникатив мақсадларга эришишга имкон яратилиши билан белгиланади.

Дунё тилшунослигида ҳаракатга ундовчи нутқий актларнинг япон тилида воқеланишида нутқ самарадорлигини таъминловчи омиллар, жумладан, мулоқотдошларнинг жамиятдаги ижтимоий табақалари орасидаги мақоми, гендер ва ёш ўртасидаги муносабатлар, яқинлик ва қариндошлик алоқалари ҳамда улар ўртасидаги ҳурмат ва камтарлик муносабатлари каби коммуникатив категорияларнинг эксплицит ва имплицит тарзда воқеланишига оид муаммолар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу омилларнинг коммуникатив имкониятлари прагмалингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, матн тилшунослиги сингари йўналишларнинг асосий тадқиқ объектига айланиб бормоқда.

Нутқий актлар назарияси борасида ҳам кўплаб илмий ишлар яратилган ва ушбу муаммога доир қимматли фикрлар баён қилинган. Шу ўринда, Ж.Остин, Ж.Сёрль, П.Грайс, И.П.Сусов, В.В.Богданов, Ш.Сафаров, С.Муминов, М.Ҳакимов ва бошқаларнинг ишларини алоҳида қайд этиш керак.

Ҳаракатга ундовчи нутқий актлар борасида япон тилшуносларидан Масаки Оно (小野正樹), Ёшио Нитта (仁田義雄), Мицухиса Мураками (村上三寿), Такуро Морияма (森山卓郎), Таро Адачи (安達太郎) томонидан олиб борилган тадқиқотлар аҳамиятли ҳисобланади. Олиб борилган илмий изланишлар орасида нутқий акт турлари, таснифи ва уларнинг мулоқот матнида воқеланиши билан боғлиқ муаммоларга бағишланган тадқиқотлар сони сезиларли даражада ортиб бормоқда. Уларнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, бир-бирини такрорламайдиган ва ҳар бир муаллифнинг ўзига хос янгича ғоя ва ёндашувлари акс эттирилганига гувоҳ бўламиз.

Нутқий актларнинг таҳлили асосида мулоқот мазмуни ва нутқ интенцияси асосида таснифлаш, ҳаракатга ундовчи нутқий актларнинг самарадорлигини таъминловчи омиллар каби жиҳатлар ва бундай нутқий актларнинг имплицит ёки эксплицит тарзда воқелантиришда амал қилиниши талаб этиладиган нутқ одоби ва ҳурмат категориялари каби муҳим омиллар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Тақиқ ва ижозат мазмунидаги нутқий актларнинг мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатига салбий ёки ижобий таъсири муаммосини ўрганиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Айнан япон тилига хос бўлган бундай мазмундаги императив тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари япониялик олимларнинг илмий асар ҳамда мақолаларида ўз аксини топган, аммо ўзбек тилшунослари томонидан ҳали тўлалигича ёритилмаган. Бироқ, япон тилида кечадиган мулоқот жараёнида ушбу маданиятга хос нутқ одобининг энг муҳим омили ҳисобланган ҳурмат категориясининг воқеланиши масаласи Н.Халмурзаеванинг илмий ишларида муҳокама қилинган. Нутқий акт масалаларига оид қарашлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақидаги қимматли ғоялар А.Ф.Шамахмудованинг илмий ишларида ҳам тарғиб қилинган. Умуман олганда, нутқий актлар масаларига бағишланган асарларни кўплаб келтириш мумкин, аммо ушбу тадқиқот учун танланган пермиссив ва прохибитив нутқий актларни ҳар томонлама таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу монографияни яратишда япон мулоқот матнида прохибитив ва пермиссив нутқий актларининг воқеланишига таъсир ўтказадиган омилларни, жумладан, мулоқотдошларнинг ижтимоий мавқеи, ўзаро муносабатлари, жинси, жамиятда тутган ўрни, ўзаро яқинлик муносабати ва ёши кабиларнинг устувор жиҳатларини очиқ бериш назарда тутилган.

Хусусан, нутқий актлар назариясида прохибитив ва пермиссив нутқий актлар муаммосини ўрганиш, нутқий актларни таснифий гуруҳларга ажратишда таяниладиган тамойилларни белгилаш, япон тилидаги паремиялар таҳлили асосида япон маданиятида тақиқ ва ижозат мазмунидаги нутқий актлардан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар қаторини ажратиш ва уларнинг моҳиятини ёритиш, ҳаракатга ундовчи нутқий актлар қаторидаги тақиқ ва ижозат мазмунига эга тузилмаларни ҳосил қилувчи грамматик қурилмалар

ва иборалар гуруҳларини ажратиш, тақиқ ва ижозат мазмунидаги нутқий актлар воситасида кўзланган перлокутив натижага эришишга йўналтирилган тамойилларни аниқлаш ва мулоқот интенцияси бевосита ва билвосита ифодаланишининг лисоний ва нолисоний жиҳатларини очиб беришга урғу берилган. Мавзуни ёритишда таянилган илмий ёндошувлар асосан прохибитив ва пермиссив нутқий актлари иштирок этган XX аср япон бадий матнлари намуналари асосида ойдинлаштирилган.

Тадқиқотда тақиқ ва ижозат мазмунидаги нутқий актларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш ва уларнинг диалогик нутқ жараёнида воқеланиш самарадорлигини таъминловчи омилларни аниқланган бўлиб, прохибитив ва пермиссив нутқий актларнинг алоҳида нутқий вазиятларда воқеланиши шароитида кўзланган коммуникатив мақсад ва мулоқот самарадорлигига эришишнинг мулоқот вазияти ва контексти билан боғлиқ прагматингвистик ва сўзловчининг ижтимоий мақоми, насабини акс эттирувчи лисоний-маданий тамойиллари аниқланган. Шунингдек, япон тилидаги мақолларда тақиқ ва ижозат мазмунларининг ифодаланиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг турли мулоқот вазиятларида фаоллашувини белгиловчи омилларнинг лисоний ҳамда нолисоний хусусиятларини белгилаш асосида тадқиқ қилинган нутқий ҳаракатларнинг япон маданиятига хос тарзда мулоқот матнида имплицит ёки эксплицит ҳолатда воқеланувчи кўрсаткичлари очиб берилган.

Япон мулоқот матнида императивликнинг бевосита ёки билвосита тарзда воқеланиш сабабларининг асосий қисми маълум кўринишдаги лексик – грамматик кўрсаткичларга эга бўлмаганлиги боис ҳурмат категориясига тегишли қоидалар назоратида эканлиги исботланган ва тақиқ ва ижозат мазмунидаги гапларда интенциянинг тағмаёноли ифодаланиши сабабларини изоҳловчи тил тизимига хос лексик-грамматик кўрсаткичлар қатори ажратилиб, уларнинг прагматик вазифа ифодасидаги ўрни мулоқот муҳити билан боғлиқ эканлиги далилланган.

Мазкур монографиянинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, япон мулоқот матнида учрайдиган ҳаракатга ундовчи нутқий тузилмалар масаласини прагматингвистика ва дискурсив таҳлил йуналишлари доирасида ўрганилишидан иборат бўлиб, мазкур ҳаракатни тақиқловчи ёки унга ижозат нутқий актларининг турли мулоқот вазиятларида фаоллашувчи омилларни ажратиш мулоқот

самарадорлиги ҳамда шахслараро муносабат механизмларини тушунишга ёрдам беради, шунингдек, тавсифланган прагмасемантик таҳлил усуллари бошқа турдаги нутқий актларнинг прагматик, дискурсив моҳиятини англашга имкон яратади.

Муаллифдан

ТИЛШУНОСЛИКДА НУТҚИЙ АКТЛАР МАСАЛАСИ

Инсонларнинг ўзаро мулоқотга киришишининг асосий қуроли бўлган тилнинг моҳияти инсон онгида шаклланувчи фикрни нутқ воситасида рўёбга чиқариш ёки уни қоғозга тушириш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Бундай жараёнда гап оддий лисоний бирлик сифатида кўриниш бермасдан, балки маълум турдаги маъноларни англатиш имконига эга бўлади. Масалан: япон тили мисолида қарайдиган бўлсак, あの人に会ってみてください。(У одам билан учрашиб кўринг) (プログレッシブ和英中辞典, 2002) туркумидаги гапнинг биргина ўзидан 命令(буйруқ), 願望(хоҳиш истак), 禁止(тақиқ), 許可(ижозат), 約束(ваъда) каби мазмунни идрок этиш мумкин бўлган нутқий актларга мулоқот жараёнида тез-тез тўқнаш келинади. Бундан кўринадики, нуқий акт мулоқот жараёнида нутқ ижросининг суҳбатдошига йўналтирилган аниқ мақсаддаги фаолиятидан бошқа нарса эмас.

Нутқий акт назариясига оид илмий ишлар орасида Ж.Остиннинг “How to do things with words”, яъни “Сўзлар билан қандай муносабатда бўлмоқ лозим” (Austin, 1962) номли тадқиқотида шакллантирилган ғоя асосида ёзилган катта ва кичик ҳажмдаги кўплаб ишлар нашр қилинган. Эътироф этиш керакки, нутқий акт назариясига оид изланишларнинг аксарияти ушбу олимларнинг илмий ғояларига таянган ҳолда амалга оширилган.

Бинобарин, нутқий актлар назариясига оид тушунчалар тилшунослар томонидан турлича талқин қилинган (Bach 2003; Moeschler, Reboul 1994; Сусов 2006). Масалан: П. Грайснинг “ҳамкорлик тамойили” назарияси нутқий актлар ижросининг асосий қоидаси ҳисобланади. Унинг фикрича, мулоқот - бу сўзловчи ва тингловчи биргаликда амалга оширадиган жараён бўлиб, ушбу жараёнда ҳар иккала иштирокчи амал қилиши талаб қилинадиган тўртта тамойил мавжуд (Грайс, 1975).

Грайснинг ушбу фикрини япониялик тилшунос 内田 恵 қуйидагича изоҳлайди:

a.量 (quantity)の 公理 :言 いたいことを過不足なく話 しなさい。

b.質 (quality)の 公理 :内容について自信のあることを話 下さい。

c.関係 (relation)の 公理 :状況に即 して要点を話 下さい。

d.方法 (manner)の公理 :明確に話 し、あいまいな言い方は避け 下さい。

(内 田 恵 , 2002:255).

Изоҳ:

a) мулоқот учун керакли микдордаги маълумот талаб этилади. Унинг кам ёки кўп микдорда бўлиши баъзида қийин вазиятни келтириб чиқаради;

б) ёлғон деб ўйлаган маълумот ҳақида гапирмаслик ва суҳбатдошнинг ишончини сўндирмаслик;

с) суҳбатга даҳлсиз бўлган нарсалар ҳақида гапириш чалкашликларга сабаб бўлади;

д) ноаниқ мулоқотдан сақланиш ва суҳбатдошга эҳтиром билан муомалада бўлиш.

Ушбу тамойилларга нутқ жараёнида ҳар қандай ҳолатда ҳам амал қилинади, дейиш қийин албатта ва бу жараён суҳбат иштирокчилари ўртасида тушунмовчилик пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда, Грайснинг фикрича, жумлаларни сўзма-сўз таҳлил қилинганидан кўра, контекст ва алоқадорлик (maxim of relation) ҳамда ҳуқ-атвор (maxim of manner) тамойиллари асосида таҳлил қилиш лозим деб қаралади (Грайс,1975).

Ж.Остиннинг фикрига кўра, мулоқот жараёнида қўлланилаётган “гап” ҳодисасини тўғри талқин қилиш лозим, акс ҳолда, бу ҳаракат ноўрин ва нотўғри “ташҳис” қўйилиши билан яқун топишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. У яна таъкидлайдики, бирор иборани ижро этиш - маълум бир ҳаракатни амалга ошириш демакдир (Остин 1986). Масалан:

今日はいつもより早く帰る。Бугун одатдагидан кўра барвақтроқ қайтаман.

そんなこと知らないの？ Бундай нарсадан беҳабармисан？

さあ、来い！ Хўш, келақол！

(プログレッシブ和英中辞典第3版, 2002)

Ушбу жумлаларни таҳлил қилиб кўрайлик. Биринчи ва иккинчи мисоллардаги гапларни ўз маъносида, яъни дарак ва сўроқ маънодаги жумла сифатида талқин қилиш ўринлидир. Аммо учинчи

мисолдаги гапни, гарчи у императив шаклига эга бўлса-да, куйидаги икки хил маънони ифодаловчи жумла сифатида талқин қилиниши эҳтимоли ҳам мавжуд:

1. Келишингни буюраман (буйруқ) 命令.

2. Мен келишингни хоҳлайман (хоҳиш-истак) 願望.

Ҳар қандай гап фақат тасдиқ бўлиб қолмасдан, хоҳиш-истак, савол, ундаш, буйруқ каби мазмунни ифодаловчи бўлиши мумкинлиги Ж.Остин томонидан эътироф этилган эди (Austin, 1962).

Дарҳақиқат, Мегуми Учиданинг талқинича, биз 「発話 (нутқ)」 сўзини эшитар эканмиз, онгимизда иккита тушунча пайдо бўлади:

1) бирор бир нарса ҳақида гапириш;

2) мулоқотга доир маълум бир ҳаракатни бажариш.

(内田恵, 2002:255).

Япон тилшуносларидан яна бири Оно Масаки буйруқ оҳангидаги нутқий актларга куйидагича изоҳ беради: “Бошланғич даражадаги таълимда кўпинча, юқоридан куйига йўналтирилган кўрсатма деб ўргатилади, аммо бундан ташқари буйруқ гапларни ҳосил қилувчи грамматик шакллар мулоқотдошларнинг ўзаро дўстона яқинлигини ифодалашда ҳам қўл келади” (小野正樹「現代日本語の命令形について」2010:79 б). Масалан:

「僕は、ずっとお笑い志望。小学校から『お前吉本行けよ』って言われてた。」

(東京読売新聞, 2009.10.07).

Мен кулги шинавандасиман. Бошланғич мактаб давридан бери менга “Сен, Ёшимото (ҳажвия мактаби)га боргин” дейишарди.

Масаки Оно томонидан олиб борилган тадқиқотларда буйруқ шакли ёрдамида сўзловчининг тингловчига йўналтирган нутқидан кўзланган мақсадини аниқлашга эътибор қаратилган бўлса (小野正 2010), 石川美紀子 (Макико Ишикава) ва 北村雅則 (Масанори Китамура)ларнинг тадқиқот ишларида ҳаракатга ундовчи нутқий актларнинг вазифаларига урғу берилганини кузатиш мумкин. Уларнинг фикрича, ҳаракатга ундовчи нутқий актлар буйруқ мазмунини ифодалаш билан бир қаторда, мулоқот вазиятига таянган ҳолда талаб ва хоҳиш каби турли вазифаларни ифодалашда ҳам қўл келади (石川美紀子, 北村雅則 2007. Яна бир япон тилшуноси 仁田義雄 (Ёшио Нитта)нинг фикрича, ҳаракатга ундовчи нутқий актлар кенг маънода хоҳиш ва буйруқни

ифодаловчи нутқий актларга бўлинади. Буйрукни ифодаловчи гапларда тингловчи сўзловчининг талабига биноан маълум бир ҳаракатни амалга оширишга ундалса, хоҳишни ифодаловчи нутқий актларда эса сўзловчининг истаги воқеланади (仁田義雄 1991).

Сёрль ва унинг ҳамфикрлари ҳар бир нутқий фаолият битта интенция ёки мақсад мужассам бўлган бирлик деб қарашган бўлса (Сёрль, 1983), бошқа олимлар интенцияни қуйидаги икки турга бўлиш тарафдоридирлар (Почепцов, 1986): 1) бошланғич мақсад; 2) натижавий мақсад.

Ушбу ғояга қўшилган ҳолда, қуйида япон тилидан келтирилган мисолни таҳлил қилиб кўриш орқали бажарилган нутқий актнинг мазмунини янада тўлиқроқ англаш имкони пайдо бўлади:

「今日は 4 月のわりに寒いね。」 *Апрель ойи бўлишига қарамасдан бугун совуқ, шундай эмасми?* (内田恵, 2002:255).

Ушбу жумла, интенционал таҳлилга жалб қилинганида, нутқ ижрочисининг икки хил мақсадини тасавур қилиш мумкин:

1. Об-ҳаво ҳақида маълумот олиш (бошланғич интенция);
2. Иссиқ жойга тезроқ кетиш (натижавий интенция).

Бундан шуни англаш мумкинки, кундалик мулоқот шароитида воқеланувчи нутқий фаолиятни икки босқичда, яъни бошланғич ва натижавий интенция сифатида таҳлил қилиш мумкин.

Демак, 「今日は 4 月のわりに寒いね。」 (Апрель ойи бўлишига қарамасдан бугун совуқ, шундай эмасми?) нутқий актининг бошланғич интенцияси 命令(буйрук), 願望(хоҳиш истак), 禁止(тақиқ), 許可(ижозат), 約束(ваъда) кабилардан иборат бўлиши ҳам мумкин.

「会社の人と富士山に登った。」 *Фирма ходими билан Фуџи тоғига чиқдик.*

Ушбу нутқий тузилманинг бошланғич интенцияси дарак ёки суҳбатдошга хабар етказиш бўлса, 「明日までにレポートを出してください」 (*Эртагача ҳисоботни топширинг*) жумласида бошланғич интенция буйрукдир. Бошланғич интенция нутқий ҳаракатнинг структуравий ва семантик хусусиятларига мос келса, натижавий мақсад ҳаракатлари учун аксинча, структур-семантик тузилиш муҳим ҳисобланмайди. У лисоний ҳаракатлар билан бир қаторда, нолисоний ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

Тилшунослар нутқий акт мазмуни ҳам лисоний, ҳам нолисоний хусусиятлар умумлашмасидан ташкил топишини тасдиқлайдилар ва нутқий актга уч босқичли фаолият сифатида қараш тарафдорларидир. Улар - *локутив*, *иллокутив* ва *перлокутив* актлардир (Ш.Сафаров, 2008:75).

Нутқий фаолият жараёнида сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабати, суҳбат учун танланган мавзу ва унга оид сўзловчининг фикрини баён қилиш усули каби шартлар муҳим аҳамият касб этади. Ж.Остин нутқий актлар хусусиятлари ҳақида тўхталиб, уларни қуйидаги босқичларга ажратади:

1. Локутив (発話行為);
2. Иллокутив (発話内行為);
3. Перлокутив(発話媒介行為).

Мегуми Учида (2002) ушбу учта ҳаракат ўртасида қуйидаги муносабатларни кўриш мумкинлигини эътироф этади: 発話行為 (локутив) + 発話内行為(иллокутив) → 発話媒介行為(перлокутив)

Шу тарзда, перлокутив акт локутив ва иллокутив актларнинг йиғиндиси бўлиб, улар параллел равишда кўриниш бермайди (内田恵, 2002:248).

Сўзловчи ва тингловчи орасида кечадиган ҳар қандай мулоқот ҳаракати бирор бир ниятда ёки мақсад асосида воқеланади. Сўзловчи ўз мақсадига эришиш учун унинг ижро этган нутқи тингловчига таъсир кўрсатиши даркор. Нутқий фаолиятнинг ушбу таъсири перлокутив акт дейилади. Ушбу ҳаракатларга қуйидагича изоҳ беришни маъқул топдик:

Сўзловчи тингловчига
“А” деб мурожаат
қилади.

ЛОКУТИВ АКТ

Изоҳ: 上司が部下に「しっかりしないと首だよ」と言った。

Бошлиқ ходимга “*тартибли бўлмасанг, ишдан бўшайсан...*” деб айтди.

「しっかりしないと首だよ」

“...*тартибли бўлмасанг, ишдан бўшайсан...*”

上司 Бошлиқ



сўзловчи



部下 Ходим



ТИНГЛОВЧИ


Иллокутив акт ёки иллокуция сўзловчи ва тингловчи ўртасида кечадиган шахслараро муносабатларнинг акс этишидир.

Сўзловчи суҳбатдошга
“**А**” деб мурожаат
қилиш орқали “**Б**” га
ўрғу беради

ИЛЛОКУТИВ АКТ

Изоҳ: 上司が部下に「しっかりしないと首だよ」と警告した。


Бошлиқ ходимни “*тартибли бўлмасанг, ишдан бўшайсан..*” деб огоҳлантирди.



Сўзловчи “А” деган мурожаати орқали суҳбатдошни “Б” ни

ПЕРЛОКУТИВ АКТ

Изоҳ: 上司が部下に「しっかりしないと首だよ」と心配させた。
Бошлиқ ходимни “тартибли бўлмасанг,ишдан бўшайсан..” деб хавотирга солди.



Нутқий актлар назариясида иллокуция тушунчаси кенг кўламда тарқалган тушунчадир. Иллокутив акт тўлиғича нутқий ҳаракатнинг муқобили сифатида қаралиши ҳам мумкин (Searle 1969, Wunderlich 1976, Почепцов 1986). Сёрлнинг таъкидлашича, нутқий акт тузилмасининг асосини ҳам иллокутив акт ташкил қилади ва

ҳатто у “нутқий акт” тушунчасининг тўлиқ муқобили ҳам бўла олади (Сёрль,1969). Иллокутив ҳаракатни амалга оширувчиси мулоқот ижрочисидир (Почепцов,1986).

Перлокутив акт нутқий акт структурасининг биринчи босқичи бўлган локутив ва иккинчи босқичи ҳисобланмиш иллокутив акт билан катта тафовутга эга. Масалан:

- 「今日は駄目です」と云って先生は苦笑した。

- 「愉快になれませんか」と私は気の毒そうに聞いた。

(夏目漱石 「こころ」 : 31-32 б).

- “Бугун имконим йўқ” дея устоз маҳзун жилмайди.

- “Кайфиятингизни кўтара олмайсизми?”, деб сўрадим раҳмим келгандек.

Юқоридаги жумла ижро этилганида унинг оҳангидан сўзловчи суҳбатдошига ваъда бериш, ишонтириш ёки далда бериш каби нутқий ҳаракатлари бажарилади. Ушбу нутқий акт мазмунини янада батафсил ифодалаш ва тингловчига тезроқ етказиб бериш ва унга таъсир ўтказиш кучини тезлаштириш мақсадида иллокутив феъллардан фойдаланиш имкони ҳам бор. Масалан: 「愉快になれませんか」 “Кайфиятингизни кўтара олмайсизми?” жумласига 「落ち着いてください」 (ўзингизни қўлга олинг) иллокутив феъли қўлланганида 「落ち着いてください。愉快になれませんか」 “Ўзингизни қўлга олинг, кайфиятингизни кўтара олмайсизми” тарзида воқеланади. Ушбу жумла таркибида иштирок этаётган 「落ち着いてください」 иллокутив феъли ўрнида 「約束する」 (ваъда бераман), 「気にしないで」 (эътибор қилманг) каби иллокутив феълларидан фойдаланиш ҳам нутқ мазмуни ва мақсадини батафсил очиб беришга хизмат қилади.

Шунингдек, бир нечта нутқий ҳаракатларни ифодалаш иҳтимоли мужассам бўлган тузилмалар ҳам мавжуд. Масалан:

「彼、まだ駐車場で痛がっているみたいです。何だったら介抱しに行ってあげたらどうですか。今ならまだ間に合うかもしれません。」

(白石一文 「一瞬の光」 : 36 б).

Автотураргоҳда у ҳали ҳам оғриқдан азоб чекаётганга ўхшайди. Имкон бўлса, ёрдам қилгани борсангчи?. Ҳозир борсанг улгирарсан, эҳтимол.

Демак, коммуникатив мақсаднинг турига қараб, иллокутив феъллар нутқ мазмунини очиб берувчи восита вазифасини ўтайди

ва улар қаториги 聞く (*сўров*), 命令 (*буйруқ*), 禁じる (*тақиқ*), 注意 (*огоҳлантириш*), 許可 (*иҷозат ёки рухсат бериш*), お願い (*илтимос*) каби феъллар гуруҳини киритиш мумкин. Лекин ушбу иллокутив феъллардан ҳар қандай нутқий актларда фойдалана олишнинг имкони йўқ. Чунки бундай ҳолатга нутқий мулоқот қоидаси тўсқинлик қилади.

Нутқий актлар назариясининг шу каби масалалари кўплаб тилшунослар томонидан тадқиқ қилинган, жумладан, Н.Е. Беляева, К. Бюллер, Э. Бенвенист, А.А. Романов, В.В. Богданов, И.П. Сусов, Г.Г. Почепцов, Е. Падучева кабилар ва япон тилшуносларидан 小野正樹 (Масаки Оно), 村田光二 (Кожи Мурата), 石川美紀子 (Макико Ишикава) ва 北村雅則 (Масанори Китакура), 内田恵 (Мегуми Учидэ), ўзбек олимларидан Ш. Сафаров, А. Муминова, А. Нурмонов, М. Ҳакимов кабиларнинг тилшуносликка доир ғоялари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нутқий актлар назарияси ривожига улкан ҳисса қўшмоқда.

Ушбу тадқиқотнинг асосий вазифаси япон диалогик нутқида воқеланадиган прохибитив ва пермиссив нутқий актларининг лисоний мақоми ва прагмасемантик хусусиятларини ёритишдир. Мазкур вазифанинг ижросини таъминлаш учун, энг аввало, нутқий актларнинг таснифий мезонларини аниқлаш зарур бўлади.

Маълумки, нутқий актлар назариясининг асосчиси Ж.Остин илк бор уларни таснифлаш ғоясини илгари сурди (Austin 1962: 150). Беш гуруҳ (вердиктивлар, экзерситивлар, комиссивлар, беҳабитивлар, экспозитивлар)дан иборат бўлган Ж. Остин таснифи негизида инглиз тилидаги перформатив феъллар рўйхати ётади ва улар мулоқот пайтида баён қилинаётган фикрларнинг иллокутив кучларини батафсил изоҳлайди. Бу тасниф бир неча марта ҳақли равишда танқидга учради. Хусусан, Ж. Сёрль нутқий актларни иллокутив феъллар билан аралаштириб юборишни нотўғри деб ҳисоблайди.

Зеро, нутқий акт мулоқотнинг воқелигидир, маълум бир тилнинг лексик тизимида мавжуд бўлган иллокутив феъллар эса, ушбу нутқий актларнинг такрори эмас (Ж. Сёрль 1986:180).

Иллокутив феъллар маъносига асосланган нутқий актлар таснифий гуруҳлари Ж.Остин томонидан қуйидагича ажратилган:

1. Вердиктивлар.

Ушбу турдаги нутқий актлар асосан маълум бир иш-ҳаракат юзасидан қарор қабул қилиш ёки ҳукм чиқариш ҳолатларини ифодалайди. Масалан:

「お前は変わった子だとみんな言っていたけど、付き合ってみたら普通だったからよかった。」 (白石一文「一瞬の光」:167 б).

Ҳамма сени галати бола деб айтишарди (ҳисобларди), лекин сен билан гаплашиб кўриб, оддий бола экналигиндан ҳурсанд бўлдим.

2. Экзерситивлар.

Нутқий актларнинг ушбу гуруҳи пермиссив ва проҳибитиб маънони камраб олувчи императив гапларда ўз ифодасини топади. Ушбу актларнинг маслаҳат бериш, огоҳлантириш каби мазмундаги мақол ва ҳикматли сўзлар тиркибида ҳам воқеланишини кузатиш мумкин. Масалан:

「先生に手紙を書きましたよ、あなたがおっしゃったとおり。ちょっと読んでごらん下さい。」 (夏目漱石「こころ」:133 б).

Айтганингдек қилиб устозга хат ёздим, бир ўқиб кўр.

3. Комиссивлар.

Ушбу гуруҳда сўзловчининг мажбуриятлари воқеланади. Масалан: 約束する (сўз бериш), 誓う (онт ичиш) каби мажбурий ҳолатлардир.

「技術協力の約束をした. *Техник ҳамкорлик қилиш учун ваъда беришди.* (プロGRESSIVE和英中辞典第3版, 2002).

4. Беҳабитивлар.

Нутқий актларнинг бу тури, одатда, нутқ ижрочисининг маълум бир фаолиятга муносабатидир. Бундай ҳолларда у хурсандчилик улашиш мақсадини ёки сўзловчи ижобий ҳис-туйғуларини намоён этиши мумкин. 「まあ、そんな風に受け取られずに、気を楽にしていただけませんか。富士山頂では、落ち着いた話もできなかったから...。」

(吉村達也「富士山殺人事件」:159 б).

Энди уни шу ҳолича қабул қилмасдан, ўзингизни енгил ҳис қилинг. Фуџи тоғи чўққисида ҳам бафуржа суҳбатлаша олмаганимиз учун...

5. Экспозитивлар.

Нутқий актларнинг сўнгги гуруҳи бўлмиш ушбу гуруҳда нутқ ижрочиси комуникатив жараёнда ўз фикрига изох бериши ва уни ойдинлаштириши мумкин бўлади. Япон тилида экспозитив нутқий тузилмаларга “～かもしれません、～でしょう” бирикмалари

ёрдамида ижро этилган нутқий актларда нисбатан тушиниш осонроқ кечишнинг эҳтимоли баланддир. Масалан:

「はい、あれは驚きの表情としか思えませんでした...目を大きく開いて、口も大きく開いて...そして唇が震えていましたから。」

(吉村達也「富士山殺人事件」：151 6).

Ҳа, у ҳолатни ҳайратдан бошқа нарсас эмас деб ўйладим...кўзларини ҳам катта очиб, оғзини ҳам катта очиб...чунки лаблари ҳам титраб турарди .

Ж.Сёрль (1986) ҳам, ўз навбатида, нутқий актларни беш гуруҳга тақсимлаган эди ва унинг Ж.Остин талқинидаги нутқий актлар гуруҳидан мазмунан фарқланиши манбаларда қайд этилган:

1. Ассертивлар.

Бу берилган маълумотнинг ҳақиқатга тўғри қелишини исботловчи нутқий ҳаракатлардир. Масалан:

「僕は詩をあきらめた人間である。」 *Мен шеър ёзишни тарк этдим.*

(大江健三郎「われわれの狂気を生き延びる道を教えよ」：11 6).

2. Директивлар.

Ушбу гуруҳ буйруқ, тақиқ, ижозат, илтимос ва шу каби суҳбатдошни маълум бир ҳаракатни амалга оширишга ишора қилувчи нутқий актлардан ташкил топади. Масалан:

「『飛び起きてちゃんと座れ』と心で彼女に命じながら「えいっ!」と一声で気合を掛ける。」 (川端康成「掌の小説」：140 6).

“Тезда ўрнингдан туриб, яхшилаб ўтириб ол”, дея қалбан унга буйруқ бердим ва “Ҳой!” дея овоз билан далда бердим.

3. Комиссивлар.

Ушбу гуруҳ Ж.Остин томонидан ажратилган гуруҳга мос келади.

4. Декларативлар.

Ушбу гуруҳга мавжуд ҳолатнинг бошқа бир ҳолат ёки вазиятга ўзгартирилишини воқелантирувчи нутқий актларни киритиш мумкин. Масалан、「余計なことかもしれないが、僕はとうとう芳子を妻と呼べずにしまったと君に告げておく。」 (川端康成「掌の小説」：141 6).

Керак бўлмаган нарсадир, эҳтимол, мен ниҳоят Ёшикони “аёлим” деб атамайдиган бўлдим, деб сенга маълум қилиб қўймоқчиман.

5. Экспрессивлар.

Номидан маълумки, ушбу гуруҳга кирувчи бирликлар инсон кўнглига келувчи ўй - ҳаёл ва ҳис - туйғуларни изҳор қилувчи ёки ифодаловчи нутқий актлардир. Масалан:

「人々がその写真の前に涙を流したり、合掌したり、焼香したりしているのを見ると、さすが僕は滑稽だった。」

(川端康成「掌の小説」 : 143 б).

Расм олдидан йиғлаётган, икки кафтларини қовуштириб, тутатқи тутатаётган одамларни кўриш, мен учун қўлгили туюларди.

Декларативлар - бирор бир актни амалга оширишда пропозиционал мазмун ва реаллик ўртасидаги мувофиқликни ўрнатиш бу синфнинг ҳал қилувчи хусусияти ҳисобланади. Нутқий актни муваффақиятли амалга оширилиши эса пропозиционал мазмун ва реаллик ўртасидаги мувофиқликни қафолатлайди. Шунинг қайд этиш лозимки, декларативнинг самараси алоҳида бир тилга боғлиқ бўлмаган, жамиятда қабул қилинган қоидаларга тобе ҳолда изоҳланади (Ж. Сёрль 1986, 2002:186). Ж. Лич (1983) эса социалингвистик кўрсаткичлар асосида нутқий актларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деган ғояни илгари сурган ҳолда, уларни диалогик мулоқот вақтида хушмуомалалик ва мулоқот одоб-ахлоқ муҳитини ўрнатиши ва ушбу ҳолатни йўлга қўйиш мақсади билан ўзаро қандай алоқадор эканлигига таяниб гуруҳлайди:

1. Компититив.

Бу гуруҳда иллокутив мақсад ижтимоий мақсадга муносиб бўлмайди.

Жумладан, прохибитив ва пермиссивлик оҳанги мужассам бўлган императив гаплар ҳамда илтимос ва савол каби нутқий ҳаракатларни айтиш мумкин. Масалан: 「私が東京へ行ったら会えるわね。学校の寮へ来てくださいね。」

(川端康成「掌の小説」 : 197 б).

Мен Токиога борсам сени учрата оламан, шундайми? Мактабнинг талабалар тураржойига кел.

2. Конвиивал (иллокутив ва ижтимоий мақсад бир-бирига мувофиқдир).

Бунда сўзловчининг ижобий ёки салбий маънодаги дил изҳорлари намоён қилинади. Булар қаторига табрик, ҳамдардлик, олқишлаш каби нутқий ҳаракатларни киритиш мумкин. Масалан:

- 「東京で会いましょうね！」
- Токиода учрашамиз-а?

- 「ええ」
- *Ха*
- 「さようなら！」
- **Яхши қол, хайр**
- 「さようなら！」
- *Хайр.*

(川端康成「掌の小説」：197 6).

說」：197 6).

3. Коллаборативлар.

Иллокатив мақсад социал мақсадга бефарқдир. Масалан, бирор бир ҳолат юзасидан хабар берилади ёки эълон қилинади ва шу каби нутқий ҳаракатлар юзага келади. Масалан:

「私はまた起き上がって外を覗いた。右手の丘に火と煙が昇っていた。」

(川端康成「掌の小説」：217 6).

Уйгондим-у яна ташқарига мўраладим. Ўнг тарафдаги тепаликдан олов ва тутун кўтарилаётган эди.

4. Конфликтив.

Ушбу гуруҳда иллокутив ва социал мақсадлар ўзаро конфликтли, яъни қарама-қарши ҳолатда воқеланиши кузатилади. Масалан: булар қаторига кўрқитиш, лаънатлаш ва шу каби салбий маънодаги нутқий ҳаракатларни киритиш мумкин. Масалан: 「彼は子供たちを脅して庭から追い払った。」

(プログレッシブ和英中辞典 3

版, 2002).

У болаларни кўрқитиб, ҳовлидан қувиб солди.

Равшанки, интенция изҳорини аниқлаштирувчи қўшимча мезонларни киритган Б.Фрейзер ҳар бир турни батафсилроқ тавсифлашга ҳаракат қилади. Аммо таснифлашнинг асосий мезони ҳамон аслича қолмоқда ва бу нутқий фаоллик мақсадини ифодаловчи восита - перформатив феълдир (Fraser 1975:187).

Шундай қилиб, нутқий акт мураккаб, кўпқиррали ҳодиса бўлиб, уни фақат иллокутив тузилиши асосида тавсифлаш турли чекловларга учрайди. Зеро, бундай ёндашувда ўзига хос семиотик тизим бўлган тил табиатини тўлиқ акс эттирувчи умумлашма хулосаларни чиқариш баъзи қийинчиликларни туғдиради. Бу гуруҳлаш тамойилига биноан содда ва қўшма ёки мураккаб нутқий актлар фарқланади. Бунда содда нутқий актни нутқий фаолиятнинг энг кичик бирлиги деб қарасак, мураккаб нутқий акт эса содда

ҳаракатларнинг бирикиши замирида воқеланади, деб ҳисоблаш лозим (Карабан 1989).

Шунингдек, нутқий акт бирликларининг структураси ва мазмуни ўртасида юзага келадиган тафовутга нисбатан нутқий актларнинг навбатдаги турини, яъни билвосита нутқий актлари гуруҳи мавжудлигини айтиш мумкин. Нутқий актларнинг ушбу тури, айниқса, япон тилида келадиган мулоқот жараёнида кенг қўлланилади ва бу ҳолат буйруқ оҳангида ижро этиладиган жумлаларни тингловчига тўғридан-тўғри қўпол оҳангда эмас, балки юмшоқлик билан нутқ мазмунини очиб беришда қўл келади. Масалан:

「桜の花は今満開です！」 *Сакура гуллари ҳозир қийғос очилган!*

(プログレッシブ和英中辞典 3 版, 2002).

Ушбу жумла мулоқот жараёнига боғлиқ ҳолда турлича талқин қилинади. Структуравий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у оддий дарак гапдан бошқа нарса эмас. Унда сўзловчининг тингловчига сакуралар гуллаган эканлиги ҳақида хабар бераётган нутқий акти ифодаланган бўлса, иккинчи жиҳатдан, у тингловчини маълум бир ҳаракатни амалга оширишга ундовчи нутқий акт сифатида воқеланиши мумкин. “*Сакура гуллари кўргани бор ёки борайлик, бормаимизми, қани эди борсак, борсам майлими?*” каби буйруқ, таклиф, маслаҳат, илтимос, ижозат сўраш сингари нутқий акт сифатида идрок этилади. Масалан: 「桜の花は今満開です！」 *Сакура гуллари ҳозир қийғос очилган!* жумласининг ҳар иккала маъносини талқин қиладиган бўлсак, биринчи, яъни хабар бериш мазмунида қабул қилинганида, ушбу нутқий актнинг структуравий тузилиши маъно мазмунга мос келадигани инобатга олинади ҳамда у эксплицит ёхуд бевосита нутқий акт ҳисобланади. Аммо гапнинг иккинчи таҳлилига кўра у пермиссив ёки реквестив каби оҳангдорликка эга нутқий акт сифатида идрок этилганида эса имплицит ёхуд билвосита нутқий актлар ҳосил бўлишини кузатиш мумкин. Демак, лисоний структура ва коммуникатив мақсаднинг ўзаро мослашуви бевосита нутқий актларни юзага келтирса, аксинча, улар ўртасидаги ўзаро номутаносиблик билвосита нутқий актларни келтириб чиқаради. Ж.Сёрль билвосита ёки имплицит нутқий актлар воситасида бир вақтнинг ўзида икки локутив фаолият амалга оширилишини таъкидлаган эди (Сёрль, 1979:176).

Кундалик нутқ жараёнида кузатилиши одатий ҳол бўлиб қолган гап маъносининг кўчиши ҳолати доим бир хил аҳамият касб

этмайди. Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Д.Гордон ва Л.Лакоффарнинг фикрларини эътироф этиш жоиздир. Улар мулоқот жараёнида бир гап бошқа яна бир гапнинг маъносини очиш учун фойдаланилишини таъкидлашади (Гордон, Лакофф, 1975). Масалан: япон кундалик мулоқот жараёнида тез-тез кулоққа чалинадиган 「傘を貸してくれない」 (*Соябонингизни (қарзга) бериб тура олмайсизми*) жумласи структур жихатдан савол ёки сўроқ гап тарзида намоён бўлса-да, у ҳеч қачон “*Соябонни бериб туриши имкониятига эгамисиз? ёки қўлингиздан келадими?*” каби сўроқ оҳангидаги нутқий акт сифатида талқин қилинмайди, зеро нотўғри талқин мантиқан ғалати ёки ғайритабиий туюлиши аниқ. Ушбу нутқий актдан кўзланган ягона мақсад сўзловчининг тингловчига илтимосидир. Демак, бундай ҳолатларда билвоситалик, шунингдек, бир маънонинг иккинчи бир бошқа маънога кўчиш ҳолати кузатилмайди ва бундай ҳолат синтактик тузилманинг меъёридаги кўринишидир. Юқорида қайд этилган нутқий актлар назариялар асосида таҳлил этилган мисоллар япон мулоқот матнида суҳбатдошга сўзловчининг эҳтиромини ифодаловчи ҳамда суҳбатдошни маълум бир ҳаракат ижросини таъминлашга ундашда кенг қўлланиладиган воситалар мажмуаси мавжуд эканлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

II БОБ.

ПРОХИБИТИВ ВА ПЕРМИССИВЛИКНИНГ ТАСНИФИЙ БЕЛГИЛАРИ

Кўплаб тадқиқотчилар прохибитив ва пермиссив нутқий актларини тавсифлашга ва уларнинг таснифий белгиларини аниқлашга ҳаракат қилишган. Аммо ушбу нутқий ҳодисаларнинг коммуникатив-прагматик мақоми ҳақида билдирилган фикрлар турлича бўлиб қолмоқда. Масалан: Н.А.Ломакина таққик ақтини “адресатни бирон бир ҳаракатни бажармасликка мажбурлаш”, деб таърифлайди (Ломакина 2001:85). Энг қизиғи, баъзилар прохибитив ва пермиссивни алоҳида нутқий актлар гуруҳига киритиш тарафдори эмас (Першикова 1987:102). И.Б. Шатуновский ҳам таққик ва ижозатни ундаш нутқий актлари қаторидан чиқариш ва уларни “деонтик модаллик ифодаловчи бирликлар” сифатида қарашни маъқул кўради (Шатуновский 2000:319). Ҳарҳолда, кўпчилик таққик ва ижозатни директив нутқий актлар синфига киритишни маъқул кўради (Карасик 2002; Астапенко 2004). Зотан, ушбу мазмундаги нутқий актлар бажарилишидан кўзланадиган асосий мақсад тингловчига таъсир кўрсатишдир.

Тўғри, таъсир кўрсатиш ҳар қандай нутқий ҳаракатнинг асосида туради, лекин фақат директивлар туридаги нутқий актлардагина тингловчига таъсир ўтказиш етакчи хусусиятга айланади. Ж. Сёрлнинг таъбирича, “директивларнинг иллокутив кучи сўзловчи томонидан тингловчини бирон ҳаракатни бажаришга ундашда намоён бўлади” (Серль 1986:182). Бошқача, айтганда, таққик ва ижозат, худди бошқа турдаги директивлар каби, воқеликни нутқий ҳаракатлар воситасида ўзгартириш мақсадига йўналтирилади.

Директив нутқий актлар синфига, бир томондан, буйруқ, кўрсатма таққик кабилар кирса, иккинчи томондан, илтимос, истак, маслаҳат кабилар ҳам шу қатордан ўрин олади. Я.Н. Еремеев директивнинг мураккаб ҳодиса эканлигини қайд этаётиб, адресант таҳдид, ишонтириш, илтимос қилиш орқали нутқий ҳаракатнинг иллокутив имкониятини ошириши мумкинлигини айтиб ўтади (Еремеев 2001: 12).

Е.И. Беляева директив нутқий актларининг учта жиҳатини ажратади (Беляева 1992:122) семантик жиҳат тузилманинг пропозициясидан иборат бўлса, синтактик жиҳат эса мулоқот интенцияси ифодасининг формал кўринишидан иборат.

Директивларнинг учинчи жиҳати прагматик характерга эга бўлиб, турли омиллардан ташкил топади. Булар қаторига а) мулоқот қатнашчилар коммуникатив роли; б) уларнинг ижтимоий мақоми; в) ўзаро муносабатлари кўрсаткичлари; г) коммуникантларнинг бажариладиган ҳаракатга муносабатини киритади (Беляева 1992:143).

В.И. Карасик директивларни иккита асосий мазмуний гуруҳга ажратади: 1) ҳаракат структурасини тартибга солувчи директивлар; 2) тингловчига мустақил равишда ҳаракатни тартиблаш имконини берувчи директивлар. Биринчи гуруҳга кўрсатма ва таклифлар киритилса, иккинчи гуруҳни эса буйруқ, илтимос, тавсия, тақиқ кабилар ташкил қилади. Олимнинг талқинича, биринчи гуруҳдагилар адресатга рухий таъсир кўрсатса-да, лекин унга эркин танлов имконини бермайди. Иккинчи гуруҳдагилар воқеланишида эса, сўзловчининг истаги ҳал қилувчи ролни ўтайди (Карасик 2002:71-72). Бироқ тақиқнинг ҳеч қандай истиносиз иккинчи гуруҳга киритилиши гумонлидир, чунки тақиқ ва ижозат мазмунидаги нутқий ҳаракатларнинг огоҳлантириш оҳангида қўлланиши учраб туради.

Айтиш жоизки, директивлар синфидаги ҳаракатларнинг етакчи хусусиятларидан бири-мулоқотдошларнинг ўзаро муносабатида, яъни улардан қайси бири етакчилик қилишида намоён бўлади. Тадқиқотчилар тақиқ ва ижозат ҳаракатлари бажарилиши вазиятида мулоқотдошларнинг ижтимоий мақоми ҳал қилувчи рол ўташини таъкидлашган.

В.И. Карасикнинг кузатишича, тақиқ ҳуқуқи қариндошчилик, расимий ҳолат, турли жисмоний ва рухий имтиёзлар сабабли пайдо бўлади (Карасик 2002:78). Е.А.Шмелеванинг қайд этишича, сўзловчининг устунлиги тингловчи буйруқ, кўрсатмани сўзсиз бажаришида намоён бўлади (Шмелева1990:67). Айни пайтда, “мулоқотдошларнинг мавқеи нисбий характерга эгаллиги ва коммуникация вазияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши мумкинлигини” ҳам эслатади (Сафаров 1989:145).

Юқорида айтилганидек, тақиқ прескриптив, яъни тингловчига ҳаракат йўналишини белгилаб берувчи нутқий актлар синфига оиддир.

Е.И. Беляеванинг таърифича, директив нутқий актларининг ҳар бирига маълум турдаги белгилар мажмуаси хос бўлиб, прескриптивлар асосий белгиси сўзловчининг устунлиги ва буюрилаётган ҳаракатнинг бажарилиши мажбурийлигида намоён

бўлади (Беляева 1992:15). Ушбу гуруҳдан, буйруқ, кўрсатма, буюртма кабилардан ташқари, тақиқ ва рухсат ҳам жой олади.

Маълумки, нутқий тузилманинг коммуникатив маъқеини аниқлаш учун уни бошқа турдаги тузилмалар билан қиёслаш зарур бўлади. Чунки фақат қиёслаш асосида у ёки бу бирликнинг фарқловчи белгиларини ажратиш мумкин. Юқорида айтилганидек, прескриптивлар учун ҳаракатнинг бажарилиши ва сўзловчининг етакчилиги устувор белгидир. Бунда талаб қилинаётган ҳаракатни бажарувчи шахс адресат бўлса, ундаш манбаси эса алоҳида шахс ёки расмий ташкилот бўлиши мумкин. Тингловчи кўпинча ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас, ҳатто ундаётган ҳаракатнинг бажарилмаслиги жазога сабаб туғдириши мумкин. А.А.Романов ўрганилаётган нутқий актларнинг таснифий белгиларини бироз бошқачароқ тасаввур қилади. Унинг таснифи иллокутив вазифа ва иллокутив имконият тушунчаларига асосланган (Романов 1987:125). Иллокутив вазифа қуйидагилардан иборат бўлади:

- конститутив, яъни таркиб топтириш;
- декларатив (сўзловчининг бажариладиган ҳаракатга муносабати);
- когнитив (сўзловчининг воқеликка муносабати ҳақида хабар беради);
- интерактив (сўзловчи ва адресат ўртасидаги муносабат шартларини намоён қилади).

Иллокутив имконият тушунчаси маълум бир прагматик турдаги нутқий тузилмаларнинг ифода имкониятларини ангалатади. Худди шу имконият атрофида нутқий актлар гуруҳланади. Масалан: илтимос, кўрсатма, маслаҳат кабилар умумий иллокутив имкониятга эга ва директивлар синфини ташкил қилади, тақиқ, рухсат, розилик билдириш кабилар эса декларативлар синфига киритилади (Романов 1987:7-8). В.А. Першикова таклиф қилган таснифда, аксинча, тақиқ ва рухсат алоҳида турдаги нутқий акт сифатида ажратилмаган (Першикова 1987:89).

Дарҳақиқат, тақиқ ва рухсат нутқий актларининг фарқловчи белгиларини аниқлаш ва уларни мустақил гуруҳларга ажратиш муаммоли масаладир. Бунда юзага келадиган қийинчиликлар, даставвал директив мазмун (илтимос, буйруқ, маслаҳат, тақиқ,

рухсат) интонация, каузатив феълларнинг луғавий маъноси воситасида шаклланиб, матнда алоҳида таъкидланиши мумкин.

Инглиз тилшунослари директив нутқий актларини иккита гуруҳга ажратадилар. Биринчи гуруҳ сўзловчи фойдасига воқеланадиган мажбурий актларда (mandatives) иборат бўлса, иккинчи гуруҳ адресат фойдасини кўзлаб бажарилаётганлардан (advisives) таркиб топади (Tsui 1994). Бизнингча, бу хилдаги тасниф таққ ва рухсат ҳаракатларининг табиатини тўлиқ акс эттирмайди, чунки ушбу коммуникатив мақсадларнинг воқеланиши кўпинча мулоқот вазиятига боғлиқ равишда кечади. Бундан ташқари, таққ ва рухсат доимо буйруқ мазмуни билан ҳамроҳлик қилади. Шунинг учун ҳам “таққ тингловчида сўзловчи хоҳламаётган ҳаракатни бажариш истаги мавжудлиги ҳақидаги пресуппозицияга асосланган нутқий акт” сифатида қаралади (Беляева 1992:17).

Машҳур прагмалингвист А. Вежбицкая буйруқ, таққ ва рухсат нутқий актларини таҳлил қилаётиб, таққнинг рухсатдан кўра буйруққа яқин туришини таъкидлайди. Олима ушбу турдаги нутқий актларнинг фарқловчи белгиларини қуйидагича ажратади (Вежбицкая 1985: 263).

1) “Мен сенга Z ни бажаришингни таққлайман”:

Z ни бажаришингни хоҳламайман;

2) “Z ни бажаришингни буюраман”: Z ни бажаришинг ҳақидаги

истагимни маълум қиляпман;

3) “Z ни бажаришингни ижозат бераман”: Z ни бажармагин, деб

айтаётганим йўқ.

Келтирилган изоҳларда учта турдаги нутқий актларнинг ўзаро алоқаси кўриниб турибди. Ушбу нутқий ҳаракатларнинг алоқасини олима қуйидагича изоҳлайди: “Агарда буйруқ бирор нарсани бажаришга ундаш бўлса, таққ бирон нарсани бажармасликка мажбурлашдан иборатдир. Аммо рухсат ҳаракати фаоллашганида бундай ундов ёки мажбурлашни кўрмаймиз” (Ўша асар, 263 бет). А. Вежбицкая, шунингдек, рухсатнинг тақққа нисбатан мураккаб тузилишга эга эканлигини уқтиради. Чунки ҳар қандай рухсат у ёки бу кўринишдаги тақққа қарама-қарши қўйилади. Худди шунингдек, таққни ҳам тўлиғича буйруққа тенглаштириб бўлмайди (Ўша асар, 264 бет).

Ушбу фикрнинг исботини биз юқоридаги нуткий актларни воқелантирувчи перформатив бирликларнинг қиёсида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, япон тили луғатларида “тақиқламоқ”, “буюрмоқ”, “рухсат бермоқ”, бирликларига берилаётган изоҳлар турлича. Буйруқ шаклдаги гаплар ҳақидаги тушинча япон олимлари томонидан турли даврларда турлича талқин қилинган. Жумладан, 1874 йилда яратилган япон арбоби 田中義廉 (Танака Ёшикадо)нинг 「初級の日本語の文法」 (“Бошланғич таълим учун япон тили грамматикаси”) китобида 「命令形」 (буйруқ шакл) деб эътироф этилади.

Машхур япон тилшуноси 松下大 三 郎 (Матсушита Дайзабуро)нинг 「標準日本語文法」 (“Стандарт япон тили грамматикаси”) (1928 й.) да эса, “буйруқ гап”ни “рухсат бериш шакли” деб таъкидлаб ўтади. Бундай фикрлар талайгина бўлиб, ҳозирги замон япониядаги таълим муассасалари учун мўлжалланган “она тили” дарсликларида “буйруқ шакл” деб ўргатилиб келинмоқда. Лекин япониянинг 「岩波」 (Иванами) нашириёти томонидан чоп этилган 「広辞苑第六版」 (Кожиен) изоҳли луғатида буйруқ маънони англатувчи гаплар қуйидаги ҳолатларда истефода этилиши айтиб ўтилган:

1. Мавқеи баланд шахслар томонидан жамоага нисбатан тайинланадиган буйруқ;
2. Давлат ташкилотлари томонидан ўрнатиладиган қонун қоидаларни акс эттирувчи буйруқ;
3. Ташкилотлар томонидан махсус шахсларга юклатиладиган вазифаларнинг амалда натижаларини акс эттиришни талаб қиладиган буйруқ;
4. Раҳбар лавозимидаги шахс томонидан иш юзасидан ходимга нисбатан тайинланадиган буйруқ;
5. Ҳуқуқий қонун қоидаларга оид буйруқ (広辞苑第六版, 2008).

(小野正樹「現代日本語の命令形について」2010:80 б).

Юқорида тилга олинган ҳолатларда нутқ жараёнида иштирок этувчи гаплар буйруқдан ташқари, тақиқ ва рухсат оҳангдаги нутқларни ҳам қамраб олиш имконига эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларни императив нутқ билан бир қаторда, прохибитив ёки

пермиссив нутқнинг воқеланиши учун ҳам замин яратадиган жараёнлар дейишимиз мумкин.

Прохибитив ва пермиссив нутқий актларининг модал хусусиятларини таҳлил қилган И.Б.Шатуновский ушбу ҳаракатлар буйруқ нутқий актига яқинлашади, деб ҳисоблайди (Шатуновский 2000: 320). Тақиб ва рухсатни буйруқ актларидан фарқи уларнинг адресат хоҳиши билан яқин муносабат воқеланишида намоён бўлади. Бундан ташқари, ушбу нутқий актлар адресатни бирон ҳаракатни бажаришга ёки бажармасликка тўғридан-тўғри ундамасдан, балки ушбу ундашни қабул қилиш ёки қилмаслик имконини беради. Ниҳоят, прохибитив ва пермиссивнинг воқеланишида мулоқотдошлар ўртасидаги муносабат, худди буйруқ актида бўлганидек, расмий кўринишда бўлиши шарт эмас.

И.Б.Шатуновский тақиб ва рухсат нутқий актларининг “лисоний ўйин” сценарийсида кечишини қайд этади.

Рухсат акти лисоний ўйини:

1. Сўзловчи адресат Р ҳаракатини бажармаслиги истагида эмас.

2. Адресат Р ҳаракатини бажара олади (объектив, жисмоний имконият назарда тутилмоқда).

3. Адресат сўзловчи ижозат берса, Р ҳаракатини бажармоқчи.

4. Сўзловчи ижозат бермаган тақдирда адресат айтилган ҳаракатни бажариш ҳуқуқидан маҳрум.

Тақиб акти лисоний ўйиннинг сценарийси ҳам шунга ўхшаш босқичлардан иборат, лекин бу ерда “тақибқайман” сўзининг талаффузи адресат бирон бир ҳаракатни бажариш ҳуқуқидан маҳрум қилинаётганига ишора қилади (Ўша асар, 320-321 бетлар).

Тақиб ва рухсат нутқий актлари ўртасидаги муносабатларнинг яқинлигини қуйида мисолларда кўришимиз мумкин.

A:だめだ。だめだ。こんなところへ逃げたって駄目だ。

B:どこかおしえてくれ。

A:風呂の中へ逃げなさ。

B:風呂？

A:湯殿しかありません。早く、早く。

(川端康成「掌の小説」：2316).

A: Мумкин эмас, мумкин эмас. Бундай жойга беркинишинг яхши эмас.

В: Беркиниш учун бирор жойни айтиб юбор.

А: Ҳаммомга беркин.

В: Ҳаммомга?

А: Ҳаммомдан бошқа жой йўқ (у ерга киришинг мумкин) тез-тез бўл.

Юқоридаги мисоллар таҳлилидан прохибитив ва пермиссив нутқий актлари муносабати ҳар доим ҳам симметрик бўлмаслиги маълум бўлади. Биринчидан, рухсат дастлабки шаклида олдинги жумладаги ахборот сўровига ёки илтимосга жавоб тариқасида пайдо бўлади (Гловинская 1993: 189). Тақиб эса, аксинча, диалогнинг мустақил бошловчи репликаси ўрнини олади. Иккинчидан, рухсат алоҳида яқка нутқий акт сифатида намоён бўлиши мумкин. Келтирилган мисоллардан императивнинг инкор шаклида ифода топаётган тақиб буйруққа бошқаларга нисбатан яқин туриши кўринади.

Прохибитив ва пермиссив нутқий актларининг муносабати муаммоси Е.В. Астапенконинг ишида ҳам муҳокама қилинган (Астапенко 2004). Тадқиқотчи тақиб феъллари семантик-синтактик таркиб жиҳатидан рухсат феълларига яқин туришини қайд этади. Унинг тавсифича, “прохибитив феъли тузилмалар мазмунида “Caus Command Neg P”, яъни “буйруқ бераётиб, ҳаракатни бажармасликка ундаш” мазмунига эга. Инкор шаклидаги пермиссив тузилмаларда эса “Neg Permit P”, яъни “рухсатни инкор қилаётиб, ҳаракатни бажармасликка ундаш” мазмуни мавжуд (Астапенко 2004: 10).

Мазкур тузилмалар япон нутқида қуйидаги кўринишларни олади:

Ушбуни бажармасликни буюраман Р = Ушбуни тақиқлайман Р;

私は Р をしないのを命じる = 私は Р を禁じる

Р-ни тақиқламайман = Р-га ижозат бераман.

私は Р を禁じない = 私は Р を許可する

Ушбу тузилмаларнинг бадий матнларда воқеланишини қиёсланг:

「そんなことないよ。何か困ったことがあったら、今日からは浩介さんだけじゃなくて、私にも気軽に相談してください。」

(白石一文「一瞬の光」: 349 б).

Бу иш нотўғри. Агар сизда бирон бир муаммо бўлса, илтимос бугундан бошлаб фақат жаноб Косуке билан эмас, мен билан ҳам беҳижолат маслаҳат қилишингиз мумкин.

「おまえは向こう見ずなところがあって困る。だけど、もう絶対に行ってはいけないぞ。明日は必ずろうそくを買ってくるからな。あんまり心配させるなよ。」

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 :159 6) .

У томонда кўриб бўлмас жойлар бор, қийналасан. Билиб қўй, умуман боришинг мумкин эмас. Эртага албатта шам олиб келаман. Мени кўп хавотирга қўйма.

Е.А. Шмелева тақиқ ва рухсатни ҳеч қандай гумонсиз ундаш хусусиятига эга нутқий актлар қаторига киритади (Шмелева 1990). Таъкидли ва таъкидсиз ундашни фарқлаш тарафдори бўлган муаллиф тақиқни таъкидли нутқий акт сифатида талқин қилишга ундайди. Бундан ташқари, ундаш сўзловчининг лисоний ҳаракати характериға нисбатан фарқланади, чунки ушбу нутқий ҳаракат икки йўналишда кечади ва сўзловчи тингловчи ҳаракатини кўзғатиши билан бир қаторда, унга қаршилиқ ҳам кўрсатиши мумкин. Шу боис, ушбу турдаги нутқий актлар ижобий (+) ва манфий (-) кўрсаткичлари билан белгиланади (Шмелева 1990: 124).

Я.Б. Боргер ҳам прохибитив ва пермиссивни директив нутқий актлари гуруҳига киришини эътироф этади. Тадқиқотчининг тавсифича, тақиқ актининг коммуникатив мақсади адресатнинг ҳаракатига тескари муносабатни ифодалаш орқали унинг ҳаракатини тўхтатиши ёки ўзгартиришдан иборатдир (Боргер 2004:10). Муҳими, муаллиф тақиқни, ушбу ҳаракатнинг юзага келишига сабаб туғдирган бошланғич репликанинг характерида келиб чиқиб, учта мустақил гуруҳга таснифлашни маъқул топади: а) мулоқотдош бошлаган нутқий ҳаракатни тақиқлаш; б) режалаштирилаётган ҳаракатни тўхтатиш; в) адресатнинг режасидаги нолисоний ҳаракатни таърифлаш (Боргер 2004: 11).

Хуллас, прохибитив ва пермиссив тузилмаларини алоҳида нутқий актлар сифатида ажратиш имконини берадиган таснифий белги ва мезонларни аниқлаш борасидаги изланишлар давом этмоқда. Директивлар синфини ташкил қилувчи буйруқ, тақиқ, рухсат, илтимос каби нутқий актларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш мавжуд бўлган муаммо ечимини излашнинг муҳим талабларидандир. Зотан, ушбу турдаги нутқий актларнинг барчасига мажбурийлик ва таъкид белгилари деярли бир хилда таалуқлидир.

Директив нутқий актларининг ўзаро яқинлиги уларни майдон назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилиш имконини беради

(Кленина 2004). Жумладан, тақик ёки рухсат актларининг майдон тузилишини оладиган бўлсак, улар бошқа микромайдонлар вакиллари билан алоқага киришишини кузатамиз. Бундай алоқа натижасида турли майдонлар ўзаро кесушиву мос келиши ёки бетараф бўлиб қолиши мумкин. Зотан, алоҳида бир нутқий тузилма бир нечта иллокутив имкониятга эга бўла олади. Аммо маълум вазиятда улардан фақат биттаси етакчи ўринга чиқади.

III БОБ.

ПРОХИБИТИВ ВА ПЕРМИССИВНИНГ УНДАШ (ДИРЕКТИВ НУТҚИЙ АКТЛАРИ ГУРУҲИДАГИ ЎРНИ

Маълумки, тил турли вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлган ҳодисадир. Шундайлардан бири Р. Якобсон “конатив” (conative) деб атаган вазифа бўлиб, унда сўзловчи буйруғининг амалга ошириш истаги намоён бўлади (Jakobson 1980; Crystal 2008: 97). Суҳбатдошни ҳаракатни бажаришга ундашга йўналтирилган нутқий актлари қаторига, одатда, буйруқ, тақиқ, рухсат каби мазмунга эга тузилмалар киради. Прагмалингвистлар тақиқ ва рухсат нутқий актлари талқинига турлича нуқтаи назардан ёндашадилар. Жумладан. Ж.Сёрль ва К.Аллен уларни директивлар синфига киритади (Searle 1975; Allan 1986). Кейинчалик ушбу нутқий актлар прескриптивлар гуруҳига ажратилиб, улар фармойиш, буюриш, кўрсатма, маслаҳат каби прагматик вазифаларни воқелантирувчи ҳаракатлар билан тенглаштирилди (Беляева 1992:16 б).

Шунинг билан биргаликда, прохибитив (тақиқ) нутқий актининг гуруҳдаги бошқа актлардан ўз прагмасемантик хусусиятлари билан фарқ қилиши кўзга ташланади. Тадқиқотчилар прохибитив “сўзловчининг унинг буюраётганини тингловчи учун ҳаракатга киришишга сабаб бўлиши борасидаги истагини намоён қилиши”ни кўп бора таъкидлашган (Bach, Harnish 1979:47 б).

Испан тилшуноси Х. Хаверкате прохибитив нутқий актини маълум бир воқеа юзага келиши, ҳаракат бажарилишидан сақлаб қолишга йўналтирилган, деб ҳисоблайди (Haverkate 1979:396). Олим томонидан прохибитив тузилмаларнинг турли гуруҳларга ажратилиши эътиборни жалб қилади.

Структур жиҳатдан инкор буйруқ гаплар қаторига кирадиган прохибитив нутқий актлар тақиққа қўшимча равишда бошқа маъно оттенкаларига ҳам эга бўлиши мумкин. Мисол тариқасида қуйидаги гапларни қиёслаб кўрамиз: 「大丈夫よ、敏子ちゃんの家は、皆さんたいへん信心深い人たちだから、きっと神様がお守りくださったわよ。心配しないで早く学校に行きなさいね。」 (高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 36 б) .

Ҳаммаси жойида, Тошико сенинг оилангда ҳамма итоатли одамлар бўлгани учун, Тангри асради. Хавотир олма ва мактабга кетавер.

「お兄ちゃん、これ、お母さんから預かってきたお守りよ。絶対に死んじゃだめだって。どんなことがあっても、きっと、きっと、生きて帰っておいでって。」 (高木敏子

「ガラスのうさぎ」: 276) .

Ака, мана бу ойим бериб юборган тумор. Асло ҳалок бўлмасин дедилар, нима бўлганида ҳам, албатта, албатта , тирик ҳолда қайтар экансиз.

Ушбу гаплар, энг аввало, пропозиция ифодаси билан фарқланади: биринчисида содир бўлиб турган ҳаракатни, яъни “хавотир қилиш”ни тўхтатиш назарада тутилаётган бўлса, иккинчисида ҳам бажарилаётган ҳаракат ҳақида сўз кетиб, тингловчи огоҳлантирилмоқда. Х. Хаверкате “тўхтатиш” (cessative) ва “огоҳлантириш” (preventive) номларини бераётган ушбу нуткий актларининг пропозиция асоси мантикий фарқланиши трансформация амали татбиқида ҳам ўз исботини топади:

- 「心配しないで」
- *Хавотир олма.*
- 「でも、何も心配していないよ。」
- *Лекин мен ҳеч қандай хавотир олганим йўқ-ку!*

Иккинчи гапни бу тарзда ўзгартириш қийин бўлса-да, бироқ унинг таркибига огоҳлантириш мазмунига эга бўлган “ўзини четга олиш, қочиш” мазмунидаги феълни киритиш мумкин. Бунда асл тақик маъноси эргаш гапда сақланади. Қиёсланг: 「死んじゃだめ、気をつけなさい。」

Ҳалок бўлишдан эҳтиёт бўл (ўзингни сақла) !

Ҳаракатни тўхтатиш мазмунидаги тузилмалар эса бошқача ўзгаришларга тобе: → 話さないで (*гапирма*) ! → たくさん話さないで (*кўп гапирма*)! → 話すのを辞めて (*гапиришни тўхтат*)! → 話を続けないで (*гапингни давом еттирма*) !.....

Баъзи пайтларда прохибитив тузилмаларни инкор гап сифатида талқин қилиш ҳолатлари учрайди. Сиртдан қараганда бу тўғридек кўринади ҳам. Маълумки, грамматикага оид барча қўлланмаларда инкор тузилмалари тасдиқ гапларининг семантик-синтактик деривати ёки ҳосиласи деб ҳисобланади. Бундай ҳолат япон тилида “～ます (～ました) (-моқ)” 建てます(курмоқ)

тасдиқ гапи → “～ません (～ませんでした) (-маслик) 建てません(қурмаслик) тарзида воқеланади . Масалан:

「彼は夏に家を建てました」 *У уйни ёзда қуриб битказди.* → 「彼は夏に家を建てませんでした」 *У уйни ёзда қурмади.*

Бундай гаплар таркибидаги инкор оператори “～ました” ёки “～ませんでした” қўшимчаси семантик жихатдан бутун гап мазмунини камраб олади. Прохибитив тузилмаларда эса ҳолат бошқачароқ, яъни буйруқ мазмунига эга бўлган истак-хоҳиш майли инкор оператори таъсир доирасидан четда қолади (Храковский 1990:210 б).

Агарда истак-хоҳиш бирор нарсани тақиқлашга тааллуқли бўлса, унда ҳаракат нутқ моментида ҳали бажарилмаган бўлади:

- 「糸川君！」
- *Жаноб Итокава!*
- 「怒るなよ！」 かぶせるように糸川君が言った。
- *Жаҳил қилма! деди Итокава, уни айбдордек билиб.*

(吉村達也「富士山殺人事件」: 48 б).

Худди шунингдек, тақиқ суҳбат пайтида аллақачон бажарилаётган ҳаракатга тегишли бўлиши имконияти ҳам йўқ эмас:

- 「山道で日が暮れると本当に真っ暗ですねえ。」
- *Қуёш ботса, тоғ йўли чиндан ҳам қоронғи бўлиб кетади-я.*
- 「その程度のことで情けない声を出すなよ！」
- *Бундай номақбул гапларни айтма.*
- 「だって、ほら後ろを見てください。」
- *Ахир, ортга қарагин.*

(吉村達也「富士山殺人事件」: 48 б).

Бундан ташқари, тақиқ маълум субъектга нисбатан айтилиши диалогик нутқ учун характерлидир. Масалан: 「このドアを開けるな！」 *Бу эшикни очма !* (プログレッシブ和英中辞典 3 版, 2002).

「成瀬はさっと躲して私の右手首を強い力で握った。「やめてよ！」 齒を 食いしばりながら呼ぶと、成瀬は無言で手を離し、軽く私を突き飛ばした。」

(桐野夏生「顔に降りかかる雨」: 77 б).

Нарусе бирдан ўгрилиб ўнг билагимдан тутиб олди. “Бас қил” дея бақирдим тишларимни гижирлатиб. У индамай қўйиб юборди ва енгилгина итариб юборди.

Кўрсатмалар берилаётган пайтда эса, тақиқнинг адресати номаълум бўлиб қолади ёки умумлашган кўринишга эга бўлади:

「絶対に死んじゃだめだって。」 *Асло ҳалок бўлмасин дедилар.*

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 27 б).

「乱暴するのをやめてよ！私は怒鳴った。すると、バコンと音がして、いつの間にかトランクが開いていた。」

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 341 б).

“Зўравонликни бас қил!” дея дод солдим. Сўнг шитирлаган овоз эшитилди ва бир оздан сўнг чемодан очилиб ётганини кўрдим.

Прохибитив гапларнинг предикатив қисми турли феъллар билан ифодаланганида пропозиция турлича англашинилиши мумкин. Жумладан,

「芝生に入るな!」 (*майсазорга кирма!*) (プログレッシブ和英中辞典, 2002) гапини оладиган бўлсак, пропозиция тингловчи бажаришга тайёргарлик кўрадиган ҳаракатни тўхтатиш маъноси англашинулади. Бироқ тингловчининг мақсади қай даражада аниқлиги сўзловчи учун номаълум бўлиб қолаверади. Чунки мулоқотнинг кейинги қисмида сўзловчининг жавоби қуйидагича бўлиши мумкин:

「ごめんなさい、芝居に入りたくはないですが、写真を撮りたいだけです。」

Узр, мен бу майсазорга кирмоқчи эмасман, суратга олмоқчиман, холос!

Бошқа бир вазиятда эса ифодаланаётган тақиқнинг мазуни пропозицияни тўғридан-тўғри акс эттириши кўзга ташланади:

「あの人に心配するなと言ってやれ。」 *Ана у кишига хавотир олма деб айтиб қўй.* (プログレッシブ和英中辞典 3 版, 2002).

Бу ерда тингловчи сўзловчининг ҳузурида саросимага тушиб турли кўринишлар билан унинг асабига тегмоқда. Натижада, ушбу ҳолат тингловчини огоҳлантиришга ундамоқда, яъни тақиқнинг бажараётган вазифаси тингловчини бу қабилдаги хатти-ҳаракатдан четга тортишдан иборат. Демак, прохибитив нутқий актнинг прагмасемантик мундарижаси пропозиция структурасига мос тушади.

Умуман олганда, истак-хоҳиш модаллиги фаоллашувида воқеланадиган нутқий актларнинг прагматик мавқеини аниқлаш учун доимо контекст ёки мулоқот вазиятига мурожаат қилишга

мажбурмиз. Шунингдек, ушбу вазият иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни ҳам инобатга олиш муҳимдир. Зотан, сўзловчи ва тингловчи назарда тутилаётган ҳаракатни бажаришга истаги, имконияти, қобилияти ҳар хил бўлиши аниқ.

Шундан келиб чиқиб, ундаш хусусиятига эга нутқий актлар прагмасемантик тасвири пропозиция мундарижаси, модал мўлжал, баҳо хусусиятларини қамраб олади. Мазкур мазмун компонентлари ўзаро муносабати ундаш ҳаракатининг мақомини белгилайди. Бунда сўзловчи (ҳаракатга ундовчи) ва тингловчи (ҳаракатни бажарувчи)нинг истак-хоҳиши мутаносиблиги ёки номутаносиблиги ҳал қилувчи ролни ўташи мумкин. Бинобарин, сўзловчи тингловчининг истагини маъқуллайди ёки маъқулламайди. Қиёсланг:

а) истаклар мос келиши:

「『もうやめてよ。渡辺さん!』と、父は力のない声で言った。それから三人は焼け跡に立って、だまって合掌した。」

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 53 6) .

“Бас қилинг энди, жаноб Ватанабе!” деди ота кусчиз овозда. Шундан кейин учаласи ёнгин содир бўлган жойда сукут сақлаб, қўлларини жуфт қилдилар (ибодат қилдилар) .

Тингловчи (бу ерда оиласидан жудо бўлиб, ўкириб йиғлаётган жаноб Ватанабе) маълум бир ҳарактани бажараяпти (йиғини бас қилмоқда), сўзловчига бу маъқул келяпти.

б) истаклар мос келмайди:

— 「昼ご飯でもと引きとめるが、啓吉は急ぐらしい。」

— *Тушликка таклиф қилмоқчи эдим, лекин Кейкичи шошилаётган*

экан.

— 「困ったねえ。」

— *Қийин ҳолат бўлди-ку.*

(川端康成 「ぎくろ」 : 418 6).

Директивлар синфига кирувчи пермиссив нутқий актининг коммуникатив-интенционал (прагмасемантик) мундарижаси асосида бир шахснинг бошқа бирор бир шахс ёки шахслар гуруҳига маълум кўринишдаги ҳаракатни бажаришга ижозат мазмуни туради.

Формал жиҳатдан қараганда, ушбу мазмундаги нутқий тузилмалар таркибида “ижозат, рухсат сўраш (～てもいい、～させる、～せていただけませんか?、～せていただきたいと思います)

す、許可する、許す каби)” мазмунидаги феъллар эксплицит ёки имплицит тарзда зоҳир бўлишини кўрамиз.

Рухсат, одатда, сўралган илтимосга жавоб бўлганлиги сабали унинг прагмасемантик хусусияти кўп жиҳатдан айнан илтимоснинг моҳияти билан боғлиқ бўлади. Қиёсланг:

— 「お願いがあるんですが、一週間休みを取らせていただいだけませんか？」
(平林、1988) .

Илтимосим бор эди, бир ҳафталик таътил олишимга рухсат бера олмайсизми, илтимос.

Мулоқот жараёнининг кечиши инсонлараро муносабатларнинг воқеланиши намунасидир ва бунда иштирокчиларнинг жинси, ёши, ижтимоий мавқеи кабилар муҳимлиги ҳамда ушбу жараённинг турли вазиятларда ўзгариб туриши боис, ягона бир илтимосга жавоб ҳам турлича мазмун - мундарижага эга бўлиши мумкин. Жумладан, бирон бир илтимосга берилаётган жавоб ижобий ёки салбий муносабатни акс эттиради.

Қиёсланг: 「来週から自動車の練習を始めさせていただきたいのです。」
(小野、1973) .

Келаси ҳафтадан автоуловни бошқариш машқларини бошлашимга ижозат беришингизни истардим.

Кўринадикки, рухсат ҳар доим ҳам яққол, очикдан очик изҳор қилинавермайди, у тақик ёки буйруқ мазмуни сари силжиши ҳам кузатилади.

Шунга биноан, ўз пайтида немис тадқиқотчиси Л.Хоффман билдирган пермиссивнинг уч кўринишда намоён бўлиши борасидаги мулоҳазани қайта эслашни ўринли деб ҳисоблаймиз: а) тақик ёки буйруқ акс топмайдиган “соф” пермиссив; б) буйруқни ифодаламайдиган пермиссив; в) тақикни ифодаламайдиган пермиссив (Hoffman 1979:219). Ушбу тасниф ҳам пермиссивнинг ўз прагматик ва синтактик хусусиятлари кўламида бевосита таъкид ва буйруқ билан боғлиқлигидан дарак беради.

Ҳаракатга ундаш мазмунига эга гапларни ягона бир тизимга уюштиришда таяниладиган асосий кўрсаткич коммуникатив - функционал мундарижадир. Ушбу мундарижа кўпинча нутқий тузилма таркибидан жой оладиган феъл воситасида ифодаланади.

Ҳозирги пайтда перформатив (иллокутив) феъллар баъзи тиллар мисолида бирмунча батафсил таҳлил қилиниб, махсус луғатлар тузилган. Масалан: япон тилидаги “岩波” нашриёти томонидан чоп этилган “広辞苑” луғати шундай луғатлар сарасига

киради. Бу турдаги луғатларда келтирилишича, ундаш прагматик вазифасини бажарувчи феъллар “буюриш”дан бошлаб, “ялиниш”гача бўлган эмоционал маъно бўёғига эга бўлади. Япон тилида бундай маънодаги феъллар қаторига “命令する (буйруқ бериш)、命じる (буюриш)、お願いする (илтимос қилиш)、願う (илтижо қилиш)、頼む (ёлвориш) кабилар киради.

Ўзбек тадқиқотчиси А.Муминова таъкидлаганидек, ундаш модаллик категорияси негизида шаклланиб, бир қанча унсурларни умумий ундаш семаси остида бирлаштира-да, лекин улар бир-бирни кесиб ўтмайди ва такрорламайди. “Мустақил категория сифатида ундаш ўз мазмун ва ифода жиҳатига эга. Мазмун томони коммуникатив-прагматик моҳияти билан белгиланса, ифода жиҳати уни ифодаловчи тил бирликлари хилма-хиллиги, тилнинг барча жабҳаларида намоён бўлиши мумкинлиги билан тавсифланади” (Муминова, 2018:10 б).

Аммо рухсатнинг буйруққа яқинлашуви маълум нутқий вазият, контекстнинг мавжудлигини тақозо этади. Бошқа бирон бир шахс ёки шахслар гуруҳига маълум бир ҳаракатни бажаришга рухсат бериш учун сўзловчи одатда бошқаларга нисбатан юқори мавқега эга бўлиши шарт (Мишина, 1995). Масалан:

「具体的に質問がおありでしたらお出しいただきたいと思います。」

Агар бирорта аниқ саволларингиз бўлса, айтишингизни истардим. (Саволингиз ҳақида билишимга ижозат беришингизни истардим).

Рухсатнинг буйруқ оҳангида бўлиши нисбатан кам учрайдиган ҳолатдир. Илтимосга жавоб руҳидаги буйруқ мулоқотдошлар ўртасидаги муносабатнинг носимметриклиги муҳитида ифода топади. Албатта, адресат суҳбатдошининг ҳаракатига рухсат бераётиб, ёки унинг илтимосини кондираётиб, ушбу ундашнинг амалга ошишидан манфаатдор. Бундай вазиятда ижтимоий мавқени акс эттирувчи рухсат маълум маънода ҳукм бўёғини олиши ҳам кузатилади ва бунда нутий актнинг рухсат ёки илтимос мазмунида бўлиши вазиятга боғлиқ ҳолда талқин этилади. Бироқ, адресат илтимосни кондиришнинг имконияти йўқ ёки шарт эмас деб ҳисоблаган тақдирда рухсат тақиққа айланиши ҳеч гап эмас (Алпатов, 1992). Қиёсланг:

「この手紙を書き終えないでください。」

Ушбу мактубни тугатмасдан қолдирамиз.

Суҳбат иштирокчилари муносабати фақат ижтимоий омиллар билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки руҳий ва эмоционал характерда воқеланиши ҳам одатий ҳолдир. Бундай вазиятда рухсат кўрсаткичи кўпроқ ҳис-туйғу ҳолатларини ифодаловчи перформативлар қўлланишида намоён бўлади. Бундай феъллар қаторига япон тилида “頼む (ялинмоқ), 願う (ўтинмоқ), 聞く (сўрамоқ), 呪う (лаънатламоқ)” кабилар киради.

「どうか、これからもお二人仲良くお元気で、次は金婚式を目指し、ご自愛くださるようお願いいたします。」 (手紙と葉書の文例事典 1998, 85 6).

Марҳамат, сиз иккинги аҳил ва саломат бўлиб, энди “Олтин тўй” маросимини режалаштиринг ва ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Мазкур диалог иштирокчилари ўртасидаги муносабат расмий руҳда кечса-да, қўлланилаётган лисоний бирликлар эмоционал таъсир кучига эга бўлиб, ушбу вазиятда тилак ёки истак рухсат билан биргаликда ифодаланмоқда, яъни олтин тўйни режалаштиришга рухсат ҳам бериляпти.

Мулоқот жараёнида коммуникантлар муносабати носимметрик кўринишга эга бўлганида иштирокчилар мавқеи уларнинг нуфузига қараб белгиланади. Л. Хоффман мақоласида “шахсий нуфуз” (personale autoritat) ва эгаллаб турган ўрнига қараб белгиланадиган “позицион нуфуз”ни (positionale Autoritat) фарқлаш тарафдори (Hoffman 1979:219). Муаллифнинг қайдича, “шахсий нуфуз” ижтимоий, ахлоқий, ақлий ҳамда ишбилармонлик хусусиятларига асосланади. Бундай етакчилик ҳолларида илтимосга рухсат ёки рад жавоби берилиши эмоционал омиллар назоратида бўлади. Қиёсланг: (Ёш хоним) - *Менга бу қутича жуда ҳам ёқиб қолди. Эҳтимол у бирор кишига тегишли бўлса керак. Менинг хатти - ҳаракатим кулгули ёки аҳмоқона туюлса, ажаб эмас.* (Полковник) - *Албатта. Марҳамат, сизга ҳақиқатдан ҳам ёққан бўлса, тортинмасдан олаверинг.*

“Позицион нуфуз”, ўз навбатида, шахснинг ижтимоий мақоми. Унинг иш жойидаги ҳурмат-эҳтироми, жамоадаги фаолияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам мазкур ҳолатда берилаётган рухсат ижтимоий ҳаёт нормалари, адресатнинг мажбуриятларига боғлиқ ҳолда шаклланади. Қиёсланг:

(Сержант) - *Бориб йигитларни ўйготсам бўлса керак?*

(Капитан) - *йўқ, уларни қўйиб тура қолинг. Бугун манзилга етиб боришингиз гумон.*

Айтиш жоизки, биз таҳлил қилган диалоглардан бирортасида ҳам “*рухсат бермоқ*” маъносини берувчи “*～てもいいです、～てもかまいません、大丈夫です*” каби феълли бирикмалар эксплицит равишда қўлланилмагани қизиқарли туюлади. Ушбу ҳолатнинг турлича изоҳи мавжуд, албатта. Шулардан бири пермиссивнинг ботиний структураси асосан маънонинг билвосита ёки мураккаб инфинитив қурилмалари воситасида ифодаланиши билан боғлиқ. Диалог, аксинча, ҳар доим бевосита мулоқот маҳсули бўлиб, одатда қисқа ва тежамли, эмоционал бўёққа эга нутқ намунасидир. Унинг кечишида гапларни такрорига у даражада ҳожат қолмайди. Ҳатто, диалогнинг коммуникатив-функционал моделини яратишга киришган тадқиқотчилар ҳам унинг модал таркибини алоҳида таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, диалогик матн яратилишининг “*ҳаракатга келтирувчи куч - коммуникатив мақсаддир*” (Шпильная 2018: 38).

Диалогик нутқда кузатиладиган тежамкорликнинг намунасини бирон бир ҳаракатни бажаришга ижозат сўралганда берилаётган рухсат ёки тақик репликасининг бор-йўғи бир сўздан иборат бўлишида кўрамиз. Масалан:

- お食事続けてちょうだい。 *Таомланишда давом этаверинг.*

- いいです。もう終わったし。 *Бас. Аллақачон тугатдим.*

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 107 б).

Рухсат ҳеч қандай лисоний бирлик қўлланмасдан, имо-ишора, юз ҳаракати, ҳатто сукут сақлаш каби паралингвистик воситалар ёрдамида воқеланиши мумкинлиги барчага маълум. Қиёсланг:

「ゆかりが可哀想に思えて、成瀬につぶやいた :

- ちょっと様子を見てみましょうか？

- いいですよと成瀬が腕を押さえた。」

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 171 б).

Юқари ачингандек Нарусега шивирлади:

- *Ҳолатни кўриб келайинми?*

- *Хўп, деди Нарусе қўлларини бўшатиб.*

Пермиссив мазмуни ифодасининг лисоний воситалари ҳақида сўз кетганда, “*～てはいけません(-ни бажариш мумкин эмас)、～な(-ни бажарма)、～ないでください(-ни амалга оширманг илтимос)*” каби қурилмалар ва коммуникатив киритмалар ушбу вазифани бажаришини қайд этиш лозим. Бироқ “*はい*” (*ҳа*), “*いいえ*” (*йўқ*) бирликлари таъкидли нутққа хос бўлгани боис,

эҳтиёткорлик, хушмуомалаликни ёқтирадиган ва қарама-қаршиликлардан кечадиган японлар ўз нутқий ҳаракатларини юмшатишга интилади. Шу боис уларнинг нутқида *もちろん* (албатта), *当たり前*(табиий), *確かに* (дарҳақиқат), *なるほど*, *想定された* (кутилганидек), *本当に*(ҳақиқатан ҳам) каби киритмалар кўп учрайди. Айтиш жоизки, рухсат, тақиқ ва илтимос, рухсат нутқий актларини чегаралаш баъзан катта қийинчилик туғдиради. Чунки ушбу мазмунга эга бўлган баъзи грамматик қурилмалар ҳар учала ҳолатда ҳам фаоллаши мумкин. Қиёсланг:

- 教えてください、覚えますから。
- 当たり前だよ、覚えないとこれから用事は足りやしないものね。
(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 53 6) .
- Ўргатинг, илтимос, ўрганиб оламан.
- Бу табиий ҳол, ўрганмасанг буёғига юмушлар тўлиқ бўлмай қолади.

- 調査したいものの特性を大体調べてから面白い仮説を立てて、それを検索して実証するんです。
- なるほど。ならば、耀子を探すのに対応してください。
(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 70 6) .

- *Текишириладиган нарсанинг хусусиятлари тахминан ўрганилади ва қизиқарли тасаввурлар пайдо бўлгач, у исботланади.*
- *Кутилганидек. Ундай бўлса, Йокони қидиришга киришинг.*

Пермиссив нутқий актлари таркибида учрайдиган модал феълларнинг семантик имкониятлари кенгайиши сезилиб туради. Улар эндиликда нафақат инсон жисмоний имкониятлари кўрсаткич хизматини ўташ билан чегараланмасдан, балки коммуникатив қийматга ҳам эга бўлади. Оқибатда, илтимос ва рухсат репликаларида ушбу модал бирликларнинг қўлланиши суҳбатдошлар ижтимоий мавқеидаги фаразларни маълум даражада йўқотиб, муносабатларни тенглаштиради. Масалан:

彼なら、できる。(У бўладиган бўлса, уддалайди (у бажарсин)).

(プログレッシブ和英中辞典 3 版, 2002).

Ушбу ҳолатда сўзловчи тингловчига унинг рухсат берилган ишни бажаришга имконияти ва қобилияти, билими етарли эканлигига ишончи комиллигини маълум қилмоқчи.

Шунинг билан биргаликда расмий мулоқот вазиятларида пермиссив нутқий тузилмаси таркибида баъзан шундай қурилмалар пайдо бўладики, улар воситасида ижтимоий мақом омилининг қиймати яққол намоён бўлади. Япон тилида бундай бирликлар қаторига, масалан: “～てください、～ができる、～てもいいです” каби қурилмалар киради. Қиёсланг:

「 - 分かりました。塾のほうは私が精いっぱいお手伝いしますから、先生は思い通りエゲレス語に励んでください。」

(福沢諭吉「天は人の上に人をつくらず」 : 66 б).

- *Тушундим. Устоз, мен сизга дарсларга ёрдам беришга қўлимдан келганича ҳаракат қиламан, сиз эгерес (инглиз) тили билан шуғулланишингиз мумкин (режангизни ўзгартирманг).*

- すみません . Узр (авф этинг)

- お宅まで送ろう, 乗りなさい *Уйингача олиб бориб қўяман ўтир .*

- ええ... *Хўп, майли.* (赤川次郎「赤いこうもり傘」 : 117 б).

Шундй қилиб, пермиссив нутқий акти коммуникатив-функционал тизимнинг алоҳида бирлигини ташкил қилади. Пермиссивнинг коммуникатив-интенционал мундарижаси бирор бир шахс ёки шахслар гуруҳига маълум бир ҳаракатни бажаришга берилаётган рухсат, ижозатдан иборатдир. Пермиссив нутқий акти асосан “илтимос - рухсат” кўринишига эга диалогик тузилмаларда фаоллашади.

Мулоқот – бу сўзловчи ва тингловчи биргаликда амалга оширадиган фаолиятдир. Ушбу жараёнда япон тилида ҳар иккала иштирокчи амал қилиши талаб қилинадиган нутқ одоби қоидалари мавжуд бўлиб, ўзбек тилида уларнинг муқобили бўла оладиган прототипни топиш ҳам муаммоли вазиятлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Мулоқот майдонида муайян бир мақсадга қаратилган фаолиятнинг ижроси билан боғлиқ муаммолар, асосан, нутқ ва тил ҳодисалари билан алоқадор ҳолда тадқиқ қилинган ва бу нутқий актлар назариясининг тараққиётига етарлича таъсир ўтказган.

Суҳбатдошни ҳаракатни бажаришга ундашга йўналтирилган нутқий актлари қаторига, одатда, буйруқ, тақиқ, рухсат каби мазмунга эга тузилмалар киради. Прагматлингвистлар тақиқ ва рухсат нутқий актлари талқинига турлича нуқтаи назардан

ёндашадилар ва уларни директивлар синфига киритади. Кейинчалик ушбу нутқий актлар прескриптивлар гуруҳига ажратилиб, улар фармойиш, буюриш, кўрсатма, маслаҳат каби прагматик вазифаларни воқелантирувчи ҳаракатлар билан тенглаштирилди.

Нутқий акт тушунчаси нутқ ижрочисининг маълум бир мақсадда аниқ бир ҳаракатни амалга оширишни кўзлаб ижро этган нутқий фаолиятини ифодалашини назарда тутамиз. Нутқ самарадорлигини оширишда, биринчи навбатда, лисоний ва нолисоний омилларнинг ўзаро уйғунлашуви муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, нутқ ижрочисининг мулоқотдан кўзлаган мақсади намойиш этилишида иллокутив кучнинг таъсири ва мулоқотдошларнинг ўзаро ижтимоий мавқеи кўламидаги муносабатлар ўртасидаги фарқлар каби нолисоний жиҳатлар асосий омиллардан ҳисобланади.

Нутқий акт ҳодисасининг самарали кечишида нутқнинг ижро этилиши шароити билан бир қаторда, мулоқотдошларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат, эҳтиромларини акс эттирувчи тамойилларни муҳим омиллар сифатида эътироф этмоқ даркор.

Диалогик нутқ жараёнида воқеланувчи нутқий актлар ўзига хос структураси билан бир қаторда, аниқ бир мазмун ва моҳиятга ҳам эгадир. Ушбу мазмунни ифодалаш ва мулоқот интенциясининг воқеланишини таъминлаш учун сўзловчи нутқий акт турларининг вазиятга мосини танлайди ва у орқали маълум турдаги ахборотни суҳбатдошига етказди. Тадқиқот мавзуси бўлган прохибитив ва пермиссив нутқий актлар доирасида оладиган бўлсак, нутқ интенциясини воқелантирувчи нутқий акт тури сифатида билвосита нутқий актини энг муҳим восита сифатида эътироф этиш мумкин.

Прохибитив ва пермиссив нутқий актлар директивлар синфига оид бўлиб, ўзига хос лексик-грамматик тузилиш ва прагматик структурага эга тақиб ва рухсат мазмунларини ифодаловчи ушбу нутқий актлар маълум коммуникатив вазиятда фаоллашиб, тингловчини у ёки бу ҳаракатни бажаришга ёки бажармасликка ундайди. Аммо айтилган тақиб ёки рухсатни қабул қилиш ва ундалган ҳаракатни бажариш адресант учун мажбурий бўлмасдан, кўпинча унинг ихтиёрида қолади.

IV БОБ.

ПРОХИБИТИВ ВА ПЕРМИССИВНИНГ ПРАГМАСЕМАНТИКАСИ ҲАМДА ИФОДА УСУЛЛАРИ

Прескриптив нутқий актлари кўрсатма бериш ҳаракати билан боғлиқ ҳолда воқеланиб, хоҳиш-истак изҳори модаллиги доирасида турли маъно оттенкаларини ифодалайди. Ушбу кўринишдаги модаллик асосида сўзловчининг субъект ва белги ўртасидаги алоқани ўрнатиш истаги ётади (Беляева 1988:15).

А.В. Бондарко хоҳиш-истак модаллигини императив ва оптативни жамловчи умумий функционал-семантик майдон ҳудудида қарашни таъкидлайди (Бондарко 1990:80). Ушбу икки турдаги модал мазмун сўзловчининг воқеликка нисбатан қандай муносабатда бўлиши билан белгиланади.

Императив адресантнинг адресатни ҳаракатга қўзғатиш истаги қаътийлиги билан изоҳланса, оптативлик эса кўпроқ хоҳиш-истакнинг мўлжали ноаниқ бўлиб қолиши билан боғлиқ ва турли ноқатъий маънодаги лисоний бирликлар воситасида ифодаланади. Прескриптив мазмундаги нутқий тузилмалар таҳлилида коммуникатив фаолиятнинг қуйидаги кўрсаткичлари инобатга олиниши маъқулланади: 1) коммуникатив фаолиятнинг мақсади; 2) адресант режасидаги ният; 3) мўлжалдаги тингловчи-реципиент; 4) нутқий акт мазмуннинг воқелик билан боғлиқлиги.

Маълумки, ҳар қандай кўринишдаги мулоқот фаолияти у ёки бу гуруҳдаги иштирокчилар қатнашишини талаб қилади. Прескриптив нутқий актлари воқеланиши қуйидаги коммуникатив роллар бажарилишини тақозо этади: 1) бирламчи роллар: адресант-буюрувчи, қабул қилувчи-реципиент, учинчи (кузатувчи) шахс; 2) иккиламчи роллар: ундаш манбаси, ижрочи, ундалаётган ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик қарорини қабул қилиш учун маъсул шахс. Бундан ташқари, мулоқотдошларнинг мўлжалдаги ҳаракатга муносабати ҳам муҳим омиллардандир. Зеро, мазкур ҳаракат улар хоҳишига мос келиши (ёки келмаслиги) ёки тамоман бефарқ бўлиши мумкин.

Ушбу функционал-семантик майдон марказида сўзловчининг мулоқот актида бажараётган роли туради. Бинобарин, прескриптив нутқий актларида сўзловчи ундаш манбасидир. Майдоннинг

кейинги тақсимоти мулоқот иштирокчиларидан қайси бири ҳаракатни ижро этиши ҳамда коммуникантларнинг ушбу ҳаракатга муносабати билан боғлиқ. Бу турдаги нутқий актлар бажарилишида сўзловчи “етакчи” ўринни эгалласа ва бу адресатга буюрилаётган ҳаракатни бажариш маъсулиятини юкласа-да, бироқ коммуникатив ролларнинг ўзгариб туриши ҳолатлари ҳам кузатилади (Китазаки 2016).

Эслатилган омилларнинг инобатга олиниши прескриптивлар синфига қарашли пермиссив (ижозат, рухсат) ва прохибитив (тақиқ) мазмунини воқелантирувчи нутқий актларнинг прагмасемантик таҳлили учун аҳамиятлидир. Зотан, мазкур нутқий актларнинг алоҳида гуруҳларида ҳаракатга ундашнинг модал ва тавсия қилиш билан боғлиқ маъно бўлаклари ўз аксини топади.

Ижозат ёки рухсат маънолари, дастлабки назарда, аниқ кўзга ташланаётгандек туюлади. Аммо ушбу маъно ифодаси билан боғлиқ муаммо доимий равишда мантиқшунос, маъношунос ва прагмалингвистлар тортишувига сабаб бўлиб келмоқда (масалан: қаранг: Вригт 1986; Ёкубов 2002: 36; Wilson, Sperber 1991:591).

Мажбурлаш (бирор кишидан ҳаракат бажаришни талаб қилиши) ва тақиқлаш (бирор ҳаракатни бажармасликка чақириш) маъноларидан фарқли равишда, рухсат бериш маъноси адресатни ҳаракатни бажаришга тўлиғича ундашдан иборат эмас. Ушбу турдаги нутқий актнинг асл иллокутив мақсади ҳаракат бажарилишига йўл қўймаётган тўсиқни олиб ташлашдан иборатдир (Серль 1986:189). Агарда бундай тўсиқ сифатида, масалан: тақиқни қарайдиган бўлсак, унда рухсатнинг тақиқ билан боғлиқлигини ва унинг бекор қилиниши рухсатга имкон яратишини эътироф қилмоқ керак (Вежбицкая 1986:263).

Императив қурилмаларга бағишланган тадқиқотларнинг баъзиларида ушбу қурилмаларга уч турдаги семантик белгилар хослиги қайд этилади: ҳаракат каузацияси, ҳаракатга қизиқиш, кетма-кетлик. Бунда каузатив ҳаракат манбаси сўзловчи бўлса, ушбу ҳаракат тингловчи фойдасига бажарилади ва сўзловчи ўзини тингловчидан устун қўяди (Храковский, Володин 1986:140-141; Хронопуло 2007:57).

Нутқий актлар назариясида рухсат ва прохибитив маъносининг прагматик жиҳатлари ёритилиб, уларнинг семиотик талқинига эътибор қаратилади. Ушбу назария доирасида коммуникатив вазият модели турли жиҳатли ва қатор вазифалар акс

топадиган ҳодиса сифатида қаралиб, бажариладиган прагматик вазифа семантик - прагматик кўринишда тасвирланади (Падучаева 1985:29-34). Бизнингча, бу тарздаги ёндашув императив қурилмаларнинг қўлланиш мақсади борасида ахборотга эга бўлишдан ташқари, уларнинг маълум нутқ вазифаларида фаоллашуви, рухсат вазияти қатнашчиларининг мавқеи ва истаклари, ҳаракат бажариш имкониятлари каби ижтимоий-руҳий ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга бўлишга имкон беради.

Императив қурилмаларнинг таққ ёки рухсат мазмунига эга бўлиши иккита субъект, яъни буюрувчи ва ижрочи шахслар муносабатига асосланади. Улардан биринчиси иккинчисига маълум ҳаракатни бажариш вазифасини топширади (тақққлайди ёки рухсат беради). Бизнингча, буйруқ маъноси зоҳирланишини айнан коммуникатив вазият тасвирида ўрганиш маъқулроқ, чунки сўзловчи ва буюрувчи муносабати худди тингловчи ва ижрочи муносабатидек ҳар доим ҳам мос келавермайди (Бирюлин 1990). Л.А. Бирюлиннинг қайдига, ушбу муносабатларнинг бузилиши кўрсатма бериш вазифасини бевосита мулоқот иштирокчилари эмас, балки қандайдир бошқа шахслар бажарганида юзага келади (Ўша асар, 239 б).

Бундай ҳолда, пермиссив ва прохибитив тузилмаларнинг вазифасини умумий кўринишда қуйидагича тавсифлаш мумкин: ушбу тузилмаларда иккита қатнашчи - субъектнинг ўзаро муносабати ўзига хос кўриниш олади.

Пермиссив нутқий актлар прагматик мўлжали воқеланишида иккита субъектнинг ҳатти-ҳаракати ўзига хос ҳолатда бошқарилади, яъни субъектлардан бири (буюрувчи) бошқасининг фойдасини кўзлаб, унга маълум бир ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) ихтиёр беради. Тингловчи ушбу рухсатни буюрувчидан олиш ҳуқуқига эга. Ушбу турдаги нутқий актларининг бундай талқинида баъзи тушунчаларга аҳамият қаратиш лозим бўлади:

- а) (шахс) фаолияти;
- б) ҳаракатни ўзгартириш ёки сақлаб қолиш;
- в) кўрсатма бериш;
- г) буюрувчи ва ижрочининг истак-хоҳиш модаллиги;
- д) мумкинлик / мумкин эмаслик / зарурат модаллиги (яъни ижрочи ҳарактини бажариши ёки бажара олмаслиги).

Ушбу тушунчалар у ёки бу маъносида намоён бўлиши мумкинлиги сабабли қўйиладиган вазифа прохибитив ва

перемиссив актларига қайси турдаги маънолар бирикуви характерли эканлигини ва уларнинг қай тарзда бошқа кўрсатма мазмунидаги тузилмалардан фарқларини аниқлашдан иборатдир.

Императив тузилмалар турли мақсадда қўлланиши барчага маълум. Аммо уларнинг турли иллокутив мазмунда (буйруқ, илтимос, маслаҳат, рухсат, тақиқ, розилик ва бошқалар) фаоллашувида инвариант хусусиятлар мавжудлиги сезилади. Бу, албатта, тавсия қилиш истагининг умумийлиги билан боғлиқ. Шунга асосан, нутқий актлар прагмасемантик хусусиятларини императив тузилмаларнинг асосий семантик турларини ёритиш орқали аниқлаш лозим. Чунки перемиссив ва прохибитив умуман прескриптив маънолар тизимининг энг чуқур қатламида “яширинган” бўлади. Бу хилдаги тавсифда буюрувчи ва ижрочи ҳақидаги маълумотлар императив тузилмаларнинг семантик-прагматик тасвирида қайд этилади.

Инкор ва тасдиқ кўринишидаги тавсия “しろ!” (*бажар!*) - ёки “するな!” (*бажарма!*) ундаш вазиятига қадар икки турдаги маълумотга асосланади: 1) тасдиқловчи маълумот (ижрочи айтилган ҳаракатни бажаради); 2) инкор маълумоти (ижрочи ундалаётган ҳаракатни бажармайди). Шунингдек, ушбу вазиятда тавсия ҳам икки мазмунда ифода топади: 1) тасдиқ тавсияси (“Бажараётганингни давом эт”); 2) тақиқ тавсияси (“Бажараётган ҳаракатингни тўхтат”). Кўрсатилган тавсияларни уларнинг манбалари билан бирлаштирадиган бўлсак, императив тузилмалар тўрт гуруҳга ажралишини кузатиш мумкин (Хронопуло 2007; 安達太郎 2002; 石川美紀子; 2002).

1. Инкор унсурига эга бўлмаган тузилмалар. Масалан: “吸ってもいい—*Чекавер!*” тузилмаси агарда тингловчи шу пайтда чекиб турган бўлса, “Чекишни давом этавер!” рухсатини олган бўлади. Қиёсланг:

「さあ、上がんなさい。午後になるとお兄さんも見えなからからね。それまで食事をして、ひと休みをなささい。」

Ичкарига киравер. Куннинг иккинчи ярмида аканг ҳам келиб қолади. Унгача таомланиб, бироз дам ол. (高木敏子 「ガラスのうさぎ」: 24 6) .

2. Инкор унсури қатнашаётган тузилма. Масалан: “吸うな - *Чекма!*” “шу пайтгача қилмаган ишни бажарма” мазмунини ифода этади (Тингловчи чекмаган эди бундан буён ҳам чекмаслик

тавсиясини олмоқда). Қиёсланг: 「お母さんの心臓病まだ悪いのか。こまったねえ。でも、お父さんも、もうじき帰国できるだろうから、それまで、敏子が頑張ってくれよ。お母さんのことくれぐれも頼んだぞ！」と言って兄はノートと消しゴムをくれた。

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 256) .

“Онамнинг юрак хасталиги ҳали ҳам ёмонми? Нима қилсак экан. Аммо отам ҳам тез орада уйга қайтишлари мумкин, Тошико, унгача сен қўлингдан келганича ҳаракат қилавер, ойимни (бундан буён) ҳам сенга топширдим”-деди акам ва қўлимга дафтар билан ўчирғични тутказди”. Ушбу мисолда Тошико ҳаракатдан тўхтамагани ва бундан буён ҳам тўхтамасликка ундалаётганини кузатиш мумкин. Бу ҳолатда нутқ пермиссивлик шаклидаги қурилмадан таркиб топган бўлса-да, нутқ интенцияси тақикдан бошқа нарса эмас.

3. Инкор унсури мавжуд бўлган бошқа ҳолатда императив тузилма “бу ишни қилма!” маъносини англатиши мумкин. Аммо бу ҳолатда тингловчи ушбу ҳаракатни бажариб турган бўлиши керак. Масалан: “Чекма!” нутқий акти бу вазиятда “Чекишни тўхтат” мазмунини ифодалайди. Қиёсланг:

「こんなやつに関わるな。」

Бундай одамларга қўшилма!

(水星 茗 「線の月の夢」 : 1746) .

4. Инкор унсури қатнашаётган тузилмалар баъзан “буюрилган ҳаракатни бошла” мазмунини олиши мумкин. Бироқ бунда тингловчи тавсияни эшитганига қараб бу ҳаракатга уринмаётган бўлиши лозим. Қиёсланг: 「エエ、何も言うな、黙っている。」
Ээ, ҳеч нима дема. Жим тур.

(樋口一葉 「たけくらべ」 : 2506).

Тавсия қабилидаги тузилмаларнинг ушбу прагмасемантик мазмуни кундалик турмуш нутқ контекстида ҳар хил кўринишларда мураккаблашуви мумкин. Бундай ҳолатларни фарқлаш учун нафақат тавсия манбаларини, балки буюрувчи ва бажарувчи субъектларнинг истак-хоҳиши билан боғлиқ модал ифодаларни ҳам инобатга олиш керак бўлади (Бирюлин 1987). Бунда, бир томондан, тавсия берувчи шахснинг тингловчини маълум ҳаракатга ундаш пайтида намоён бўладиган хоҳиши ва иккинчи томондан, тингловчининг ижрога мойиллик истаги ўзига хос ролни ўтайди. Шунингдек, кўрсатилган хоҳишларнинг ўзаро таъсири ҳам нутқий

актлар маъносининг “маъқуллаш” ёки “маъқулламаслик” қўшимча мазмунини киритади. Масалан:

「まさか。彼女のパスポートもスーツケースも身の回りの物も、一切ないんですよ。信じられないのなら、あなたも来てみるという！」

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 22 б).

Бўлиши мумкин эмас. Унинг паспорти ҳам чамадони ва шахсий буюмлари ҳам йўқ. Агар ишонмасанг, сен ҳам келиб кўришинг мумкин!.

「何事もなかったように家の中はシーンとしていた。父の遺体が、「敏子、だめじゃないか、しっかりしなくては」と叱っているようだった。」

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 79 б) .

Уйнинг ичи ҳеч нарса бўлмагандек сокин эди. Отамнинг жасади менга “Тошико, ўзингни бундай тутма, яхши эмас, қатъиятли бўлишинг керак” деб танбеҳ бераётгандек эди гўё.

Ундаш вазиятида тавсия берувчи шахснинг истаги икки хил бўлиши аниқ, яъни у тавсия қилинаётган ҳаракат бажарилишини “истайди” ёки “хоҳламайди”. Булардан биринчисида тавсия тасдиқ кўринишини олса, иккинчисида тақиқ маъноси воқеланади.

Тавсияни бажарувчи шахснинг мақсади ва руҳияти ўзига хос ҳолатда намоён бўлади. Ундаш вазиятидаги унинг фаолияти уч хил кўринишни олиши мумкин, яъни у тавсияни бажаришни хоҳлаши, хоҳламаслиги ёки бефарқ бўлиб қолиши кузатилади. Бундай хоҳиш ҳолатлари тингловчи-адресатнинг воқеалар ривожига бўлган муносабатини акс эттиради. Жумладан, агар адресат ундалган ҳаракатни бажаришни истаса, унинг фаолияти қуйидаги йўналишларда кечади: а) у ҳаракатни давом эттиришни хоҳлайди; б) ёки у ўзи бажараётган ҳаракатга бефарқ; в) ёки у ҳаракатни тўхташини истайди. Худди шундай ҳолатлар адресат буюрилган ҳаракатни бажаришни истамаганида ҳам юзага келиши мумкин. Масалан:

- 「じゃ、あなたも来てください」 ...ундай бўлса, сен ҳам кел.

- 「いやだわ、関係ないもの」 Хоҳламайман, менга даҳли йўқ.

- 「お願いしますよ。」 Ўтинаман.

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 24 б).

Адресатнинг бу йўсиндаги хоҳиш-истагини ўзиники билан қийёслаётган тавсия берувчи субъект ундаш йўналиши, жараёнига ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бунда буйруқни бажарувчи хоҳиши “はい- ҳа” ёки “いいえ - йўқ” юкламалари қўлланиши воситасида баҳоланиб борилади. Масалан: “はい、しろ - Ҳа, бажар”, “はい、待たなくていい - Ҳа, кутиш керак эмас” ёки “いいえ、待たなくていい - Йўқ, кутиш шарт эмас!”, “いいえ、仕事を続けて - Йўқ, ишни давом эттир”. Масалан:

- 「キーを貸してください。」

- 「ええ。」

「成瀬はシャツの裏側まで覗き込んで、BMW の外回りをチェックした。」

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 29 б).

- “Илтимос, калитни беринг”

- “Хўн”...

Нарусе “BMW”нинг ташиқи томонларини синчиклаб текиширди.

Тавсия берувчи ва уни бажарувчининг хоҳишлари мос келганида, ҳаракат қўллаб-қувватланади, хоҳишлар қарама-қарши йўналишда бўлганида эса ҳаракат ижроси маъқулланмайди. Биринчи ҳолатда адресант адресат фаолиятини бошлашга, давом эттиришга ва шунингдек, тўхтатишга ундайди. Масалан:

- 「それだけでいい。だから、事務所には出ててくれるかね。」

Шу ишни бажарсангиз бас. Демак, идорада бўлиб турасиз-а?

- 「はい、」 Ҳа.

- 「毎日だよ！」 Ҳар куни.

- 「はい、あの、日曜日もですか。」

Хўн, ҳалиги, якшанба куни ҳамми?

- 「今日だけ頼むよ。ほかの日曜はいい。」

Фақат бугун илтимос қиламан, бошқа якшанба куни келмасангиз ҳам бўлади.

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 43 б).

Тавсия руҳидаги пермиссив нутқий актлари воқеланишининг прагмасемантик тавсифида ундашнинг муваффақиятли кечишини таъминловчи шартлар мавжуд. Жумладан, адресат ундалган

ҳаракатни бажаришга қобиллиги субъектив модалликнинг намунаси эканлигини унутмаслик керак. Ушбу турдаги модаллик ҳаракат бажарувчи субъектнинг истагига мос равишда воқеалар ривожини имконияти объектив шарт-шароитига ишора қилади.

Пермиссив ва прохибитив нутқий актлари маъносини идрок этишда айнан шу модал маънолар ўзаро муносабатини инобатга олиш талаб қилинади. Бунда, масалан: адресатнинг тавсия олиш пайтидаги фаолияти икки йўналишда бўлиши мумкинлиги аниқланади, яъни ушбу фаолият эркин ёки мажбурий характерга эга бўлиши мумкин. Фаолият эркин, ихтиёрӣ кечаётганида уни давом эттириш ёки ўзгартириш учун объектив шароит, имконият мавжуд бўлади. Фаолият мажбурий эканлигида эса, объектив шароит мавжудлигига қарамасдан, ундашга бўйсинаётган шахс уни бажаришга мажбурланган бўлади. Демак, ҳаракатни бажарувчи шахснинг истаги ва имкониятлари ўртасидаги номутаносиблик фаолиятларнинг икки кўринишда кечишига сабаб туғдиради. Адресатнинг имкониятларини инобатга олаётган тавсия берувчи буюриладиётган ҳаракатни бажариш ёки бажарилмаслиги борасида хоҳишдан келиб чиқиб, тавсияни қатъийлаштиради ёки бекор қилади. Масалан:

「信用してもいいのかな... 成瀬は困り果てたようにつぶやいた。」

“Ишонса бўлармикин...” - Нарусе қийналгандек мингирлади.

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 32 б).

「もう今度こそ戦争は終わりだ。敏子ちゃんのお兄さんたちは、かならず生きて帰ってくる。だから、これから心をしっかり強く持って生きなければだめだよ。」

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 91 б).

Шу сафар уруш тугайди. Бинко, сенинг аканг албатта тирик ҳолда қайтади ва сен қалбингда кучли шижоат билан яшамасанг бўлмайди.

Нутқий актнинг самарасини белгиловчи шартлардан иборат бўлган кўрсатилган маъно бўлакларининг ўзаро муносабатини таҳлил қиладиган бўлсак, тўрт кўринишдаги императив вазиятларни фарқлаш мумкин бўлади. Ушбу турлар доирасида императив тузилмаларнинг турлича семантик изоҳга эгалиги намоён бўлади. Жумладан, адресат эркин фаолияти шароитида ҳаракатини давом эттириш ёки ўзгартиришга мажбурлаш маъноси воқеланса, мажбурий фаолият шароитида рухсат бериш ёки тақиқлаш

семантикаси фаоллашади. Рухсат адресатнинг истаги маъқулланган тақдирда берилади.

Шундай қилиб, пермиссив вазияти қандай кўрсаткичларга эга бўлиши ва рухсат актининг муваффақиятини белгиловчи шартлар қуйидагилардан иборат эканлиги маълум бўлади:

Тавсияни бажарувчи ҳудуди:

“Бажарувчи” маълум ҳаракатни эркин бажараётиб, ушбу ҳаракат ривожини сақлаб қолиш ёки ўзгартиришни истайди. Аммо тақик мавжудлиги ёки ижтимоий-ахлоқий меъёрлар таъсирида бунга имконият топмайди ва оқибатда мажбурий фаолиятга киришади. Айни пайтда, бундай мажбурийликдан қониқмасдан, тавсия бераётган шахсдан мавжуд тўсиқни олиб ташлашни сўрайди.

- 「ここで煙草を吸ってもいいですか。」

Бу ерда тамаки чексам майлими?

- 「規則では吸ってはいけません。」

Қоидага мувофиқ, чекиш мумкин эмас. (森山,1997:85).

- 「小林さん。そんなに怖がらなくてもいいよあなたのすることはただ一つだ。耀子さんから連絡があったら、私にすぐ連絡すること。いいね。」

- はい、はい。 (桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 : 43 6) .

- *Жаноб Кобаяши, бунчалик қўрқмасангиз ҳам бўлади. Сиз фақат битта ишни бажарасиз. Агар Жаноб Йокодан хабар келса, илтимос, дарҳол мен билан боғланинг, тушунарли-а?*

- *Хўп, хўп.*

Тавсия берувчи ҳудуди:

Тавсия берувчи, адресат хоҳишини инобатга олиб, унинг истагига мос равишда унинг ҳаракатни бажаришига рухсат беради. Бунинг натижасаида адресат хоҳишига қарши турган тўсиқ олиб ташланади. Масалан:

- 「新聞なんか読みしちやいけないか。」

- 「私もそう思うんだけど、読まないで承知しないんだから、仕様がな。」 (夏目漱石、「こころ」 : 147 6) .

- *Рўзнома кабиларни ўқиш тақиқланганми?*

- *Мен ҳам шундай ўйлайман, аммо ўқимасак тушунмаймиз, шунинг учун наилож (ўқиймиз).*

Рухсатнинг амалга ошиши маълум шароитларнинг мавжудлиги билан боғлиқ:

1) адресатда фаолиятни давом эттиришга бўлган хоҳиш аниқ кўринишда бўлиши шарт, бошқача қилиб айтганда, у ҳаракатни бажаришни исташи ёки истамаслиги керак, бефарқликка йўл қўйилмайди;

2) ташқи омиллар билан изоҳланадиган имкониятсизлик ҳаракатни

бажаришга тўсиқ туғдиради;

3) хоҳиш ва имконият ўртасидаги номуқобиллик;

4) адресат бажарадиган ҳаракатнинг мажбурийлиги;

5) адресатнинг мулоқот пайтида тавсия берувчидан мавжуд тўсиқни

бартараф этишни сўраши;

6) буюрувчи муқобиллашуви ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш;

7) буюрувчининг ҳаракат бажарилишига тўсқинлик қилаётган ҳолатда манфий муносабати ва унинг олиб ташланиши билан яратиладиган имконият.

Худди шу таркибдаги шартларнинг фаоллашуви нутқий актга пермиссивлик хусусиятини беради. Улардан бирортасининг ўзгариши ёки йўқолиши нутқий актга ўзгача мазмун бериши мумкин. Мазкур кўрсаткичлар, шунингдек, пермиссив нутқий актларини гуруҳларга ажратишга имкон беради.

Фаолиятни давом этиш ёки ўзгартириш ва тўсиқни олиб ташлаш билан боғлиқ адресатнинг имконияти ва хоҳиши ўртасида қарама-қаршилик ҳамда баъзи бир бошқа ҳолатлар пермиссив нутқий актларининг муҳим хусусиятлари қаторидан жой олганида, улар воқеаларнинг ривожини қандай йўналиш олиши билан фарқланадилар. Бундай ҳолатда рухсат ижобий ва салбий характерга эга бўлиши мумкинлиги боис, тўрт турда пермиссив мазмунга эга нутқий актлар ажратилади:

а) фаолиятни давом эттиришга ижозат:

Нутқий тузилма таркибида инкор элементи йўқ. Масалан:

「泣け、泣け。」 *Йигла, йиглайвер.* (仁田, 1995).

Сўзловчи шахс эслатилаётган ҳаракатни шу пайтгача эркин бажараётган эди ва уни давом эттиришга хоҳиш ёки изн билдирилмоқда. Тавсия бераётган шахс адресатнинг хоҳишини қўллаб-қувватлайди ва унга рухсат беради. Япон тилида бундай нутқий акт таркибида ижозат сўрашнинг “～でもいいです” (...ни

бажаришинг мумкин) қурилмаси иштирок этган ҳолатлар ҳам кўп учрайди (Хронопуло, 2007).

б) хоҳишсиз фаолиятни тўхтатишга ижозат:

Нутқий тузилма таркибида инкор унсури иштирок этаётганида:

「そんなことをしなくてもいい。」

Бунақанги ҳаракатларни бажармасанг ҳам бўлади. (吉川, 1989).

Адресат мулоқот пайтигача буюрилган ишни мажбуран бажараётган эди ва уни тўхтатиш истагини маълум қилмоқда. Буюрувчи шахс унинг хоҳишини англаб етади ҳамда олдинги ҳолатни ўзгартириш ва хоҳишсиз ҳаракатга барҳам беришга рухсат бермоқда.

в) ҳаракатни давом эттирмасликка рухсат:

Нутқий тузилма таркибида инкор элементи қатнашганда:

「食べなくてもいいです。」 *Емасанг ҳам бўлади.* (富田, 1991).

Адресат рухсат олганига қадар фаолиятни эркин бажараётган эди, унинг хоҳиши ушбу фаолиятни тўхтатиш бўлса-да, лекин буни қила олмасди. Буюрувчи шахс унинг хоҳишини қондириш измида ва ҳаракатни тўхтатишга рухсат бермоқда.

г) фаолиятни бошлашга рухсат:

Нутқий тузилмада инкор элементи мавжуд эмас:

「君は歌手を目指すべきだよ。才能があるんだから。」

Сен қўшиқчи бўлишга ҳаракат қил. Истеъдодинг бор. (庵, 2001).

Адресат шу пайтгача мўлжалдаги ҳаракатни бажараётгани йўқ, шунинг учун уни бошлашга рухсат кутмоқда. Тавсия берувчи шахс мавжуд тўсиқни олиб ташлаб, адресатга ҳаракатни бошлашга изм бермоқда.

Кўринадики, (а) ва (б) гуруҳларида воқеланаётган пермиссив мазмун адресатнинг фаолият мажбурийлигини бекор қилмоқда, (в) ва (г) гуруҳидагисида эса мажбурийликни сақлаш хоҳишини йўққа чиқармоқда.

Эслатиш жоизки, япон тилида пермиссив мазмунидаги нутқий актлар фақат “～させる、許す、許可する (*рухсат бермоқ*) туридаги перформативлар воситасидагина ифодаланиб қолмасдан, балки ушбу мазмун пайдо бўлишининг бошқа лексик-грамматик воситалари ҳам мавжуд (Подлесская 1990). Бинобарин, қуйидаги мисолларда “ижозат бермоқ” маъносини ифодаловчи бир қанча воситаларни кузатиш мумкин. Қиёсланг:

山本さんは子供を映画館に行かせた。

山本さんは妹に映画館に行く許可を与えた。

あなたは映画館に行くことができます。

あなたは映画館に行けます。

私はあなたに映画館に行く許可を与えます。

あなたは映画館に行ってもかまいません。

あなたは映画館に行ってもいいです。

あなたは映画館に行ってください。

あなたは映画館に行きなさい。 (内田恵 1998:65).

Финландиялик тилшунос прохибитив ва пермиссивнинг турли кўринишда вокеланишида каузация (ҳаракатга мажбурлаш) ва оддий прагматик вазифа бажариш ҳолатларини фарқлаш лозим деб ҳисоблайди (Мустайоки 2006:282). Муҳими, турли шаклдаги пермиссив тузилмаларининг прагмасемантик хусусиятларини мажмуавий тарзда таҳлил қилишга эришишдир.

V БОБ.

ИМПЛИЦИТ ВА ЭКСПЛИЦИТ ПРОХИБИТИВЛИК ЁҲУД ПЕРМИССИВЛИКНИНГ ДИАЛОГИК НУТҚДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Япон диалогик нутқида ҳаракатга ундовчи коммуникатив мақсад асосан эксплицит ёки нутқ муҳитига боғлиқ ҳолда имплицит тарзда ҳам ифодаланиши юқорида айтилди. Бироқ эксплицит тарзда ифодаланишда маълум бир чекловлар мавжуд, яъни ҳар қандай мақсадни барча шароитда тўғридан-тўғри баён этишга мулоқот ахлоқи йўл қўймайди. Хусусан, ушбу қоидага прохибитив нутқий актларнинг воқеланишида кенг амал қилинади, чунки унда мулоқот мақсади кўпинча зоҳиран ифода этилади. Прохибитив нутқий актининг бирламчи вазифаси фаолиятни ижро этмасликка ундашдир. Шу боис, ушбу мақсадга эришиш эҳтимоли сўзловчининг маҳоратига боғлиқ бўлиб, у бевосита ҳамда билвосита воқеланиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, япон тилида императив гаплар мулоқот матнида нисбатан кам учрайди. Сўзловчи ўзгани ўз манафаати учун ҳаракатга ундаши япон менталитетида ҳурматсизлик ёки худбинлик ҳисобланади. Шунингдек, япон халқи буйруқ гапдан фойдаланиб, маълум бир мақсадда кимнидир ҳаракатга ундаш ва унга ноқулайчилик туғдиргандан кўра, ушбу мақсаддан воз кечиш ёки сўзловчининг ўзи ҳаракат ижросини таъминлашни афзал деб билади. Ушбу ҳолат япон тилида ҳаракатга ундашнинг миллийлигини акс эттиради (Неверов 1977 : 32).

Япон тилига хос бўлган буйруқ гапнинг хусусиятларидан бири шундаки, буйруқ берувчи шахс уни бажарувчи шахсга нисбатан қандай муносабатда эканлигига қараб, буйруқ ҳосил қилувчи шакллардан мосини танлаган ҳолда мулоқотга киришиш талаб этилади. Масалан:

「ねえ、君、腕を見せてあげてくれよ、そうでなければ、僕がこ
こへ嘘をつきに来たと思われるよ。」

(大江健三郎「われわれの狂気を生き延びる道を教えよ」:158 б).
*Ҳой, билагингни кўрсат, акс ҳолда мени бу ерга ёлгон гапиргани
келган деб ўйлашади.*

Ушбу мисолда сўзловчи тингловчига нисбатан қандай муносабатда эканлигини аниқлашда жумла таркибидаги 「見せてあげてくれよ」, яъни

“кўрсат” феъли шаклининг ўзи кифоя қилади. Бу шаклда пермиссивлик оҳангидаги гаплар, одатда, каттанинг кичикка қарата баён этадиган нутқида кенг қўлланилади. Ёки, аксинча, уларнинг ўзаро ўта яқин муносабатда эканлигини идрок этиш мумкин. Шу ўринда, ушбу мисолни икки хил маънода талқин қилиш мумкин. Биринчидан, ўта қўпол оҳангда ижро этилган ҳаракатга ундаш интенциясини бирламчи десак, иккинчи томондан, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатнинг ўта яқинлиги боис, билагини кўрсатишга изн берилгани ёки уни яширишини тақиқлаганини пермиссив ва прохибитив акт сифатида гапнинг иккиламчи интенцияси деб идрок этиш мумкин.

Япон тилида прохибитив нутқий актларнинг асосини 「禁止形」 (тақиқ шакл) ташкил этади. Яъни инкор шаклдаги буйруқ гаплар ёки тақиқни ифодаловчи прохибитив нутқлар ҳам, юқорида таъкидланганидек, сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабати, мавқеининг баланд пастлиги ва ёш жиҳатидан катта ёки кичиклиги каби жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда диалогик нутқда ўз ифодасини топади.

Япон тилига хос бўлган нутқнинг ушбу қоидалари япон халқининг қадимги манбаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Эдо даврида яшаб ижод этган машҳур япон ҳайкунависи (ҳайку-японча шеърий усул) Кобаяши Иссанинг қаламига мансуб ҳайкулардан бирида шундай жумлани учратишимиз мумкин:

「やせ蛙負けるな一茶これにあり。」 *Озгин қурбақа, енгилма ва гайрат қил, мен Исса шу ердаман.*

(小林一茶の俳句百選 「春夏秋冬」).

Ушбу ҳолатда Кобаяши Исса ҳайку яратиш қоидасига амал қилган ҳолда, табиат ёки фаслларга оид сўзлардан фойдаланган бўлиб, баҳор фаслини эсга солувчи, озгин ва зарбаларга дош бера олмаётган қурбақа образи орқали ўз тақдирини акс эттиради ва шу орқали у ўзига нисбатан прохибитив оҳангдаги “負けるな”, яъни “енгилма” дея камтарлик ва ўз мавқеини пастроқ қилиб кўрсатиш маъносидаги феъл шаклидан фойдаланади ва бунинг воситасида ўзига далда беради.

Бундан кўринадики, “феъл+ ㇿ (-на)” шаклида ясалган прохибитив нутқлар мулоқот жараёнида нафақат инкор маънодаги буйрукни, балки тингловчини руҳлантириш, далда бериш ва юпатиш мақсадида қўллаш имкониятини ҳам берар экан. Императив шакл асосида ясалган прохибитив нутқ орқали билвосита пермиссив нутққа ҳам урғу берилмоқда, яъни “負けるな” феълнинг иккиламчи тагмаъноси “ғайрат қилишда давом этишинг мумкин, чунки мен сен тарафдаман” деган фикрни англатади.

“Феъл+ ㇿ (-на)” формуласи япон тилида нутқ ижрочиси тингловчига нисбатан маълум даражада мавқеи баландлиги аниқ бўлган ҳолдагина амалда қўлланилади ва бундай жараёнда тингловчи нутқдан кўзланган ҳаракатни бажариши шарт бўлган шахс сифатида иштирок этади.

Аксинча, нутқ ижрочисининг тингловчига нисбатан ижтимоий мақоми пастроқ бўлган ҳолатда “феъл+ ㇿ (-на)” формуласи ўз шаклини йўқотади ва у япон тилигагина хос бўлган “尊敬語”, яъни юқори ҳурмат шакли ёки унинг буйруқ маънони англатувчи қуйидаги махсус формулаларига ўзгаради:

- 1) ～て下さい (-те кудасай: бажаринг илтимос) → пермиссив ва прохибитив маъно;
- 2) ～ないでください (-наиде кудасай: бажарманг илтимос) → прохибитив маъно;
- 3) ～なさってください (-насатте кудасай: бажаринг илтимос) → пермиссив ва прохибитив маъно;
- 4) ～なさらないでください (-насаранаиде кудасай: бажарманг илтимос) → прохибитив маъно.

Япон тилида сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро муносабатни

нутқ оҳангидан англаш мумкин. Масалан:

「危ないですから触らないでください。」

Хавфли бўлганлиги сабабли тегманг.

Ушбу гапдаги 「触らないでください」 жумласининг ўзидан ҳам сўзловчи тингловчига нисбатан ҳурмат билан муурожаат этаётганлигини англаш мумкин. Чунки буйруқнинг 「～ないでください」 шакли сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ҳурматдан далолат бериш учун хизмат қилувчи грамматик қурилмалардан биридир.

Ушбу жумлалар япон тилига хос бўлган 「命令形」, яъни феълнинг императив шаклини ҳосил қилиш қондаси асосида яратилиши жиҳатидан бир хилликка эга бўлса-да, улардан англашиладиган маъноларнинг турфалигини идрок этиш мумкин.

Япон тилига хос бўлган буйруқ майлидаги гапларда кесим вазифасини бажарувчи 命令形」 шаклидаги феълларнинг иштирокисиз нутқ мазмунини англаш жараёни тингловчи учун бирмунча мураккаб кечади.

Баъзи тилшуносларнинг фикрича, 「命令形」 англатадиган маънони ва унинг вазифасини иккита катта қисмга бўлиш мумкин. Қиёсланг:

1) 命令 (буйруқ майли);

「それ以上は言うな」 ジェイムスが遮った。

(赤川次郎, 「赤いこうもり傘」 : 44 б)

“Бас, бошқа гапирма” деди, Жеймс унинг гапини тўхтатиб.

2) 願望 (хоҳиш-истак майли);

「まだ少し時間が早い。ゆっくり歩いていてくれ。」

(赤川次郎, 「赤いこうもり傘」 : 66 б).

Ҳали бироз эрта. Секинроқ юринг, илтимос.

「命令」, яъни “буйруқ” маъносини англатувчи бу сўз сўзловчи ўз талабига мос ҳолдаги фаолиятни тингловчи томонидан ижро этилишига ундашини англатса, 「願望」 эса фақатгина сўзловчининг хоҳиш - истагига мос келувчи ҳаракат ижросини ифодалайди.

Шунингдек, япон тилида диалогик нутқ жараёнида сўзловчи ва тингловчининг юзма-юз мулоқотда бўлишини, яъни суҳбат иккала тарафнинг бевосита иштирок этиши лозим эканлигини ифодаловчи 「共存」 (биргаликда мавжуд бўлиш) тушунчаси мавжуд. Бундай ҳолатда сўзловчининг нутқида баён этилган талаб ёки буйруқ, тақик ёки рухсат оҳангида ижро этилган нутқ ижросини бажарувчи шахс сифатида иштирок этадиган тингловчидан конкретлик, суҳбат жараёнида мавжуд бўлиш ва сўзловчи билан жонли мулоқотда иштирок этиши талаб этилади. Аммо, бунинг акси бўлган ҳолатларда, яъни тингловчи сўзловчи томонидан ижро этилган нутқ жараёнида мавҳум шахс сифатида иштирок этса, бундай ҳолат 「非共存」 (биргаликда мавжуд бўлмаслик) деб номланади. Бунда гап кесими буйруқ майлидаги феъллардан иборат бўлса-да, лекин у 「命令」 эмас, балки 「願望」 маъносини

ифодаловчи нутқий акт ҳисобланади. Бундай жараён, одатда, ҳаракат ижрочиси яъни, тингловчининг иштирокисиз содир бўлади (石川美紀子, 北村雅則 「伝達場面の構造からみた命令形の諸機能」 2007). Масалан: 「いい加減なこと言うな。そんなことを言っても誰も信じないと思うよ。」

<https://eigobu.jp/magazine/iikagen>

(телевизор кўраётган шахснинг нутқи):

“Беъмани гапларни гапирма, бунақа гапларга ҳеч ким ишонмайди деб ўйлайман...” → прохибитив маънодаги императив нутқ.

「共存」 ва 「非共存」 ҳолатларини ўзбек тилида ҳам учрайдиган жараён дейишимиз мумкин. Япон тилида 「共存」 тушунчасини сўзловчи ва тингловчининг юзма-юз кечадиган “конкрет” мулоқоти десак, 「非共存」 тушунчасини эса, уларнинг “мавҳум” мулоқоти деб таърифлашимиз мумкин. 「共存」 ва 「非共存」 ҳолатларида сўзловчи ва тингловчининг нутқий акт самарадорлигини таъминлаш мақсадида мулоқотнинг қуйидаги икки туридан фойдаланилади:

- 1) Вербал усул;
- 2) Новербал усул.

Вербал усулда мақсад аниқ жумлалар орқали ифодаланади ва уни ижро этувчи шахс руҳиятига боғлиқ ҳолда маълум бир оҳангда тингловчига етказилади. Новербал усулда эса, сўзловчи тингловчига ўз фикрини нутқий акт орқали эмас, балки юз кўриниш ҳолати, маълум бир тана аъзосидан фойдаланган ҳолдаги имо-ишора ва имлаш усули кабилар орқали билдиради.

Прохибитив ва пермиссив нутқий актлар, асосан, расмий равишда ифодаланган жумлаларда гапларнинг кесими буйруқ майлидаги феъллардан эмас, балки 「命ずる」 (мейзуру) ёки 「命じる」 (меижиру) “бююраман” феъли билан якун топади ва бу ҳолатда 「命令形」 қондаси асосида пайдо бўлган феъллар ёзма ёки оғзаки нутқ жараёнида иштирок этмайди. Масалан:

「その高校生は喫煙が見つかり、一週間の自宅謹慎を命じられた。」

Ана шу коллеж ўқувчиси тамаки махсулотидан фойдаланганлиги сабабли, бир ҳафта давомида уй қарамогиди бўлиши буюрилди.

(プログレッシブ和英中辞典 3 版, 2002).

Япон тилида прохибитив ёки пермиссив маъноларни бевосита ифодаладиган буйруқ гаплардан диалогик нутқ жараёнида

фойдаланишда турлича грамматик унсурлардан фойдаланиш мумкин, аммо уларни амалда қўллаш имкони чегараланган. Демак, сўзловчи нутқ самарадорлигини таъминлаш мақсадида билвосита нутқий актларга мурожаат қилмоғи даркор, аммо улардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатларда тақик ёки илтимосни ифодаловчи грамматик қурилмалардан бир қанчасини санаб ўтиш мумкин. Масалан:

～てほしい、～てください、～てくれよ、～がおできますか、～べきだ、～たほうがよくないか、～んじゃない、～てくれる、～ていただいてよろしいでしょうか、～と助かる、～てかまわない、～するかしら。

Директивлар гуруҳидага нутқий актлар (илтимос, маслаҳат, тақик, рухсат кабилар) имплицит ҳамда эксплицит тарзда воқеланиши мумкин.

Масалан: 「人事で飛ばされても首になってもしてはいけなかった。」 (毎日新聞, 2002).

Ходимлар қаршилик қилишса ҳам, ишдан бўшатишса ҳам бу ишни бажармаслик керак эди.

Ушбу гапининг мазмуни турли мулоқот жараёнида ва контекста қўлланилишига боғлиқ ҳолда: 1) буйруқ (бажармаслигигизни буюраман); 2) тақик (бажармаслигигизни тақиклайман); 3) дарак (бажармаслигигиз ҳақида хабар қиламан); 4) ижозат бериш (бажаришингиз мумкин эмаслиги учун фаолиятда давом этишингиз мумкин); 5) илтимос ёки талаб (илтимос, бажарманг) каби нутқий актлар сифатида талқин этилиши мумкин. Биринчи ва иккинчи мисолларда келтирилган нутқий актлардан англашиладиган маъно ва уларнинг лисоний тузилиши мулоқот муҳитига мос келганлиги боис, уларни 直接的發話行為 (воситасиз ёки бирламчи акт) дейиш мумкин. Аммо учинчи, тўртинчи ва бешинчи мисолларда дарак, пермиссив ва реквестив каби нутқий актлар ифодаланганда эса 間接的發話行為 (билвосита ёки иккиламчи) акт ҳосил бўлади.

Ж.Сёрлнинг фикрича, айнан имплицит ёки билвосита нутқий актларда бир вақтнинг ўзида гапининг асл (бирламчи) маъноси ва тагмаъно (иккиламчи маъно)сини идрок этиш мумкин. (Searl, 1962). Ушбу фикр юқорида қайд этилган мисолларда ўз исботини топган. Демак, бирламчи ва тагмаъно муносабатида прагматик транспозиция ҳолати содир бўлади. Семантик маънонинг прагматик

мазмунга мос келмаслигини нафақат императив оҳангдаги нутқий актлар, балки бошқа турларида ҳам кузатишимиз мумкин. Юқорида қайд этилган мисолларни таҳлил қилиш замирида нутқий актларни таснифий гуруҳларга ажратишда перформатив феълларга эмас, балки нутқий актнинг ўзагини ташкил этувчи иллокутив кучга асосланиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги хулосага келинган (Austin, 1962).

Демак, пермиссив нутқий актини ҳосил қилишда асосий роль ўйновчи “*фелнинг - て шакли + もらう型*” формуласи тузилиши жихатидан буйруқ оҳангни ифодаловчи фелнинг - *て шакли + ください*” қурилмасига яқин тузилма ҳисобланади. Улар ўртасидаги тафовут шундаки, “фелнинг - *て шакли + ください*” формуласи суҳбатдошга тўғридан-тўғри буйруқ беришни ифодалайди ва тингловчи ҳаракат ижрочиси сифатида намоён бўлса, “фелнинг - *て шакли + もらってもよろしいですか / よろしいでしょうか*” қурилмасида эса, тингловчининг розилиги асосида ҳаракат ижрочиси сўзловчининг ўзи бўлади ва у тингловчига нисбатан ҳурмати юқори эканлиги ва унинг рухсати ҳаракатни амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эгаллигини билдиради. Булардан ташқари, диалогик нутқ жараёнида иштирок этувчи прохибитив ва пермиссив нутқий актларни ҳосил қилувчи махсус қурилмаларнинг бир қанча турлари ҳам мавжуд. Жумладан, Шиничиро Окамото бундай қурилмаларга қуйидагича изоҳ беради:

1. фелнинг - *て шакли*
2. фелнинг - *て шакли + くれよ*
3. фелнинг - *て шакли + くれる*
4. фелнинг - *て шакли + くれなかなあ*
5. фелнинг - *て шакли + もらえない*
6. фелнинг - *て шакли + ほしいんだけど*
7. фелнинг - *て шакли + ください*
8. фелнинг - *て шакли + くれませんか*
9. фелнинг - *て шакли + もらえませんか*
10. фелнинг - *て шакли + くださいますか*
11. фелнинг - *て шакли + いただきたいんですが*

(岡本真一郎, 1988).

Бундан кўринадики, юқорида қайд этилган қурилмаларнинг асосий негизини “фелнинг - *て(-te) шакли*” ташкил қилади. Яна бир

япониялик тадқиқотчи Тошихиро Ямада “фелнинг -て(-te) шакли” асосида ташкил топган курилмаларни диалогик нутқ жараёнида иштирок этиш мақсадига кўра қуйидаги гуруҳларга тақсимлайди:

1. Императив шакл асосида ифодаланувчи пермиссив нутқ:

～てくれ、～てください、～てくださいませ、お～ください、～てちょうだい、～て、～て+命令形

2. Илтимосни ифодаловчи нутқ асосида (инкор ва тасдиқ шаклда):

～てくれる？、～てくれます？、～てくださる？、～てくださいます？

～てくれない？、～てくれませんか？、～てくださらない？、～てくれないだろうか？、～てくださらないでしょうか？

3. Феълнинг модал шакли асосида (инкор ва тасдиқ шаклда):

～てもらえる、～ていただける、～てもらえない、～ていただけない

4. Пермиссив шакл асосида : ～てもらってもいいですか、～てい

ただいてよろしいですか、～ていただいてもいいでしょうか、～ていただいてもよろしいでしょうか

5. Шарт майли шаклида: ～てもらえてありがたい、～てく

れると
ありがたいけど

6. Хоҳиш оҳангдаги нутқ шаклида: ～てほしい、～てもら

いたい

7. Буйруқ истак майли шаклида: ～てもらおうか

(山田, 2004)

Ушбу прохибитив ва пермиссив маънони англатувчи граматик шакллар турли-туманлиги ва уларнинг нутқда иштирокидан англашиладиган маънонинг хилма-хиллиги боис улардан ўринли фойдаланиш тингловчига анча қийинчилик туғдириши табиий ҳолдир. Бироқ уларнинг мулоқот жараёнида ифодаланишидан мақсад, тингловчига нисбатан ҳурмат ва унда сўзловчига нисбатан ижобий фикр уйғотиш ва унинг руҳиятига салбий таъсир ўтказмаган ҳолда, таққ ёки рухсат прагматик мазмунини маҳорат билан тингловчига йўналтиришдир.

Япон тилшуноси Ямаданинг (2004) фикрича, куйида келтирилган мисоллар сингари ҳаракатни ижроچиси учинчи шахс бўлган ҳолларда сўзловчи нутқи пермиссив нутқий акт сифатида воқеланади. Масалан:

「あの人に連れて行っててもらってもいいですか。」 (浦谷宏、2007:2516).

Ана у киши мени олиб борар эканми...

Дастлабки кўринишда ушбу жумла оддий сўроқ гап ва унда ҳеч қандай пермиссивлик йўқдек кўринади. Аммо “~てもらってもいいですか” курилмаси иштирок этган ушбу жумлани куйидагича изоҳлаш ўринли:

У кишига мени олиб боришини илтимос қилсам, бунга розилик билдирар эканми.

Япон тилида эксплицит нутқий актлар воситасида ҳурмат категорияси тамойилларига бўйсуниб асосида суҳбатдош руҳиятига “жароҳат” етказмасдан мулоқот самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилинади.

Нутқ жараёнида сўзловчи ва тингловчининг мақсади ўзаро фикр алмашиш ёки маълум бир ахборотни маълум қилиш ҳамда уни қабул қилишдан иборат бўлибгина қолмай, балки сўзловчи томонидан тингловчи бирон бир ҳаракатни амалга оширишга ундалиши ва аксинча, уни бажармасликка даъват қилиниши кабилар ҳам кузатилиши мумкин.

Япон тили тизимида мулоқот ҳаракатнинг натижавий мақсадини кўзлаб бажарилиши учун қўл келадиган грамматик курилмалар кўплаб учрайди. Айниқса, прохибитив ва пермиссив нутқий актлар жараёнида иштирок этувчи курилмалардан ўринли фойдаланиш сўзловчидан бироз эҳтиёткорликни талаб қилади. Бундай ҳолатларда биргина нотўғри ёки ноўрин фойдаланилган курилма ва у иштирок этаётган нутқ суҳбатдош руҳиятига салбий таъсир ўтказиши ва мулоқот бардавомлигининг тўхташи каби ижобий бўлмаган оқибатлар билан якун топиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Япон тилида айнан императив оҳангидаги нутқий актлар иштирокида кечадиган мулоқот матнларида ушбу халқнинг руҳий ва миллий-маданий хусусиятлари ҳамда менталитети ўз ифодасини топади. Ушбу тилда императив гапларнинг қай тарзда ифодаланишига таъсир этувчи омиллар сифатида, биринчи ўринда, суҳбатдошларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, улар ўртасидаги шахсий

муносабатлар, мулоқот кечаётган замон ва макон кабиларга эътибор қаратиш ўта муҳим ҳисобланади.

Аслида “буйруқ шакл” деган тушунча “буйруқ гап”нинг маъношидир. Лекин ҳар иккала тушунча орқали тағмаънони англатувчи актлар, хусусан, прохибитив ёки пермиссив нутқий актларни яратилиш имкони кенгроқ.

Япон тилида ижро этилган гап таркибида эганинг мавжуд бўлиши нутқ кимга йўналтирилганлигини идрок этишда ўта муҳим ҳисобланади. Аммо буйруқ оҳангда ифодаланиб, иш-ҳаракатни бажармасликка ундовчи прохибитив нутқий актларда уни тинглаган ёки мутоала қилган шахс нутқ ижросини бажарувчисига айланади. Масалан: “立ち入り禁止” .

Ушбу жумла ёзма нутқ бўлиб, “кириш мумкин эмас” ёки “кириш тақиқланади” маъносини англатади ва ҳаракат ижро этилиши талаб этилган макон асосида (хавфли, таъмирлаш жараёни кетаётган ҳудудлар каби), ҳаракат ижросини таъминловчиси ушбу жумлани мутоала қилган шахс бўлиши мумкин. “立ち入り禁止です” жумласи сўнгида иштирок этаётган “です” суффикси унинг оғзаки нутққа оид эканлигини англаш имконини беради ва у “кириш мумкин эмас” ёки “кириш тақиқланади” маъносини англатади ҳамда ижросини таъминловчиси ушбу жумлани тинглаган шахс бўлиши мумкин.

Буйруқ берувчи ва буйруқ берилувчининг ўзаро муносабати қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1. Сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши шарт;
2. Сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши ихтиёрий;
3. Сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилгани маъқул.

Қуйидаги мисолларни таҳлил қилиб кўрамиз:

1. Сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши шарт бўлган ҳолат:

- 「...遠くへ連れて行ってくれるといいな。」
- 「大人みたいなことを言うな、今日はいいところへ案内する。」 (川端康成、「二十年」1989:79 6).
- *Олис маконларга олиб борсанг эди...*
- *Катталардек гапирма, бугун ажойиб жойлар билан таништираман.*

2. Сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши ихтиёрий бўлган ҳолат:

「きみこちゃんのお母さんが言っている。昼御飯でも引き止めるが、啓吉は急ぐらしい。「困ったねえ。...これうちのざくろ、おあがり」そうしてまたきみこを呼んだ。」

(川端康成「ざくろ」1989:418 б).

“Ҳеч бўлмаганда тушлик қилар эдик, лекин Кейкичи шошаётган экан”- деди Кимиконинг ойиси ва қўлидаги анорни унга тутди:

“Қийин вазият бўлди-ку,...бу ўзимизниг богдан, ол... Биринчи мисолда сўзловчи томонидан баён этилган фикрни амалга ошириши шарт бўлган шахс сифатида тингловчининг мавжудлиги муҳим ҳисобланса, иккинчи мисолда сўзловчи ва тингловчи тенг муносабатда эканлиги, яъни тингловчи буйрукни бажарувчиси эмас, балки сўзловчининг нутқини ҳаракатни амалга ошириш учун берилган рухсат сифатида қабул қилиши мумкин.

3. Сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилгани маъқул деб қараладиган ҳолат бўлиб, ушбу изоҳимизни қуйидаги нақл орқали таҳлил қилиб кўрамиз:

「子にすることを親にせよ！」 (ミニことわざ辞典, 1993:157 б).

Фарзандингга маъқул кўрганнингни ота-онангга ҳам раво кўр.

Ушбу жумладаги буйруқ шаклда қўлланилган “*せよ*” (*бажармоқ (бу ерда - раво кўрмоқ)*) феълида биз буйрукни эмас, балки, шунчаки маслаҳат, таклиф ёки рухсатни англатувчи маънони кўришимиз мумкин.

Япон маданиятида мулоқот иштирокчилари бир-бирининг ижтимоий ёки хизмат мавқеини англаган ҳолда буйруқ шаклнинг мос категориясидан фойдаланиб, адресатни ҳаракатга ундаш имкониятидан фойдаланади. Мавқега боғлиқ ҳолда, “юқоридан қуйига” йўналтирилган буйруқ гапларда талабнинг бажарилиши адресат учун мажбурий ҳисобланиб, унинг талаб этилган ҳаракатга нисбатан муносабати инобатга олинмайди. Буйруқнинг инкор шакли, яъни фаолият ижросига изн берилмаслик ҳолати “禁止” бўлиб, “禁止刑” талаблари асосида воқеланади. Буйруқ гаплар, хоҳ у тақик бўлсин, хоҳ ижозат, япон менталитети ва маданияти таъсири остида, асосан имплицит тарзда намоён этилади. Буйруқ гапларда буйруқ майлидаги феъллар асосий элемент ҳисобланади ва сўзловчининг нутқ субъектига бўлган муносабати асосида

тусланади ва мулоқот матнига боғлиқ ҳолда, императив гаплар тақик ва ижозат маъноларида воқеланиши мумкин (森山, 2000 б).

「バカいっちゃいけませんよ。幼い女じゃあるまいし、本人に抵抗する意思があれば、とことん逆らえたはずじゃないですか。」

(吉村達也「富士山殺人事件」：239 б) .

Аҳмоқона гапларни айтма. Ёш қиз эмаску, ўзида норозилик истаги бўлганида аниқ қаршилик қилган бўлар эди.

Демак, гапларнинг императив оҳангда воқеланиши бирор бир мулоқот вазияти ва мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ўрни ва мақомига асосланган ҳолда амалга оширилади (Бирюлин, Храковский, 1992). И.Е.Беляеванинг фикрича, императив гаплар директив иллокуцияни ифодалашнинг бевосита ёпиқ усули ҳисобланади, бу эса ушбу шаклларнинг анъанавий семантикаси билан боғлиқдир (Беляева, 1992:141).

Дарҳақиқат, япон тилидаги императив гаплар ўзига хос жиҳатлари билан бошқа тиллардан ажралиб туради ва ушбу жиҳатлар прохибитив ва пермиссив нутқий актлари воқеланишида ҳам кузатилади.

Япон тилида субъектни ҳаракатга ундовчи ёки субъект ҳаракатини тақикловчи турли хил унсурлар мавжуд, аммо уларнинг ҳар биридан эркин ва исталганча фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Мулоқот матни ва суҳбатдошнинг ижтимоий мавқеи асосида улардан моси танланиши асосан нутқ ижрочиси маҳорати билан боғлиқ ҳолда кечади.

Айтиш жоизки, япон тилида 「禁止形」 (тақик шакл) прохибитив маънони берувчи махсус шакллардан тўғри фойдалана олиш ва улардан мос бўлган шаклни аниқлаб, нутқда ўринли қўллай олиш ҳамда прагматик жиҳатдан тўғри таҳлил қила билиш асосида сўзловчи ва суҳбатдош ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг давомийлиги таъминланади. Бундай вазиятда, тақик маъноларини ўзида мужассам этган қурилмалардан унумли фойдалана олиш сўзловчи тингловчига ўз фикрини қандай оҳангда (қўпол, ўта қўпол ва мулойим ёки ўта мулойимлик билан) етказиши ҳамда нутқдан қўзланган мақсадга қандай йўл билан (зўравонлик, мажбурлаш, хушмуомалик кабилар орқали) эришмоқчи эканлиги асосида белгиланади.

Шу ўринда тақикни ифодаловчи ҳар бир грамматик қурилманинг маъно ва моҳиятини тўлалигича ойдинлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Мураками Мицухиса (村上寿) , Нитта Ёшио (仁田義雄) каби япон тилшунослари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бевосита тақиқни ифодаловчи “*феъл+ ~ てはいけない*” курилмаси моҳиятига кўра қуйидаги тўрт гуруҳга ажралади:

1. Умумий маънода маълум фаолиятга ижозат берилмаслик; (高梨, 2010).

「... とにかく、糸川みたいな最低男は許せん。」

(吉村達也「富士山殺人事件」：243 б).

...барибир Итокавадек энг ёмон одамларни кечириб бўлмайди.

2. Фаолиятни бажармасликка ундаш; (仁田, 1991).

「ちょっとちょっと、ここに入ってはいけませんよ。」

(森山, 1997:13 б).

Тўхта-тўхта, бу ерга кириш мумкин эмас.

Ушбу қоида Морияманинг фикрича, “*феълнинг луғатдаги шакли + な*” курилмаси сингари, сўзловчининг шахсий талабини бевосита воқелантирувчи унсурдир (森山, 1997).

「僕を捨ててはいけない。」 *Мени ташлаб кетма.* (森山, 1997:21 б).

3. Қонун-қоида ёки урф-одат доирасида тақиқланган ҳолатлар:

「ここで煙草を吸ってもいいですか。」 *Бу ерда тамаки чекиш мумкинми?*

「規則では吸ってはいけません。」 *Қоида бўйича чекиш мумкин эмас.*

(森山, 1997:85 б).

Прохибитив нутқда прагматик мазмун бевосита ва билвосита нутқий актлар орқали ижро этилади. Бундай ҳолатда биз япон тилида тақиқни ифодаловчи курилмаларни гуруҳларга ажратиб олишимиз лозим:

1. Бевосита ёки тўғридан-тўғри тақиқни ифодаловчи грамматик курилмалар: “*феълнинг луғатдаги шакли (る) + な*”;

2. Билвосита тақиқни ифодаловчи курилмалар феълнинг қуйидаги шаклларга ўзгариши орқали ҳосил бўлади:

Феъл → *~ てはいけない*

Феъл → *~ てはだめ*

Феъл → *~ じゃだめ (~ じゃってだめ)*

Феъл → *~ ちゃだめ (ちゃってだめ)*

Феъл → *. . . できません (. . . できない)*

~~Феъл~~ → ご遠慮ください

Феъл → . . . られない

Феъл → ~てほしい

Биринчи тузилмада таъкидланган “*феълнинг лугатдаги шакли* (る) + な” тузилмаси бевосита тақиқни ифодалаб, тингловчига нисбатан ўта кўпол муомала тури ҳисоблангани боис, табиий ҳолки, суҳбатдош руҳиятига салбий таъсир ўтказди ва мулоқот жараёни нутқдан кўзланган мақсадга эришилмаслик ёки диалог тўхтатилиши билан якун топиши ҳам мумкин.

Навбатдаги гуруҳда билвосита тақиқни ифодаловчи курилмалар маълум бир ҳаракатларни тингловчи томонидан амалда бажарилиши “мақсадга мувофиқ эмас” деган тушунчани юзага келтиради. 「禁止」, яъни бу тақиқни ифодаловчи муҳим курилмалардандир.

Япон тилида прохибитивлик мавзусига оид 「予防禁止」, яъни маълум бир ҳаракатнинг амалга ошишини олдини олиш мақсадидаги тақиқ шакли ва 「制止的禁止」, яъни белгиланган тартиб ёки қонун-қоида асосида иш ҳаракатнинг ижросини тақиқлаш маъносини англатувчи ҳамда 「願望」 хоҳиш-истак, 「不満」 норозилик ҳолатларини ифодаловчи сўзлар мавжуд.

Бироқ ушбу грамматик курилмалар иштирокидаги гапларда мулоқот матнининг барчасида ҳам буйруқ оҳанги асосий саналмайди.

Феълнинг тақиқ оҳангни ифодаловчи шакллари амалда икки хил мақсадда ижро этилади:

1. Тингловчини маълум бир ҳаракатни амалга оширишдан қайтариш;

Бунда сўзловчининг эмас, балки омманинг хоҳиш истаги инобатга олинади. Масалан: 「昇れない木は仰ぎ見るな。」 (ミニことわざ辞典, 297 б).

Чиқа олмайдиган дарахтга интилма.

1. Нутқдан кўзланган мақсад сўзловчининг хоҳиш истаги асосида ижро

этилади. Масалан:

「本当に大事にして御上げなさいよ」と奥さんも言った。「毒が脳へ廻るようになると、もうそれっきりよ、あなた。笑いことじゃないわ。」

(夏目漱石 「こころ」 : 105 б).

“Ўзингизни эҳтиёт қилинг” деди аёли. “Оғу миянгизга етиб борса, тамом бўласиз. Куладиган нарса эмас” (шахсий талаб ва тақиқ).

Биринчи мисолдаги “見る な (интилманг)” феъли бевосита фаолият ижросини тақиқлаётган бўлса, иккинчи мисолда 「大事にして御上げなさいよ (эҳтиёт қилинг)」 ҳамда 「笑いことじゃないわ (куладиган нарса эмас)」 нутқий актлари суҳбатдошни билвосита фаолият ижросидан тақиқлаётганини, яъни “эҳтиёт бўлинг, бефарқ бўлманг” ва “куладиган нарса эмас (кулманг)” маъноларида идрок этиш мумкин.

Юқоридаги ҳолатни “*феълнинг луғатдаги шакли (る) + на*” қурилмаларидан бири дейишимиз мумкин. Аммо феълнинг қуйидаги “ ~て + はいけない、 ~じゃダメ、 ~ちゃダメ ” тузилмалари эса, “*феълнинг луғатдаги шакли (る) + на*” қурилмасидан фарқли ҳолда, ҳам 「予防禁止」, ҳам 「制止的禁止」 маънолари мужассамлашган нутқда кенг қўлланилади.

Феълнинг “ ~てはいけない ” ёки “ ~じゃいけない ” ва “ ~ちゃいけない ” қурилмаларининг “*феълнинг луғатдаги шакли (る) + на*” қурилмасидан фарқли жиҳатидан бири шундаки, “ ~てはいけない ” ёки “ ~じゃいけない ” ва “ ~ちゃいけない ” тузилмалари, асосан, шахснинг индивидуал хоҳиш - истаги, норозилиги ёки унинг шахсий қонун-қоидаси асосида вужудга келадиган тақиқни эмас, балки жамиятга тегишли ҳолатлар, талаб ва истак ҳамда қонун қоидаларга оид ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш ҳолатларида кенг қўлланилади. Аксинча, феълнинг “ ~てはダメ ” ёки “ ~じゃダメ ” ва “ ~ちゃダメ ” қурилмалари нутқдаги маъно ва моҳияти ҳамда гапдаги иштирокига кўра феълнинг “ ~てはいけない ” қурилмаси билан деярли бир хилликка эга бўлса-да, сўзловчи нутқидаги иштироки асосида ҳам индивидуал, ҳам жамият талабининг ижросини таъминлашга ундовчи қурилма сифатида диалогик нутқда воқеланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган “ ~てはダメ ” ёки “ ~じゃダメ ” ва “ ~ちゃダメ ” қурилмалари ва “*феълнинг луғатдаги шакли (る) + на*” маъно жиҳатидан бир хилликка эга бўлса-да, “ ~てはダメ ” ёки “ ~じゃダメ ” ва “ ~ち

やダメ” курилмалари предмет ва табиат ҳодисаларига нисбатан нутқда воқеланиш имконияти чекланганлиги билан тафовутланади.

Шунингдек, юқорида келтирилган прохибитив маъно англатувчи грамматик унсурлар нутқ жараёнида ишлатилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, биринчидан, тингловчининг бирор ҳаракатни бажара олиш қобилиятининг сустлиги назарда тутилган маънони акс эттирса, иккинчидан, ҳолат ёки шароит тақозо этган тақик назарда тутилган жараёнларда қўлланилади. Суҳбатдошнинг маълум бир иш ҳаракатни бажаришига бўлган қобилиятининг сустлиги ёки унинг ўша ишни бажаришга нолойиқ эканлигини акс эттирувчи прохибитив маънони берувчи грамматик курилмалар япон тилида мавжуд, аммо улардан диалогик нутқ жараёнида фойдаланиш суҳбатдош руҳиятига салбий таъсир ўтказиши боис, нутқ жараёнида деярли учрамайди.

Бироқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ижро этиладиган прохибитив нутқий актларда, одатда, “～てはいけません” ёки “～てはいけない” курилмаларидан фойдаланилади ва тингловчи томонидан амал қилиши лозим бўлган қонун қоидалар, бурч ва вазифалар асосида маълум бир ҳаракатни амалга оширмасликка ундаш мақсадида ижро этиладиган нутқларда воқеланади. Ушбу ҳолатларда тингловчи бажариш ёки бажармаслик ҳақида қарор қабул қила олиш ҳуқуқига эга бўлмайди ва сўзловчи буйруғини амалга ошириши лозим бўлади. Ҳолат тақозо этадиган бундай прохибитив нутқлар 「予防禁止」、яъни вазиятни олдини олиш учун қўлланиладиган тақик ва 「制止的禁止」 қоида ҳамда вазифалар асосида ижро этиладиган тақик тарзида воқеланади. Масалан: (博物館で) (музейдаги ҳолат)

予防禁止：「こちらで写真を撮ることが出来ません。」

Бу ерда суратга олиш мумкин эмас. (Вазиятни олдини олиш учун қўлланиладиган тақик).

制止的禁止：「こちらで写真は撮れません。」

Бу ерда суратга олиш мумкин эмас. (Қоида ва вазифалар асосида ижро этиладиган тақик).

Феълнинг “～ない” (инкор) шакли иштирокида тузилган прохибитив гаплар ўта кучли ва қўпол тақикни ифодалайди ва уларда кўпинча “制止的禁止” суҳбатдошни суҳбат жараёнининг ўзидаёқ иш фаолиятни тўхтатишга ундовчи маъно мужассам бўлади ва сўловчининг шахсий хоҳиш-истаги учун қўлланилмайди.

Шунингдек, феълнинг инкор шакли иштирокида ижро этилган гапларнинг охири “ ～んじやないの ” қурилмаси билан тугаши ҳолати ҳам мавжуд бўлиб, тақиқнинг нисбатан кучлилигини кўрсатади. Аммо, тақиқнинг бироз ҳурмат ва мулойимлик шакли бўлмиш “ феъл + ～ません ” қурилмаси асосан болаларга, хаста ва кекса кишиларга нисбатан қўлланиладиган содда ва секин талаффуз қилинадиган жумлаларда иштирок этиши одатийдир. Масалан:

「大きい声で話しません。」 *Баланд овозда гапирманг (ёки гапирилмайди).*

Тақиқни ифодаловчи “ するな ” тузилмаси сўзловчи ҳиссиётлари ва кайфиятини ифодалашда кўл келадиган ва нутқ жараёнида ишлатилиши қулай бўлган грамматик унсурлардан ҳисобланади. Яъни “ するな ” тузилмаси орқали маълум бир фаолиятни амалга оширмасликка талаб даражаси кучли эканлиги сўзловчининг нутқ оҳангидан маълум бўлади. Бундай пайтларда, асосан, сўловчининг тингловчи ҳаракатига нисбатан норозилик ҳисси аниқ сезилиб туради. Масалан: 「私の前で喧嘩するな。」 *Менинг олдимда жанжал қилма.* (吉村達也「富士山殺人事件」：204 б).

Одатда, “ するな ” феъли гап таркибида ишлатилиши билан сўзловчининг нутқидан кўзлаган мақсади ва унинг суҳбатдошига бўлган муносабати етарлича етказилиши боис, “ するな ” шакли бир жумла таркибида бир маротаба қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан фарқли равишда “ ～てはいけない ” қурилмаси ҳам тақиқни ифодаласа-да, бир жумла таркибида бир маротабадан зиёд такрор қўлланилиш имконига эгадир. Бундай ҳолатларда “ ～てはいけない ” қурилмасининг охириги “ いけない ” қисми жумла сўнгида, умумий ҳолатда бир бор қўлланилади ва у сўзловчининг шахсий талаби ёки буйруғи эмас, аксинча “ 制止的禁止 ” маъносида воқеланади. Масалан:

「こう暑くては、家にいなくてはいけない。」

Бундай иссиқ бўлса, уйда қолмасам бўлмайди.

(吉村達也「富士山殺人事件」：143 б).

Асл маъноси: *Бундай иссиқ бўлса, яхши эмас, уйда қолмасам бўлмайди.*

Аслида “いけません” (мумкин эмас) феъли асосида ташкил этилган ушбу тузилманинг “～います” (мумкин) феълини тасдиқ шаклига ўтказиш имкони мавжуд эмаслиги боис, бундай бирикмани “турғун” грамматик қурилма дейиш мумкин. Аммо “～してはいけない” қурилмаси ҳам мавжуд бўлиб, у “～てはいけない” қурилмаси билан нутқда воқеланиши жиҳатидан бир хилликка эгадир. “～してはよくない” (...ни бажариш яхши эмас ёки мумкин эмас) тузилмаси асосини ташкил қилувчи “よくない” инкор маъносини англатувчи сўз тасдиқ, яъни “～してもいい” (...ни бажариш яхши ёки мумкин) тарзидаги пермиссив маънога ўзгариш имкони мавжудлиги боис, уни турғун қурилмалар қаторига кирита олмаймиз. Лекин тақикни ифодаловчи ҳар иккала қурилма ўтган замон шаклида тусланишида бир хилликка эгадир.

Шунингдек, ҳар иккала грамматик қурилмани ҳурмат шаклдаги ҳолати ҳам мавжуд бўлиб, у қурилманинг охириги қисмига ўзгартириш киритиш билан намоён бўлади. Масалан:

行ってはいけません。 *Бориш мумкин эмас.*

行ってはいけません。 *Бориш яхши эмас.*

Аслида суҳбатдошни ҳаракатга ундовчи буйруқ гаплар негизида нутқ ижрочиси туради, чунки у буйруқ берувчи ва унинг ижросининг амалга ошиши ёки аксинча, амалга ошмай қолишига сабабчи объект сифатида намоён бўлади. Унинг нутқ ифодаси мулоқот муҳитига боғлиқ ҳолда, оҳанг (хушмуомала, қўпол, ўта қўпол каби) ва грамматик қурилмалар асосида юзага чиқади. Бу ҳолат нутқ интенциясининг қандай якун топишини белгилаб беради.

VI БОБ.

ЯПОН МАҚОЛЛАРИДА ТАҚИҚ ВА ИЖОЗАТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Хар бир халқнинг узоқ тарихга эга бўлган турмуш тажрибалари асосида жамланган маънавий бойлиги ҳамда маданий меросининг нодир дурдоналаридан бири мақоллар ва ҳикматли сўзлардир. Халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шаклидир. У теран мазмунга эга бўлган жанр бўлиб, маълум халқ тилининг кўркини, нутқ нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккурини ҳамда мантиқини ҳайратомуз бир қудрат билан намоиш эта олади. Бундай бадиият қатралари элатнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир кўзгуси дейиш мумкин. Бу бадиий кўзгуда кишиларнинг ҳаётга, табиатга ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари намоён бўлади (ミニことわざ辞典、1993:4).

“Мақол” тушунчаси барча тилларда миллий менталитет асосида пайдо бўлган маълум бир атама воситасида белгиланади. Жумладан, япон тилида у “ことわざ” атамаси билан ифодаланади ва қадимдан кишилар томонидан айтилиб ва амал қилиниб келинаётган миллий бойликни англатади (ミニことわざ辞典、1993:1).

Япон тилидаги мақоллар ўқилишига кўра содда, маъно жиҳатидан эса улкан фалсафий маънони англатувчи хусусиятга эга бўлган қисқа жумлалардан ташкил топган. Бундай халқона мақол ва маталлар - япон халқнинг яшаш фалсафаси, маънавий тамойил ва қоидаларини акс эттиради.

Кунчиқар юрт фуқаролари ўзига хос соддалик, ишонувчанлик, камтарлик ва теран фикрлилик хусиятлари билан бошқа элатлардан фарқ қилади. Улар ўзларини ўраб турган борлиқ ва ундаги барча мавжудотлар билан ўзаро уйғунликда, баҳамжиҳат ҳаёт кечиришга одатланган халқдир.

Япон халқи тартиб-интизомни, исрофгарчиликдан сақланишни ва оддий ҳамда камтаринликка йўғрилган турмуш тарзини афзал кўради. Майда ҳашоратларнинг кичик бир ҳаракатларидан тортиб, ҳар бир табиат ҳодисаларидан сабоқ ва ҳикмат қидириб яшайдиган

бу халқнинг мақоллари замирида шу кузатувлардан ҳосил бўлган содда, лекин буюк фалсафа ётганини илғаш мушкул эмас.

Паремиялар қандай давр таъсирида шаклланган бўлмасин, улардан кўзланган мақсад битта, яъни инсонни эзгулик сари етакловчи ҳаракатни амалга оширишга ижозат бериш ёки аксинча, унинг ижросини тақиқлашдан иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, нутқий оҳангдаги актлардан англашиладиган маъно ва нутқ мақсади ҳамда прагматик транспозиция ҳолатларига оид воқеликни айнан ҳикматли сўзлар ва мақолларда кенг қўламда кузатиш мумкин. Демак, халқ мақоллари сўзлашув нутқи ва бадий асарларда кўп ишлатилади ва улардан унумли фойдаланиш нутқнинг таъсирчанлигини оширади ҳамда бўёқдор бўлишини таъминлайди. Шу сабабли, турғун тузилмаларда услубий функционал хоссалар лексик бирликларга қараганда анча кенгдир.

Япон халқ мақоллари ўзига хос бир қанча хусусиятлари билан халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларидан фарқланиб туради. Яъни уларда фикр аниқ, тугал хулоса, лўнда ҳукм тарзида ифодаланади, муайян ҳукмни мантикий изчилликда ифодалаш етакчилик қилади, улар баъзан кўчма маъноларда қўллана олиш имконига эга. Бундан ташқари, паремияларда ибрат кўрсатиш, панд-насихат каби жиҳатлар устун туриши орқали ўзининг умуминсоний хислатларини намоён қилади.

Жумладан, ҳар қандай мақолнинг асл маъносини англаш учун унинг ҳар бир сўзига эътибор қаратиш лозим. Япон халқ мақоллари орасида асосан иероглифлар ёки қўшма сўзлардан ташкил топадиган “慣用句”, яъни идиомалар орқали ифодаланувчи ҳолатлар кўп учрайди ва улардан англашиладиган маъно императив, пермиссив, прохибитив ҳамда маслаҳат бериш каби мазмунда мулоқот жараёнида намоён бўлади. Масалан:

運は寝て待て。 (ミニことわざ辞典、1993:56).

Омадни ётиб (хотиржамлик билан)кут.

Изоҳ: Тақдирни инсон ўзгартира олмайди. Имконинг борида меҳнат қил ва унинг мукофатини сукут сақлаб кут.

朝の雨に傘要らぬ。(暮らしの中のことわざ辞典、第3版:18).

Эрталаб ёққан ёмғирга соябон керак эмас.

Изоҳ: Ўткинчи нарсага берилма.

朝雨は女の腕まくる。(暮らしの中のことわざ辞典、第3版:18).

Эрталаб ёққан ёмғир аёл кишининг билаги (куч)ни қўрсатишидир.

Изоҳ: Аёл киши ўзини мақтагани билан, унинг кучи узоққа бормайди. Инсон ўткинчи ташвишдан қўрқмаслиги лозим.

朝謡は貧乏の相。 *Эрталабги Асаутаи (қўшиқ)- қашшоқнинг шериги.*

Изоҳ: Кунни бекорчилик ёки кўнгилхушлик қилиш билан бошлаш, қашшоқликка олиб келади. Меҳнат билан кунни бошла.

朝顔の花ひと時。 (暮らしの中のことわざ辞典、第3版:19).

Қўнғироқ гулнинг умри қисқа.

Изоҳ: Қўнғироқ гул тонгда жуда чиройли гулласада, кун ярмида сўлиб қолади. Инсон қанчалик куч-қудратга тўла бўлмасин, ўзини йўқотишдан тийилиши лозим, чунки бир лаҳзада ҳаммасидан айрилиши мумкин.

Маълумки, ижозат бериш ёки тақиқин ифодаловчи буйруқ гаплар мулоқот жараёнида суҳбатдошни ҳаракат ижросини таъминлашга ундовчи ва мотивация берувчи воситалар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай жумлаларни кундалик ҳаётда кенг қўлланиладиган мақоллар таркибида ҳам тез-тез учратиш мумкин. Паремиялар таркиби прохибитив ёки пермиссив мазмунидаги нутқий актлардан таркиб топган бўлишидан қатъий назар, улардан кўзланган мақсад битта, яъни эзгулик йўлида кишиларни ножўя ҳаракатларни бажаришларини тақиқлаш ёки эзгу амалларни бажаришга ижозат беришдан иборатдир. Бу турдаги нутқнинг имплицит ва эксплицит тарзда воқеланишини қуйидаги мақоллар орқали таҳлил қилиб кўрамиз:

鳥は立てども後は濁らず。 (ミニことわざ辞典、1993 : 267).

Сув ичида турган қуш учиб кетар чоғида сувни лойқалатмайди.

Изоҳ: Ишингни пухта бажар-ки, ортингдагиларга муаммо туғдирма. Шунингдек, 「暮らしの中のことわざ辞典、第3版」 мақолар тўпламида келтирилган мисолларни таҳлилига тортамиз:

明日のことを言えば鬼が笑う。 (24 б)

Кейинги кун ҳақида гапирсанг шайтон кулади.

Изоҳ: Кейинги кунда нима юз бериши инсон учун короғу ва у ҳақда гапирма, чунки бу ишингга шайтон ҳам кулади.

明日のことは明日案じよ。 (24 б) *Эртанги куннинг режасини эртага туз.*

明日は明日の風が吹く。 (24 б) *Эртага эртанги куннинг шамоли эсади.*

Изоҳ: Келажак ҳақида башорат қилма, чунки эртанги кун ўйлаганинг каби бўлмаслиги мумкин.

暑さ忘れりや蔭忘れる。 (29 б) *Иссиқлик унутилса, соя ҳам унутилади.*

Изоҳ: Иссиқдан азият чекиб соядан нажот топганидан кейин, соянинг қадри ҳам унутилади. Яъни сенга келган нажодни унутма, ҳар лаҳза ёдда тут.

Кўринадики, ушбу мақолларда тақиб прагматик мазмуни воқеланган. Одатда, бу турдаги мақолларда ҳаракатга ундовчи мазмун имплицит тарзда суҳбатдошга етказилишини кузатиш мумкин.

Аввало, паремияларда тақиб мазмуннинг воқеланишига тўхталадиган бўлсак, В. Храковскийнинг таъкидлашича, тақибни ифодаловчи “прохибитив” атамаси “негатив императив” тушунчасининг синоними сифатида қўлланилиши мумкин (Храковский, 1992).

Демак, прохибитив шакли маълум бир ҳаракатни бажармасликни англатади ва ушбу фикрга асосланиб, ишимизда япон мақоллари воситасида шаклланган прохибитив қурилмаларга мурожаат қилинади.

Япон мақоллари тўпланган луғат ва бошқа ишларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳаракатни бажармасликка ундовчи паремияларнинг аксарият қисми “фёъл+негатив” яъни “...ни бажармаслик” тарзида акс эттирилган. Масалан:

新しい医者と新しい墓へは行くな。 (28 б) *Тажрибасиз табиб билан янги қабрга борма.* Изоҳ: Тажрибасиз инсонга эргашма.

頭禿げても浮気はやまぬ。 (28 б) *Сочи тўкилган бўлса ҳам ҳиёнатдан кечмайди.* Изоҳ: Ҳеч бўлмаса кексайганда тўғрилиқдан адашма.

網の目に風たまらず。 (37 б) *Тўр шамолни қайтармайди.*

Изоҳ: Меҳнатнинг қадрини билмайдиган инсонга меҳнатингни зоя қилма.

慌てる蟹は穴へ入れぬ。 (40 б) *Шошилган қисқичбақа унига кира олмайди.*

Изоҳ: Шошилма, муродингга ета олмай қоласан.

打たねば鳴らぬ。 (76 б) *Нозорани чертмасанг, ундан овоз чиқмайди.*

Изоҳ: Бекор қолма, ҳеч қандай натижага эриши олмайсан. Меҳнат қил.

Келтирилган мисоллардан равшанки, тақик ёки ижозатни ифодаловчи мақоллар турлича грамматик қурилмалар ёрдамида воқеланади. Бундай ҳолатда мақоллар турлича структур хусусиятга эга бўлса-да, уларнинг барчасида ҳаракатга ундашни ифодаловчи иллокутив куч юқори даражада бўлиши сезилиб туради. Қуйидаги мақолларни таҳлил қилиб кўрамиз:

既往は咎めず。(137 б) *Ўтмишни айблама.*

Изоҳ: Ўтмишдаги хатоларни сабаб қилма ва олдинга интил.

猿も木から落ちる。(203 б) *Маймун ҳам дарахтдан йиқилади.*

Изоҳ: Маймун дарахтга чиқишга қанчалик моҳир бўлмасин, вақти келиб йиқилгани каби, қанчалик зўр бўлсанг ҳам керилма, барибир оқсоқ томонларинг бор.

茸とった山は忘れられぬ。(143 б) *Қўзиқорин терган тоғни унутиб бўлмайди.* Изоҳ: Яхшилик қилганларни унутма.

北枕で寝るな。(139 б) *Ёстиқни шимол томонга қўйиб ухлама.*

Изоҳ: Мурданинг ёстиғини шимол томонга қўйиш одатига асосланиб, хосиятсиз нарсаларга яқинлашма.

柿の木に鉢を入れるな。(111 б) *Хурмо дарахтига қайчи урма.*

Изоҳ: Хурмо дарахти бир йил ҳосил берса, кейинги йил ҳосил бермаслиги мумкин ва яна яхши ҳосил беради. Уни ўз ҳолига қўйиш керак. Кишини хоҳиши бўлмаган ҳаракатни бажаришга ундама.

Шу каби япон халқ мақоллари, асосан, феълнинг императив шакли ҳосил қилувчи грамматик қурилмалардан ташкил топади, аммо япон тили мақоллар луғатида шундай сўзлар мавжудки, улар от сўз туркумига мансуб бўлиб, мулоқот жараёнида ҳаракатга ундовчи феълларнинг иштирокисиз намоён бўлади. Бундай жумлалар, асосан, мақоллар ва ҳикматли сўзлар таркибида кенг қўлланилиб, ҳаракатга ундовчи феъл мазмунини яширин тарзда ифодалайди ва одатда қўшма сўз тарзида нутқ жараёнида воқеланади. Масалан: 鬼の居ぬ間に洗濯。 *Шайтон йўқ вақтда кир (юв).* (ミニことわざ辞典、1993:74).

Изоҳ: 1. Имкон борида яйраб қол; 2. Ёмонлик йўқ жойда қанот қоқиб қалб доғини кетказ.

「洗濯」 каби қўшма сўздан ташкил топган сўзлар асосан, от сўз туркумига оид бўлиб, мақолларда иштирок этганида 「する」,

яъни “бажармоқ” феълининг нутқ жараёнида иштирок этмаслиги мулоқот мақсадини тўла идрок этишга бироз тўсқинлик қилади. “Ёмонлик йўқ жойда қанот қоқиб, қалб доғини кетказ” гапи ҳар хил мулоқот муҳитида ёки контекстдаги иштирокига кўра буйруқ оҳангидаги нутқий актдир. Масалан, қуйида 「暮らしの中のことわざ辞典、第 3 版」 мақоллар тўпламида келтирилган паремияларни таҳлил қилимиз:

内の米の飯より隣の麦飯。(76 б) *Уйдаги гуручли таомдан кўра қўшимнинг буғдойли таоми.* Изоҳ: Ўзингда бор нарсани қадрига ет. Ўзгага ҳасад қилма.

年寄り は 家の宝。(76 б) *Кексалар уйнинг хазинаси.* Изоҳ: Кексаларни қадрла, ундан ортиқ хазини қидирма.

年寄り は 火の子。(76 б) *Кексалар олов боласи.* Изоҳ: Кексалар иссиқликка (меҳрга) интилади, улардан тафтингни аяма.

飛ぶ鳥の 献立。(366 б) *Учаётган қушга тузилган режа.* Изоҳ: Учаётган қушга қараб ундан таом тайёрлашни режа қилма. Йўқ нарсадан умид қилишга шошилма.

Сўз санъатининг маҳсули сифатида мақолларда сўзнинг ўнлаб маъно қирралари, бадий тасвир воситалари, поэтик кўчимларининг барча намуналарини учратиш мумкин. Мақоллар таркибига қараб худбинлик, эгрилик, инсофсизлик, душманлик, кўрқоқлик, нодонлик, илмсизлик, манманлик, ношудлик, ёлғончилик, сабрсизлик, бевафолик, очкўзлик, номуссизлик ва ҳоказо маъноларни изоҳлаши бизга маълум. Бунда мақолларда сўзларнинг маъно ифодаладиган имкониятлари нақадар кенг намоён бўлишини кўриш мумкин. Улар сўз санъати қуроли сифатида, ўз маъносидан ташқари, иккиламчи маънони намоёиш этувчи структуравий тузилишга ҳам эга. Бундай ҳолатни асосан, япон тили грамматикасига хос бўлган, прохибитив нутқий актлар структуравий тузилишини ҳосил қилувчи 「ず」 (зу) суффикси иштирок этган мақолларда кузатиш мумкин. Масалан:

腹八分目に 医者要らず。(405 б) *Оч қоринга табиб керак эмас.* Изоҳ: Ножўя ҳаракатлардан тийил, ташвиш орттирмайсан.

水は逆さまに流れず。(405 б) *Сувни тескари оқизиб бўлмайди.*

Изоҳ: Такдир буюрган нарсани ўзгартишга урунма, удалай олмайсан.

世を捨つれども身を捨てず。(514 б) *Дунёни тарк этсанг ҳам ўзингни тар этма.* Изоҳ: Жонингдан бошқа нарсадан воз кеч, лекин азиз жонингни асра.

Одатда, япон халқ мақоллари феълнинг императив оҳанг ҳосил қилувчи махсус грамматик қурилмалар асосида яратилади, яъни “ぬ, ず, ない, なし” каби инкор ва тақиқни ифодаловчи императив шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар билан якун топади. Масалан, 「ミニことわざ辞典-1993」 мақоллар тўпламидан япон тилидаги қуйидаги мақолларни келтирамиз:

針は小さくても吞まれず。(317 б) *Игна қанча кичик бўлмасин, уни ютиб бўлмайди.* Изоҳ: Кўнгилга берилган озор қанча кичик бўлса ҳам, уни ҳазм қила олмайсан.

火で火は消えぬ。(322 б) *Олов билан оловни ўчирма.* Изоҳ: Ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтарма, акс ҳолда вазият янада салбий тус олади.

藁千本あっても柱にはならぬ。(532 б) *Мингта сомон битта устун бўла олмас.* Изоҳ: Мингта бефойда ишдан кўра битта фойдалисини танла.

人の口に戸は立てられぬ。(417 б) *Инсон оғзига эшик қўйиб бўлмайди.* Изоҳ: Бефойда ҳаракатни бажарма.

習わぬ経は読めぬ。(355 б) *Ўрганмасдан туриб Сутра (китоби)ни ўқима.*

Изоҳ: Билмаган нарсангга аралашма.

Япон тилида яна шундай паремиялар мавжудки, улардан англашиладиган маъно бир қарашдан пермиссивликдан иборат бўлса-да, локуция прохибитивликка йўналтирилган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, эксплицит ифода воситаси стилистик жиҳатдан кучли пермиссив оҳангдаги императив шакл бўлиб, имплицит маъноси эса кучли тақиққа йўналтирилган прохибитивликдан иборат бўлади. Масалан:

「まあまあ。興奮したまま行くと話がこじれるぞ。腹の立つ事は明日言えっていうだろう、もう少し気持ちを落ち着けてからにしろって。」 <https://imidas.jp/proverb/detail/X-02-C-26-9-0005.html>

Майли, қўявер. Ҳаяжонли ҳолатда борсанг баҳслашиб қоласизлар. “Жаҳлингни чиқарган нарса ҳақида эртага гапир, бир оз тинчланасан” дейишади-ку.

Изоҳ: Жаҳлинг чиққанида бемаъни гапларни гапиришдан тийил.

果報は寝て待て。(暮らしの中のことわざ辞典、第3版:125).

Бахтни ётиб кут. Изоҳ: Ҳаётни инсон бошқара олмайди, бунга уринма. Етарлича меҳнат қилиб, натижасини ётиб кут ва хавотир қилма.

壁の穴は壁で塞げ。(125 б) *Девор тешигини девор билан беркит.*

Изоҳ: Бир соҳанинг муаммосини бошқа соҳа билан ҳал қилма.

川越して宿を取れ。(317 б) *Дарё кечиб бошпана топ.* Изоҳ: Дарё ортидаги бошпана учун дарёни кечиб ўтиш лозим. Қийинчиликсиз ютуқни кўзлама.

海のこととは漁師に問え。(暮らしの中のことわざ辞典、第3版:81 б).

Денгиз ҳақида балиқчидан сўра. Изоҳ: Ҳар кимга дардингни айтма, уни ҳал қила оладиганга мурожаат қил.

Демак, тасдиқ ва инкор шаклдаги жумлалар умумлашмасидан ташкил топган мақоллар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг коммуникатив вазифаси панд-насиҳат, ибрат ва ахлоқий кўрсатма кабиларни грамматик воситалар ёрдамида воқелантиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, бундай вазифаларга эга бўлган паремиялар япон тилида бир вақтнинг ўзида ҳам пермиссив ҳам прохибитив оҳангдаги императив шаклларни ҳосил қилувчи қурилмалар ёрдамида воқеланишини кузатиш мумкин. Масалан, қуйидаги мисолларни таҳлил қилиб кўрамиз:

子に過ぎたる宝なし。(ミニことわざ辞典、1993:157). *Фарзанддан ортиқ хазина йўқ.* Изоҳ: Фарзанддан зиёд хазинани қидирма! Уни асра.

その国に入ればその俗に従う。(222 б) *Бир юртга кирдингни, у ернинг тартибига амал қил.* Изоҳ: Ўз қоида ва талабингни унут ва ўзга жойга кўник.

節性は最良の薬。(暮らしの中のことわざ辞典、第3版:255).

Тартиб - энг яхши шифо. Изоҳ: Интизомни бузма, ҳаётинг издан чиқади. Интизомга амал қилиб, ҳаётингни яшнат.

大病に薬なし。(125 б) *Иложсиз дардга шифо йўқ.* Изоҳ: Вазиятни ёмонлаштирма, чора топа олмай қоласан. Ёмонликни вақтида бартараф қил.

枯れ木に花。(132 б) *Қуриган дарахтга гул.*

Изоҳ: Омадсизнинг ҳам омади чопар. Тушкунликка тушма. Умид қилишда давом эт.

Эслатиш жоизки, тақиқни ифодаловчи хусусиятга эга бўлган қурилмалардан ташкил топган мақоллар, жанр хусусиятига кўра лексикографик манбаларда қайд этилган (Денисова, 2017:41).

Япон тилида мулоқот жараёнида бундай тақиқни ифодаловчи қурилмаларни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

1. Феъл → ～てはいけない
2. Феъл → ～てはだめ
3. Феъл → ～じゃだめ (～じゃってだめ)
4. Феъл → ～ちゃだめ (ちゃってだめ)
5. Феъл → . . . できません (. . . できない)
6. ~~Феъл~~ → ご遠慮ください
7. Феъл → . . . られない
8. Феъл → ～てほしい

Қуйидаги жадвалда феълларни туслаш орқали прохибитив ва пермиссив шаклни ҳосил қилиш имкониятларини акс эттирдик:

2.3.1-Жадвал

I - гуруҳ феъллари		II - гуруҳ феъллари		III - гуруҳ феъллари	
禁止	命令・許可	禁止	命令・許可	禁止	命令・許可
書くな	書け	食べるな	食べろ	来るな	来い
急ぐな	急げ	寝るな	寝ろ	するな	しろ
飲むな	飲め	起きるな	起きろ		
呼ぶな	呼べ	借りるな	借りろ		
帰るな	帰れ	見るな	見ろ		
立つな	立て	下げるな	下げろ		
出すな	出せ	出るな	出ろ		

Бу каби тақиқ ва ижозатни ифодаловчи қурилмаларни кўплаб келтириш мумкин ва уларнинг аксарияти кундалик мулоқот матнида кенг қўлланилади. Аммо 「ず、な」 қўшимчалари ҳам кундалик мулоқот жараёнида, ҳам паремияларда қўлланилса, 「ぬ」 тақиқ қўшимчаси фақат мақоллар ва хикматли сўзларда қўлланилиши кенг тарқалганлиги ҳақида юқорида ҳам тўхталган эдик.

Масалан, кундалик мулоқот жараёнида инкор ва тақиқни ифодаловчи 「ない」 қўшимчаси қуйидаги мисоллар орқали турлича маъно ифодасига эга эканлигини кузатиш мумкин:

自分を痛めることはない。 *Ўзингга азоб беришга ҳожат йўқ!* (тақиқ). (桐野夏生「顔に降りかかる雨」, 1999 年:121).

彼は見つかりません。 *У топилмади.* (дарак гап маъносида). (210 б.).

齒に衣着せぬ。 *Тишга либос кийдирма.*

(暮らしの中のことわざ辞典、第 3 版: 313).

Изоҳ: Гапингга ортиқча безак берма, кўнглингда борини сўзла.

火のない所に煙は立たぬ。 *Олов йўқ жойда тутин чиқмайди.*

毒にも薬にもならぬ。 *Шифо ҳам бўлмайди, оғу ҳам бўлмайди.*

(ミニことわざ辞典、1993:259).

Изоҳ: Кимнингдир бор ёки йўқ бўлиши аҳамиятга эга эмас.

Одатда, паремияларда нутқ интенцияси суҳбатдошни ҳаракат ижросини таъминлашга ёки уни бажаришни тақиқлашга ундашга йўналтирилган бўлса, у бевосита “буйруқ” эмас, балки императив гаплардан фойдаланиш одобига амал қилинган ҳолда ошкора ёки яширин тарзда ижро этилиши талаб қилинади. Бу япон халқининг ўзига хос менталитети асосида шаклланган мулоқот маданияти бўлиб, суҳбатдошнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатиш, унга руҳан ёки қалбан “жароҳат” етказиб қўйиш хавфидан ҳимояланиш воситасидир. Масалан:

自画自賛。 *Ўзини мақташ.* (暮らしの中のことわざ辞典、第 3 版: 210) .

Изоҳ: Ўзингни мақтама. Сени мақташ учун бошқаларга изн бер.

小事は大事。 *Кичик воқеа - бу катта воқеа.* (231 б)

Изоҳ: Кичик муаммоларга бефарқ бўлма, у катта муаммоларни чиқариши мумкин. Кичик муаммоларни вақтида бартараф эт.

能ある鷹は爪を隠す。 (232 б) *Маҳоратли қирғий тирногини беркитади.* Изоҳ: Доно инсон бўлсанг, истеъдодинг билан мактанма.

Буйруқнинг иллокутив куч таъсири кўлами асосида япон тилидаги паремияларни уч гуруҳга бўлиб таснифлаш мумкин:

1. Мажбуриятни ифодаловчи паремиялар;
2. Панд-насихат ва ўғит мазмунидаги паремиялар;
3. Ўхшатиш ва қиёслаш мазмунидаги паремиялар.

Биринчи гуруҳ, яъни мажбуриятни ифодаловчи паремиялар суҳбатдошни бевосита маълум бир ҳаракат ижросини таъминлашга ундайди ва бу ҳолатда нутқ мазмуни прохибитив ёки пермиссив

оҳангда ифодаланиши мумкин. Бундай мазмунни ифодалаётган мақолларга мисоллар келтирамиз:

若木に腰掛けぬ。(231 б.) *Ниҳолга суянма.* Изоҳ: Заифларга зулм қилма.

柳で暮らせ。(496 б.) *Мажнунтолдек яша.* Изоҳ: Мажнунтол шамол оқимиға мос ҳолда ҳаракатлангани учун шохлари синмайди. Яъни оқимға қарши ҳаракатланма.

門に入らば帽子を脱げ。(491 б.) *Эшикдан кирдингми, бош кийимингни еч.*

Изоҳ: Ўзга уйга (юрт, гуруҳ) бордингми, унинг талабига амал қил ва ўз тартибингни ўрнатишга ҳаракат қилма.

焼き餅焼くとて手を焼くな。(491 б.)

Якимочи (гуручли таом) пишираман деб, қўлингни куйдирма.

Изоҳ: Яхшилик қиламан деб, ёмонликка йўлиқма. Ҳамма ишни меъёрда ушла.

昔の歌は今は歌えぬ。(474 б.) *Эски қўшиқни ҳозир куйлама.*

Изоҳ: Ҳолатга мос бўлмаган ноўрин ҳаракатни бажарма.

Иккинчи гуруҳ, яъни панд-насихат ва ўғит мазмунидаги паремиялар суҳбатдошни бевосита маълум бир ҳаракат ижросини таъминлашга мажбур қилмайди ва бунга амал қилиш тингловчи ихтиёрида бўлади. Шу сабабдан, бундай мазмундаги паремиялар мулоқот мазмунидан келиб чиққан ҳолда, панд-насихат, маслаҳат ёки ўғит сифатида қабул қилинади.

事が延びれば尾ひれがつく。(156 б.) *Турган нарса кўнайиб бораверади.*

Изоҳ: Йўлингда ҳалақит берадиган нарсани вақтида олиб ташлаганинг маъкул, акс ҳолда у катталашиб кетади.

言葉は立ち居をあらわす。(156 б.) *Гап - ҳаммасини маълум қилади.*

Изоҳ: Гапирган гапинг ким эканлигингни кўрсатади, эътиборли бўлганинг маъкул.

心の駒に手綱ゆるすな。(153 б.) *Қалб отини кишанлама.*

Изоҳ: Қалбингга ҳам қулоқ тут.

極楽願うより地獄作るな。(152 б.) *Жаннатни тилашдан кўра, дўзахни яратма.* Изоҳ: Яхшилик келишини кутсанг, ёмонлик қилма.

Учинчи гуруҳга оид ўхшатиш ва қиёслаш мазмунидаги паремиялар таркибида императив феъл шакллари мавжуд бўлмасад, кишига маълум бир маънода насихат бериш мақсади воқеланади. Бундай паремиялар, асосан, жамиятда кишиларнинг одоб ахлоққа

зид бўлган ҳаракатлари, либослари ва ташқи кўринишлари тақик остига олинганида ва уларни ғайриоддий ҳолатлар билан қиёслаганда кенг қўлланилади.

柳に風。(196 б) *Мажнунтолга шамол*. Изоҳ: Мажнунтол шамол йўналишига бўйсунгани учун шохлари синмагани каби, бош эгадиган одам кўп панд емайди.

子は親をうつす鏡。(186 б) *Фарзанд ота-она кўзгуси*.

Изоҳ: Ахлоққа зид бўлган ҳаракатлари бажарма, фарзандингдан қайтади.

麻がらに目鼻をつけたよう。(19 б) *Каноп (ингичка ва узун ўсимлик)ка кўз ва бурун қўйилгандек*. Изоҳ: Озғин одамнинг ташқи қиёфасига қиёс.

桜は七日。(197 б) *Сакура етти кунлик*. Изоҳ: Сакура гуллари қанча чиройли бўлмасин, етти кунда тугайди. Инсон умрининг қисқалигига қиёс.

桜は花にあらわる。(197 б) *Сакуранинг тури гуллаганда аниқ бўлади*. Изоҳ: Инсоннинг ким эканлиги юзидан билинмайди.

Паремияларнинг яратишдан ва уларни амалга татбиқ этишдан кўзланган мақсад, жамиятда кишиларни ноахлоқий ҳаракатлари бажаришларини тақиклаш, эзгулик йўлида ёвузликлардан қайтариш кабилардан иборатдир. Демак, ўз-ўзидан маълумки, бундай жумлалар таркибида прохибитивлик ёки пермиссивликнинг ўрни беқиёсдир. Аммо паремиялар таркибида прохибитивликнинг мавжудлиги ҳаракат ижросини тақиклашдан иборат бўлиб қолмасдан, жамиятни тўғрилиқка бошловчи “йўриқнома” вазифасини ўтайдиган восита дейиш мумкин.

Ҳаракатга ундовчи буйруқ гапларнинг диалогик нутқ жараёнида ҳаракатга ундаш коммуникатив интенцияси эксплицит ёки имплицит тарзда ифодаланиши мумкин ва бу ҳолат прохибитив ва пермиссив нутқий актлар камровида нисбатан кўпроқ кузатилади. Мулоқот матнидаги нутқий тузилманинг мазмуни эксплицит ёки имплицит тарзда ифодаланиши сабаблари нафақат лисоний, балки нолисоний омиллар билан ҳам боғлиқ.

Эксплицитликда иллокутив мақсад тил тизмида тўғридан - тўғри, яъни ҳеч қандай тўсиқларсиз, ошкора ифодаланса, имплицитликда бунинг аксини кўриш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, маълум бир иллокутив акт бошқа бир кўринишдаги тузилма, локутив ҳаракат орқали диалогик нутқда воқеланади ва

бундай нутқий актларда нутқ мақсади яширин ифодаланган бўлиб, иллокутив мақсад тил тизимида тўғридан-тўғри акс эттирилмайди.

Япон тилида директивлар синфига оид нутқий актлар фаоллашувида, мулоқот муҳити билан бир қаторда, суҳбатдошнинг ижтимоий мақомига ва унинг ўзига хос жиҳатлари кабиларга алоҳида урғу бериш талаб этилади. Ундаш интенцияси ижобий якун топишига замин яратувчи яна бир омил бу ҳаракат ижросининг таъминланиши ёки таъминланмаслигини белгиловчи субъектнинг ижтимоий ўрни ва унга мос грамматик қурилмаларнинг ўринли қўлланилишидир.

Тадқиқот объекти бўлган прохибитив ва пермиссив нутқий актлар буйруқ гапларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Япон тилида бундай нутқий актларда мулоқот мақсади аксарият ҳолларда имплицит тарзда ифодаланса-да, мулоқотдошларнинг ижтимоий муносабатларига нисбатан баъзан эксплицит тарзда воқеланишини ҳам кузатиш мумкин .

Япон тилида буйруқ гаплар бошқа гап турларига қараганда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, императив гапларга хос жиҳатларни келтириш мумкин. Бироқ императив гапларни ҳосил қилувчи грамматик омиллар ва уларнинг ҳурмат ҳамда камтарлик оттенкалари, шунингдек, уларни мулоқот матнига мос ҳолда қўллай билиш буйруқ гапларнинг мураккаб, ўзига хос қирраларидан ҳисобланади. Кўп ҳолларда императив гапларда эганинг мавжуд бўлмаслигини ҳам кузатиш мумкин, лекин бу ҳолат япон тилидаги буйруқ гап учун асосий кўрсаткич бўла олмайди. Чунки ушбу маданият вакиллари нутқида воқеланувчи бошқа турдаги нутқий актларда ҳам эганинг иштирок этмаслигини тез-тез кузатиш мумкин ва бундай ҳолларда гап эгасини мулоқот мазмунидан англаш имкони мавжуд бўлади.

Япон тилида прохибитив ва пермиссив нутқий актларда нутқнинг инкор шаклда воқеланишига кенг миқёсда мурожаат қилинади ва бунда иллокутив куч гап пропозициясини инкор қилиш эмас, балки мулоқот қаратилган шахсни ҳаракат ижросига ундашдан иборат бўлади. Буйруқнинг тўғридан-тўғри ифодаланишидан кўра, инкор шаклда баён қилиниши маълум даражада адресат кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва унга нисбатан эҳтиром ҳиссини сездиради.

Императив гапларнинг япон тилида кечадиган мулоқот матнида нисбатан камроқ қўлланилиши ушбу халқнинг миллий-

маданий ўзига хослиги ва асрлар давомида сайқалланиб келган урф-одатлари асосида белгиланган. Япон халқи суҳбатдошни маълум бир ҳаракатга ундаш орқали унинг кўнглига ёки руҳий кечинмаларига салбий таъсир етказишдан узоқлашишга интилади.

Ушбу бобда ҳаракат ижросига рухсат берувчи ёки уни бажармасликка даъват этувчи прохибитив ва пермиссив нутқий актлар кундалик мулоқот жараёнида асосан билвосита воқеланиши ва япон халқ паремияларида эса тақиқ ва ижозат бериш мазмунидаги бирликлар ботинан ҳамда зоҳиран воқеланиши аниқ мисоллар орқали исботланди.

Япон халқ мақоллари таркибида, асосан, иероглифлар ёки қўшма сўзлардан ташкил топадиган “慣用句”, яъни идиомалар орқали ифодаланувчи ҳолатлар кўп учрайди ва улардан англашиладиган маъно, асосан, императив, пермиссив, прохибитив ҳамда маслаҳат бериш каби мазмунда мулоқот жараёнида намоён бўлади.

Мулоқот вазиятига кўра тақиқ ёки ижозат мазмунидаги тузилмалардан фойдаланилганда, сўзловчидан ўта хушёрлик билан суҳбатдошга муомала қилиш талаб этилади ва бундай нутқий актларга нисбатан тингловчи томонидан ҳам рад жавобини бермаслик чоралари қидирилади.

VII БОБ.

ТАҚИҚ ВА РУХСАТ НУТҚИЙ АКТЛАРИ ВОҚЕЛАНИШИНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ОМИЛЛАРИ

Ўрганилаётган лисоний ва нутқий муаммолар орасида шахслараро мулоқот (人間関係) ва маданиятлараро мулоқот (国際的コミュニケーション) ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон нутқий хулқ-атворини бошқариб турувчи омиллардан бўлган ва замонавий тилшуносликда “этикет” термини билан белгиланган воситалар ҳар қандай маданиятнинг муҳим таркибий қисмидир.

Айниқса, япон лингвомаданиятида сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот этикети қадимги даврлардан мукамал шаклланган бўлиб, унга бугунги кунга қадар диалогик нутқ жараёнида тўлиқ амал қилиниб келинмоқда.

Бундай нутқий этикет қонун-қоидалари қаторига, асосан, 挨拶 (саломлашиш), 伝達 (мурожаат қилиш), 別れ (хайрлашув), 自己紹介 (танишув), 詫び (узр сўраш), 感謝 (ташаккур билдариш), 祝い (қутлов), 願い (истак-хоҳиш билдириш), 依頼 (илтимос), お世辞 (хушомад) каби турлари киради.

Ижтимоий нуқтаи назардан меъёрий ва ғайримеъёрий нутқий хулқ-атвор турларини таснифлаш мумкин. Шахслараро муносабат меъёрий талабларига ҳамда умумжамият қоидаларига ҳозиржавоб хулқ-атвор этикетга мос келувчи деб қабул қилинади. Жамиятда инсон хулқ-атворини бошқариб туриш усули сифатида этикет фақат дипломатик мулоқотдагина эмас, балки маърифатли суҳбатдошларнинг норасмий алоқаларида ҳам намоён бўлади.

Японзабон суҳбатдош билан мулоқотга киришувчи ҳар қандай шахс, авваламбор, мулоқот жараёнининг расмий ёки норасмий кечишидан қатъий назар, япон лингвомаданияти асосида белгиланган ҳурмат ва камтарлик оттенкаларини белгилаб берувчи грамматик бирикмалар, 慣用句 (фразалар) ва қўшма сўзлардан ўринли ва тиниқ оҳангда фойдаланиши талаб этилади. Ушбу талабларнинг диалогик мулоқот жараёнидаги воқеланиши кўпинча ҳурмат-эҳтиром ва камтарлик категорияларининг ифодаси деб таърифланади. Ушбу категориялар тил ва жамият тараққиёти таъсирида турли ўзгаришларга ва янгиликлар киритилишига учраб

келаётган бўлса-да, улар сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги нутқни мулоқот қоидаларининг янада сайқал топишига шароит яратади.

Айниқса, прохибитив ёки пермиссив нутқий актлар ижросида сўзловчининг ҳурмат-эҳтиром ва камтарлик категорияларидан моҳирона ва жўяли фойдалана олиши асосида нутқ ва ундан қўзланган мақсад самарадорлиги тўлиқ таъминланади. Масалан:

「大丈夫だよ。連絡があるまで保管しておくから、心配しないでいいよ。」(高木敏子「ガラスのうさぎ」, 72 6).

Ҳаммаси жойида. Хабар келгунича сақлаб тураман, хавотир қилма.

Ушбу нутқий акт ўзида мулоқот матнининг иккита интенциясини акс эттиради. Унинг бирламчи маъноси хавотир қилиш ҳаракатини тақиқлаш бўлса, иккиламчи маъносида “хавотир қилмасанг ҳам бўлаверади” қабилидаги пермиссивлик оҳангини идрок этиш мумкин. Шунингдек, жумла охиридаги 「～ないで」 тақиқни ифодаловчи ҳамда 「～いいよ」 ижозатни ифодаловчи бирикмалар сўзловчини адресатга нисбатан ўта яқин муносабатдаги шахс эканлигига ишора қилади. Ушбу шакллар нутқ самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Масаки Ямаока (2002)нинг фикрича, ҳаракатга ундовчи мулоқот матнида ҳурмат ёрдамида мулоқотдошларнинг инсоний муносабатлари ўрнатилади ва мулоқотнинг силлиқ давом этиши таъминланади (山岡, 2002:17).

Япон дискурсида ҳаракат категорияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мураккаб тизимни ташкил қилади. Ушбу тузилманинг ташкил қилувчи лисоний шакл-сиймоси, уларнинг у ёки бу жанрдаги матнларда фаоллашуви ва кундалик мулоқот вазиятларида намоён бўладиган фарқловчи белгилари анча кенг миқёсда ўрганилган (Алпатов 2011; Раздорский 1981).

Яқинда ўзбек олимаси Н. Халмурзаева ҳурматнинг коммуникатив категория сифатида япон иш дискурсида қўлланилишининг прагматингвистик хусусиятларини тадқиқ қилди (Халмурзаева 2018).

Маълумки, япон тили таълимотида “敬語表現”, яъни ҳурмат нутқи қоидаларига амал қилиш мажбурий тамойиллардан бири бўлиб, у нафақат лексик-грамматик бирликлар, шакллардан фойдаланишни, балки турли прагматик омилларда мурожаат қилишни тақазо этади. Зотан, япон тилида грамматик шакллар орқали нафақат назокатлилиқ, ҳурмат, эъзозлаш, сўзловчининг камтарлиги, адресатга бўлган диққат эътибори, тингловчи

фикрининг жамланиши, ижтимоий келиб чиқишга қатъий бўйсиниш, шу билан бир қаторда, ўзаро расмийлик муносабатлари ифода этилади (Халмурзаева 2018:14).

Японияда ҳаракатга ундовчи нутқий актлар тизимида ҳурмат тамойилининг аҳамияти ҳақида бир қанча илмий ишлар олиб борилган. Жумладан, 北尾 (Китао,1988), 生田 (Икеда,1997) каби тилшуносларнинг изланишларини эслатиш мумкин. Масалан, Китао (1988) қуйидаги жумлаларни ҳурмат категорияси асосида талқин қилади:

「もし差し支えがなければ窓を開けて下さいますか。」

Агар қарши бўлмасангиз, деразани очиб юбора оласизми, илтимос.

「もし可能なら窓を開けて下さい。」

Агар мумкин бўлса, деразани очинг, илтимос.

「窓を開けられますか。」 *Деразани оча оласизми?* (北尾、1988)

Келтирилган жумлаларнинг барчаси ҳаракатга ундовчи буйруқ гаплар сифатида қабул қилинади, лекин уларнинг структураси сўроқ шаклидаги иккиланиш ҳолатини кўрсатади. Ҳар бир нутқий актнинг ягона интенцияси суҳбатдошга деразани очтириш бўлса-да, ушбу мақсад ҳурмат тамойилининг турлича кўринишида воқеланган (北尾、1988). Япон мулоқот маданиятида бундай императивликнинг бевосита ёки ҳеч қандай эҳтиром белгиларисиз баён этилишига нутқ одоби йўл қўймайди. Демак, этикет нутқ мақсадига эришиш учун сўзловчида умид уйғотувчи риштадир ва эҳтиром тамойилига бўлган эътибор қадимги даврларданок шакллана бошлаган.

Аслида этикетни ўрганиш антик замонларда бошланган бўлиб, ҳурмат-эҳтиром тушунчаларни назарий жиҳатдан тадқиқ этишда тил ҳодисаси деб қарала бошланган. Ушбу ҳодисанинг жиддий тадқиқи лингвопраграмастика доирасида бажарилмоқда ва нутқий мулоқотга бевосита алоқадор тамойиллар тизими сифатида тилшунослик дунёсида кенг ва чуқур ўрганиб келинмоқда. Ҳурмат ва эҳтиром тамойили, кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, дунёдаги барча тилларга хос бўлган ва мулоқотни ортиқча ихтилофсиз рўёбга чиқаришнинг аосий шартларидан деб ҳисобланади (Халмурзаева, 2018).

Нуткий хулқ-атвор меъёрлари эса, маълумки, муайян тилда сўзлашувчи халқнинг маъданий- ижтимоий тарихий хусусиятлари билан белгиланади.

Хурмат-эҳтиром тамойилини таърифлашда, айниқса, унинг суҳбатдошлар нуткий ҳамкорликдаги ўзаро хатти-ҳаракатларини тартибга солиб турувчи бошқа тамойиллар билан муносабатларини аниқлаб берадиган турли фикрлар мавжуд (Муминов 2000; Ҳожиёва 2001; Содикова 2008; Имомова 2017).

Масалан, Н.И.Фармановская каби баъзи тадқиқотчилар ҳурмат-эҳтиром тамойилини нутқ этикетлари соҳасига тааллуқли бўлган ва мулоқот иштирокчиларининг муносабатларини тартибга солувчи восита деб қарайдилар (Фармановская, 1992).

Анъанавий мулоқотшуносликка оид ишларда нуткий этикет коммуникациянинг ажралмас таркибий қисми деб қаралади. Зотан, бу шарт-шароитлар тадқиқотчилар томонидан нуткий хулқ-атворни бошқариб турувчи омиллар мажмуаси сифатида талқин этилади.

Дарҳақиқат, япон тилшунослари ҳам “мулоқот беағи” вазифасини бажарувчи ҳурмат ва камтарлик нисбатларини махсус қурилмалар орқали изоҳлайди ва улар асосан тақим ёки ижозат оҳангида ижро этилган императив гаплар қўлланилишида жуда қўл келади. Жумладан, япониялик тадқиқотчилардан Минеко Масамуне бундай қурилмаларга “書く” (ёзмок) феъли мисолида қуйидагича изоҳ беради:

書け (ウチ 男) - ёз, эркаклар томонидан, ички муносабат, оддий шаклда;

書きなさい (ソト 男女) - ёз, эркаклар ва аёллар томонидан, ташқи муносабат, нейтрал шаклда;

お書きなさい (ソト 尊敬語 男女) - ёз, эркаклар ва аёллар томонидан ташқи муносабат, ҳурмат шаклда;

お書き (ウチ 尊敬語 女) - ёз, аёллар томонидан ички муносабат, ҳурмат шаклда; (正宗美根子, 2000 : 115).

Ушбу қурилмалар ва феъл шакллариининг тусланиши диалогик нутқ жараёнидаги тингловчига бўлган ҳурмат ва сўзловчининг ўзига нисбатан камтарлиги меъёрларини аниқ белгилаб беради.

Олимларнинг талқинига мувофиқ, ҳурмат-эҳтиромнинг юқори самараси нафақат вазият тақазосига ёки суҳбатдошларнинг ўзаро муносабатига кўра ва ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ тарзда, балки этномаданиятга ҳам алоқодар тарзда намоён бўлар экан.

Хурмат - эҳтиром (нутқ одоби)ни ифодаловчи омилларни япон тилида икки хил кўринишда талқин этилиши эътиборга лойиқ :

1. Норасмий мулоқот актлари (非公式発表)
2. Расмий мулоқот актлари (公式発表)

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мулоқот актининг ҳар бир турига коммуникантлараро муносабатларининг ўзига хос меъёрлари тегишлидир.

Юқорида таъкидланган ҳурмат ва камтарлик меъёрларини мулоқот жараёнида тартибга солиб, унинг самарадорлигини таъминловчи қоидаларга, асосан, норасмий диалогик нутқ жараёнида амал қилинади. Аммо расмий мулоқот жараёнида ҳаракатга ундовчи нутқий актлар таркибида юқорида келтирилган формулаларнинг аксарияти “辞書形＋こと，ない＋こと” тарзида намоён бўлади (Халмурзаева, 2018). Масалан:

Норасмий мулоқот:

よくお母さんが言っていた。「人様に笑われないように。人様に迷惑をかけないように」と。

Ойим: “Одамларга кулги бўлма. Одамларга ноқулайликлар туғдирма”, деб айтар эдилар. (高木敏子

「ガラスのうさぎ」:82 б).

Расмий мулоқот:

よくお母さんが言っていた。「人様に笑われないこと。人様に迷惑をかけないこと」と。 *Ойим: “Одамларга кулги бўлмаслик керак. Одамларга ноқулайликлар туғдирмаслик керак”, деб айтар эдилар.*

Ушбу жумлалар ҳар иккала кўринишда ҳам бир хил маъно касб этса-да, уларни расмий ва норасмий мулоқот матнларидан олинган намуналар эканлигини дарҳол идрок этиш мумкин бўлади.

Япон тили соҳиблари мулоқот жараёнида ижро этиладиган ҳар қандай нутқни ҳурмат ва камтарлик ёки камтарлик ҳамда хушомад нутқий актининг мезонлари билан бойитишга ва бу эса нутқий мулоқот бардавомлигини белгилашга ҳамда самарали кечишига катта умид боғлашига асос бўла олади деб ҳисоблашади. Ушбу фикр япон миллатининг диний эътиқодлари, дунёқараши ва асосийси табиатга бўлган муҳаббатини ҳурмат ва эҳтиром билан изҳор қилиши орқали сайқалланиб келган (浅田 秀子, 2009).

Дарҳақиқат, нутқ вазиятига таъсир ўтказиб туришда нафақат ижтимоий омиллар, ҳурмат ва камтарлик ёки камтарлик ҳамда хушомад категорияларини ифодалаётган лисоний воситалар ва бу

воситалар англатаётган семантик, синтактик ва прагматик хусусиятлар, балки мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мақоми ва улар бажараётган ижтимоий вазифалар муносабатлари ҳам инобатга олинади. Мулоқот пайтида ҳурмат ва камтарлик ёки камтарлик ҳамда хушомаднинг мулоқот одоби нуқтаи назаридан мажбурий эканлиги ҳам ҳисобга олинади. Зеро, хушомадга нисбатан намоён этилаётган муносабат ҳам ижтимоий - меъёрий шартлардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мазкур бобида япон тилида пермиссив ва прохибитив нутқий актининг самарадорлигини таъминловчи, мазмунини ва структурасини шакллантирувчи социопрагматик омилларни таҳлил этишга киришмоқчимиз. Шу мақсадда хушмуомалаликни намоён қилувчи кўринишлар қуйидаги икки тамойилга кўра таснифланди:

- 1) Мулоқот иштирокчиларининг ўзаро танишлик даражасига кўра;
- 2) Иштирокчилар орасида мавжуд бўлган ижтимоий масофага кўра.

Биринчи тамойил, мулоқот кечаётган муайян нутқий вазиятнинг таҳлилига асосланади. Бундай ҳолатларда асосан махсус грамматик қурилмалардан фойдаланиш нутқ самарадорлигини таъминлашда ёрдамга келади. Ушбу қурилмаларни 「- さて、明日の朝はそうゆっくりしてられない。もう休んだほうがいいよ。」 (赤川次郎「赤いこうもり」:136 б) (*Хўш, эртага эрталаб вақтимиз етарли бўлмайди. Энди дам олган маъқул*) нутқий акти мисолида таҳлил қилинганида қуйидагича изоҳланади:

- фелнинг -て шакли
- さて、明日の朝はそうゆっくりしてられない。もう休んで. . .

“Хўш, эртага эрталаб вақтимиз етарли бўлмайди. Энди дам ол.

- фелнинг -て шакли+ (も) いい
- さて、明日の朝はそうゆっくりしてられない。もう休んで (も)

いい. . . *“Хўш, эртага эрталаб вақтимиз етарли бўлмайди. Энди*

дам олсанг ҳам бўлади .

- фелнинг -て шакли+ごらん
- さて、明日の朝はそうゆっくりしてられない。もう休んで ごらん. . .

“Хўш, эртага эрталаб вақтимиз етарли бўлмайди. Энди дам олишга ҳаракат қил.

- фелнинг -て шакли+ (も) かまわない

- さて、明日の朝はそうゆっくりしてられない。もう休んで (も) かまわない. . . “Хўш, эртага эрталаб вақтимиз етарли бўлмайди.

Энди дам олсанг ҳам бўлаверади.

Шу каби пермиссив ва прохибитив нутқий актларини ҳосил қилувчи грамматик қурилмаларни кўплаб келтириш мумкин. Булар бир қарашда сўзловчининг суҳбатдошга маълум бир иш-ҳаракатни бажаришига бевосита ижозати ёки тағмаёнодаги тақиқи деб қаралса-да, ҳар бир қурилмани якка тарзда таҳлил қилганимизда, уларда намоён бўладиган суҳбатдошлараро муносабат асосида белгиланадиган ҳурмат ва камтарлик нисбатини кузатиш мумкин.

Такуро Морияма (森山卓郎) , Таро Адачи (安達太郎) каби тилшуносларнинг олиб борган илмий изланишлари натижаси шуни кўрсатадики, пермиссив нутқда сўзловчиларнинг аксарияти “*феълнинг- те шакли+ もらう 型*” ижозат сўраш қурилмаси ва ҳурмат категориясининг юқори даражасини ўзида мужассам этган “*феълнинг- те шакли+ もらってもいいですか*” қурилмасига кўпроқ мурожаат қилашар экан (野呂健一, 2015).

Дарҳақиқат, япон тилида бўладиган мулоқот жараёнида сўзловчининг беихтиёр “*феълнинг- те шакли+ もらう*”, “*феълнинг- те шакли+ もらってもいいですか*” каби пермиссив нутқий актини ҳосил қилувчи бирикмаларга мурожаат қилмасдан иложи йўқ. Шунингдек, “*феълнинг- те шакли+ ください*” қурилмаси суҳбатдошни бевосита иш-ҳаракатни амалга оширишга ундовчи нутқий актларини ҳосил қилса, “*феълнинг- те шакли+ もらってもいいですか*” тузилмаси сўзловчининг ўзи маълум бир иш-ҳаракатни бажартира олишга изн сўраш имкони бор ёки йўқлигини билдириб, “*феълнинг- те шакли+ ください*” каби суҳбатдошни иш фаолиятни амалга оширишга мажбур қилиши ва маъсулият юклаши каби хусусиятлардан холи бўлиб, ҳурмат нисбатининг ўта юқори даражада эканлиги сезилиб туради. Масалан:

「デジカメのシャッター押してもらってもいいですか？（旅行先で）」

(Саёҳат пайтида) Рақамли камерамни босиб юбора оласизми...

「もう少し上にあがってもらってもいいですか？（美容院で）」

(Музейда) Яна бироз юқорига ҳаракатлана оласизларми...

<https://allabout.co.jp/gm/gc/397837/>

Япон тилида пермиссив нутқий актни ҳосил қилувчи жумлаларда илтимос оҳанги мавжудлиги ва бундай ҳолатлар турли кўринишларда намоён бўлиши ҳақида Окамото (1988), Ямата (2004) каби тилшунослар ўз ишларида таъкидлаб ўтишган.

Жумладан, Окамото (1988) реквестив ва пермиссив нутқий актларни уйғунлаштирувчи қурилмаларни қуйидагича изоҳлайди:

1. феъл〜て
2. феъл〜てくれよ
3. феъл〜てくれる？
4. феъл〜てくれないかなあ？
5. феъл〜てもらえない？
6. феъл〜てほしいんだけど
7. феъл〜てください
8. феъл〜てくれませんか？
9. феъл〜てくださいますせんか？
10. феъл〜てくださいますか？
11. феъл〜ていただけないでしょうか？
12. феъл〜ていただきたいんですが

Окамото (1988) ушбу қурилмаларни нутқдаги иштирокига кўра қуйидагича таҳлил қилади:

1. Ҳурмат кўрсатишга нисбатан камтарлик бўёқдорлигининг баландлигини ифодаловчи бирикмалар:

- феъл〜て
феъл〜てくれよ
феъл〜てくれる？
феъл〜てくれないかなあ？
феъл〜てもらえない？
феъл〜てほしいんだけど

2. Ҳурмат коэффicientиниг юқорилигини кўрсатувчи бирикмалар:

- феъл〜てください
феъл〜てくれませんか？
феъл〜てくださいますせんか？

феъл~てくださいますか？

феъл~ていただけないでしょうか？

феъл~ていただきたいんですが

3. Императив оҳангда ифодаланувчи бирикмалар:

феъл~て

феъл~てくれよ

феъл~てください

4. Аффирматив сўроқ шаклдаги бирикмалар:

феъл~てくれる？

феъл~てくれませんか？

феъл~てくださいますか？

5. Негатив сўроқ шаклдаги бирикмалар:

феъл~てくれないかなあ？

феъл~てもらえない？

феъл~てもらえませんか？

феъл~ていただけないでしょうか？

6. Реквестив хоҳиш шаклидаги бирикмалар:

феъл~てほしいんだけど

феъл~ていただきたいんですが

(岡本, 1988)

Ушбу келтирилган бирикмалардаги “くれる、もらう、ください、くださる” каби ёрдамчи феълларнинг иштироки амалда қўлланилиш жараёнлари ҳам турлича бўлади. Ямада (2001) “くれる、もらう” ёрдамчи феълларни қуйидаги турларга тақсимлаган ҳолда изоҳлайди:

- Императив шакл реквестив оҳангда:

~てくれ、~ておくれ、~てください、~てくださいませ、
お~く

ださい、~てちょうだい、~て、お+императив шакл

- ~てくれる тузилмаси реквестив ижозат оҳангида:

~てくれる+сўроқ: ~てくれる？~てくれますか？~てくだ
さる？~

てくださいます？~てくれる+негатив+сўроқ: ~てくれな
い？~てく

れませんか？~てくださらない？~てくれる
+негатив+тахмин+сўроқ: ~

てくれないだろうか、～てくだらないでしょうか。

- ～てもらふ тузилмаси илтимос ва ижозат сўраш оҳангида:

～てもらふ + 可能 + сўроқ: ～てもらえる、～てもらえます、
～ていた

だけの、～ていただけます。～てもらふ + 可能 + негатив +
сўроқ: ～

てもらえない? ～てもらえません? ～ていただけない? ～て
もらふ

+ 可能 + негатив + тахмин + сўроқ: ～てもらえないだろうか? ～
ていただ

けないでしょうか?

- Илтимосни билдирувчи иборалар билан ижозат сўраш:

～てもらふ + 可能 + て (も) + сўроқ: ～てもらって (も) い
いです

か? ～ていただいてもよろしいですか? ～てもらふ + 可能 +
て (も)

+ тахмин + сўроқ: ～もらっていいのでしょうか? ～ていた
だいて

もよろしいでしょうか?

- Шарт майли асосидаги пермиссив илтимос оҳанг:

～てもらふ + 可能 + 条件 + 評価 + 逆説言い切り: ～もらえ
るとあり

がたい (いん) だけど、～てもらふ + 条件 + 評価 + 逆説言い
切り: ～

てくれるとありがた (いん) だけど

- Хоҳиш истак ва илтимос оҳангида:

～てもらふ + 願望 + 逆説言い切り: ～もらいたい、～てほ
しい、

～もらいたいんだけど

- 意志・依頼表現:

～てもらふ + 意志 + 疑問: ～てもらおうか、～もらいまし
ょうか、

～ていただきましょうか

Айтиш жоизки, кўринишидан кўпроқ урғу илтимосни
ифодаловчи бу турдаги грамматик конструкциялар мулоқот
вазиятига боғлиқ ҳолда, суҳбатдошни маълум бир ҳаракат

ижросига ундовчи восита сифатида ҳам намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Мулоқот жараёнида суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати, мавқеи ва ижтимоий келиб чиқишига мувофиқ юқорида таҳлил қилинган гуруҳлардан моси танлаб олинади ва нутқда ўз ифодасини топади.

Чунончи, оила аъзолари ёки қариндошлиги бўлмаган бегона суҳбатдошнинг мавқеи сўзловчига нисбатан пастроқ бўлган ҳолатларда, диалогик нутқ жараёнида пермиссив нутқий актларда “～てくれる型” бирикмаси энг кўп қўлланилади.

Аксинча, суҳбатдошларнинг ўзаро қариндошлиги бўлмаган ва тингловчи ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеи жиҳатидан юқори пағонада турадиган ҳолатларда, одатда, пермиссив нутқий акт “～ただく型、もらう型、くれる型” каби ҳурмат ва хушомад оҳанги бирмунча баланд мужассам бўлган қурилмалар воситасида воқеланади. Такамура (2013) пермиссив оҳангда ижро этилувчи нутқий актларда иштирок этадиган ёрдамчи феъллар

“もらう型” шакли “くれる型” шаклига нисбатан “否定型肯” эса “定型” шаклига нисбатан тингловчи зиммасига ижозат берувчи шахсда маъсулият ҳиссини кучлироқ ҳис этишга ундаши ва одатда нутқ ижрочисининг талаби бажарилишига бўлган эҳтимол кучайиши ва ушбу шакллар аёлларга нисбатан эркакларга хос бўлган диалогик нутқда кенг қўлланилишини таъкидлайди. Масалан: 「この住所、教えてもらえない？」

Ушбу манзилни ўргатиб юбора олмайсизми(илтимос).

Сўзма - сўз маъноси: Ушбу манзилни ўргатиб юборишингизни (сўрашимга) ижозат бера олмайсизми, илтимос.

Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бинобарин, ҳаёлан шундай жараёни тасаввур қилиб кўрайлик ва унда ижозат берувчи шахс ижозат бериши сўралаётган шахс ва нутқ маъноси, яъни учлик иштирокидаги ҳолатни таҳлил қилиб кўрамиз:

1. Ижозатни талаб қилувчи шахс: ходим
2. Ижозат берувчи шахс: раҳбар
3. Нутқ маъноси: ходим иш юзасидан қилинган ҳисоботини раҳбарга сўзлаб бериши учун изн сўраши.

「社長、レポートを出してもよろしいでしょうか？」

Бошлиқ, ҳисоботни топширсам майлими?

Бундай мулоқот жараёнида иштирок этувчи тингловчи ва сўзловчиларнинг ўзаро муносабати ва ижтимоий мавқеи жиҳатидан

сўзловчи (ходим) тингловчи (бошлиқ)га нисбатан қуйи поғонада туришини инобатга олган ҳолда, олдинги саҳифаларда қайд этилган пермиссив нутқ ҳосил қилувчи қурилмаларнинг мосини танлаши талаб қилинади.

Нутқ ижрочисининг кўзланган мақсадига эришиши учун бошлиқнинг ижозатига бўлган эҳтиёжнинг қай даражада кучли эканлиги муҳим ҳисобланади. Бундай ҳолатларда билвосита пермиссив нутқий акт ҳосил қилувчи қурилмаларнинг негатив формада намоён бўлиши мулоқот самарадорлигини янада кучайтиради. Масалан, иккита ҳамкор компания ходимлари суҳбати қуйидагича воқеланиши мумкин:

「先輩、次のミーティングで使いたいので、この資料を来週まで貸していただけませんか。」

https://tapbiz.jp/business/honorific/1042265?page=2#num_4121313

А) “Сенпай, кейинги йиғилишда ишлатмоқчи эдим, ушбу ҳужжатни кейинги ҳафтагача қарзга бериб тура олмайсизми?”

Б) “Сенпай, кейинги йиғилишда ишлатмоқчи эдим, шу сабабли ушбу ҳужжатни кейинги ҳафтагача қарзга олишимга ижозат бера олмайсизми?”

Нутқ формуласи: $\sim \tau + \text{негатив} + \text{сўроқ}$.

Ҳозирги даврда япон тилида пермиссив оҳанг мужассам этган турфа хил шакл ва формулалар мавжуд бўлиб, улар мулоқот муҳити ва суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати асосида диалогик нутқ жараёнида ўз ифодасини топади. Улардан бевосита пермиссив нутқий акт ҳосил қилишда кенг қўлланилса-да, имплицит тарзда намоён бўлган пермиссив нутқий актларда бу қурилмалар ўз қиёфасини мутлақо йўқотса ҳам унинг тағмаёноси тўлалигича сақланиб қолади. Масалан:

窓を開けてもらおう。Деразани очгизаман ёки очгизишимга изн сўрайман.

窓が閉まっている。Дераза ёпиқ. Тағмаёно: деразани оч.

窓を開けてもらえる？ Деразани оча оласизми ёки очишингизни сўрашимга изн бера оласизми?

窓に手が届く？ Деразага қўлингиз етадимиз?. Тағмаёно: қўлингиз етса, деразани очинг.

Келтирилган мисоллардаги “деразага қўлингиз етадимиз?” жумласида тингловчи қўлини деразагача етказиш имконига эгами ёки йўқлиги эмас, балки ундан деразани ёпиб юборишини илтимос

қилиш учун ижозат бериши назарда тутилган бўлиб, прагматик транспозиция ҳолати рўй беришини кузатиш мумкин.

Прагматик мақсад ва мазмуннинг эксплицит, яъни очик ифода этилишида диққат ахборот алмашинуvidан ушбу маълумотларни узатиш мақсадига кўчади ва коммуникация мақсади узатилаётган маълумотнинг предметига айланади. Нутқий ҳаракат мақсадининг бевосита ёки очик баёни турли усуллар орқали лисоний бирликлар воситасида бажарилади ва булардан энг асосийси прагматикада перформатив шакл деб номланади.

Перформативларнинг грамматик тузилиши ҳам ўзига хосдир. Бу гапларда феъллар, одатда, биринчи шахс ҳозирги замон шаклида бўлади ва воқеалар ҳақида хабар берилади.

Япон тилида имплицит нутқий актларни ифода мақсадига ва нутқ жараёнидаги ҳолат, суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати асосида гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, 助言(маслаҳат),許可(ижозат, рухсат),脅し(кўрқитиш, таҳдидга солиш),願望(хоҳиш-истак),相手なしの命令(суҳбатдош иштирокисиз буйруқ) кабилардир. Масалан:

お大事に! *Саломат бўлинг!*

良い旅を! *Яхши саёҳат қилинг!*

行っていっしょ! *Яхши бориб келинг!*

お元気で! *Омон бўлинг!*

Мазкур мисолларда императив гап шакли иштирок этган бўлса-да, саломат бўлиш, яхши саёҳат қилиш ёки манзилига қандай ҳолатда бориб келиш ҳамда омон бўлиш тингловчининг куч-қудратига ёки унинг хоҳишига боғлиқ эмас.

Демак, ушбу ҳолатларда нутқ ижросиси суҳбатдошига иш-ҳаракатининг ижросини амалда тақдим этиш эмас, балки тилак билдириш оҳангида воқеланган нутқий акт дейиш мумкин. Шу ўринда 願望 (хоҳиш-истак) оҳанги қандай намоён бўлаётганлигини изоҳлайдиган бўлсак, “お大事に!” “соғайишингизни тилайман”, “умид қиламан” каби нутқий акт тарзида эмас, балки императив оҳанг орқали ифодаланиши суҳбатдошга нисбатан талаб, яъни маълум бир ҳаракатни бажаришга ундаш ёки ундан четланиш, илтимос ёки беморга далда берувчи рухий малҳам дейиш мумкин.

Шунингдек, ушбу мисолда гап таркиби императив шаклда бўлса-да, ундан англашиладиган маъно прохибитив оҳангдир, яъни “касал бўлманг” мазмунига эга.

Нутқий актнинг бу турдаги вазифаларини аниқлаш учун, нутқий ҳаракат мақсадини аниқлашга йўналтирилган интенционал таҳлилга мурожаат қилмоқ керак. Интенционал таҳлилда коммуникатив жараёнда воқеланадиган нутқий фаолиятнинг сўзловчи мақсади ва истаги билан боғлиқ томонлари ўрганилади. Шу билан бир қаторда, прагматика нутқий таъсир натижасининг ҳосил бўлиш эҳтимолини белгиловчи социопрагматик омилларни аниқлаш имконини беради. Ушбу омилларнинг алоҳида гуруҳлари ва уларнинг прохибитив ва пермиссив нутқий актларининг мулоқот контекстида фаоллашув шартлари ҳақида ишимизнинг навбатдаги қисмларида батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

VIII БОБ.

ТАҒИҚ МАЗМУНИНИНГ ДИАЛОГИК НУТҚДА ФАОЛЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Профессор Ш.Сафаров “Лингвистика дискурса” номли монографиясида ҳурмат тамойилининг мулоқот контекстида фаоллашуви фақат турғунлашган формулалар ва алоҳида грамматик шаклларнинг қўлланиши билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки ушбу тамойилга амал қилиш ижтимоий хатти-ҳаракат, ахлоқ меъёрлари ҳақидаги билимни ҳам талаб қилишини таъкидлайди (Сафаров 2018:191-192). Демак, ҳурмат категориясини кенг қўламли ҳодиса сифатида талқин қилиш ва унинг таркибига коммуникантларнинг ижтимоий мақоми, гендер хусусиятлари, маълумоти ҳамда маълум мулоқот вазиятида бажарадиган ролини киритиш лозим бўлади.

Ҳар қандай нутқий акт фаоллашуви учун маълум турдаги коммуникатив вазият мавжуд бўлиши керак. Юқорида санаб ўтилган кўрсаткич ва омиллар коммуникатив вазиятнинг асосий бўлакларини ташкил қилади. Бинобарин, тақиқ ва рухсат актлари содир бўлиши кутиладиган вазиятлар қуйидагилардан иборат (Карасик 1992):

- 1) коммуникантлар ижтимоий мақоми;
- 2) нутқий ҳаракат асоси;
- 3) ифода шакли;
- 4) ёрдамчи нутқий актлар мавжудлиги, асослаш имконияти;
- 5) тақиқ ёки рухсатнинг эҳтимолдаги ҳаракатга муносабати;
- 6) нутқий акт натижаси;
- 7) умумий вазият.

Тақиқ вазиятини белгиловчи дастлабки кўрсаткич коммуникантларнинг ижтимоий мақоми замирида юзага келадиган муносабатдир. Тақиқ нутқий акти қатнашчиларининг ижтимоий мақоми бир хил эмаслиги табиий ҳол. Бундай нотекисликда биринчи қатнашчи-сўзловчи шахс устунликка эга бўлади. Жумладан, тақиқлаш ҳуқуқи юқори ташкилот вакили, бошлиқ кабиларга тегишли (Карасик 2002: 78). Қиёсланг:

「伯爵は冷ややかに笑って、『けがをして泣き言を言うなよ』
瞳は剣を手に構えた。」 (赤川次郎 「赤いこ
うもり傘」 :74 6) .

*Граф совуққонлик билан кулди ва деди “ Жароҳат олиб дийдиё
қилиб юрма”. Хитоми эса қўлида қилич билан турарди.*

Кўринадик, тақик ижтимоий мақом билан белгиланадиган
ходисадир. Биз турли вазиятларда коммуникантларнинг етакчилик
ҳолатлари ўзгариб туришини кузатдик. Зеро, ижтимоий мақом
турли тамойилларга асосланади. У, биринчи навбатда, расмий
хусусиятга эга бўлиши мумкин. Ушбу хусусиятлар кўпроқ фаолият
соҳаси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан, бошлиқ-ходим,
ҳоким (губернатор)-фуқаро, зобит-оддий аскар ва ҳоказо.
Шунингдек, бирор кишининг ижтимоий мақоми вақтинчалик
бўлиши мумкин: меҳмонхона менежери, меҳмонлар, сотувчи-мижоз,
ҳайдовчи-пассажир кабилар.

Ш.Сафаров қайд этганидек, мулоқот иштирокчиларининг
мақоми ва бажарадиган вазифаларини аниқлаш коммуникатив
ролни белгилашда муҳимдир. “Алоҳида шахслар ижтимоий мақоми
ва роли кўламидаги фарқлар дискурсив бирликлар таркибида
мавжуд бўлган социал-дейктик ахборот тузилишида акс топади”
(Сафаров Ш. 2018. - 193). Жумладан, биз тўплаган мисоллар
таҳлили тақик ҳуқуқи, асосан, ижтимоий мақоми расман
белгиланган шахсларга тегишли эканлигидан дарак беради. Бундай
мисолларнинг сони умумий миқдорнинг 30% ни ташкил қилди.
Шунинг билан биргаликда, айрим дискурсларда тақик нутқий
актини бажарувчи шахснинг ижтимоий мақоми пастроқ бўлиши
(ходим-бошлиқ, меҳмон-меҳмонхона менежери, мижоз-сотувчи,
аскар-зобит каби) мумкинлиги ҳам кузатилди. Қиёсланг:

Джеймс : «動くな。慌ててはいけない。目を慣らすんだ。」

瞳 : «どうしたんでしょうか。」

Джеймс : «電気が消えたようだ。」

(赤川次郎 「赤いこうもり傘」 : 98 6) .

Жеймс: “Қимирламанг, ваҳима қилманг. Кўзларингиз кўниксин”.

Хитоми: “Нима бўлди ўзи?”.

Жеймс: “Чироқ ўчди шекилли” (Касалхонадаги суҳбат).

Маълумки, ижтимоий муносабатлар оила аъзолари дискурсив
фаолиятида ҳам ўз аксини топади. Оила аъзолари ўртасидаги
ижтимоий табақаланиш одатда қуйидаги иерархик тузилишга эга:
опа-сингил, опа-ука, эр-хотин ва ҳоказо. Кузатувларимиз бу ерда

ҳам тақик нутқий акти икки томонлама йўналишга эга бўлишидан гувоҳлик беради. Масалан:

Ота-она - фарзанд муносабатида;

よくお母さんが言っていた「人さまに笑われないように。人さまに、めいわくをかけないように」と。

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 82 6)

Онам доим: “Одамларга кулги бўлма. Одамларни безовта қиладиган ишларни қилма” деб айтардилар.

Ўғил - ота она муносабатида;

「父上、母上様、自分もいよいよ特攻軍として、外地に参ることになりました。つきましては、来る八月二十日午後二時までに、阪急線西宮北口駅前にある広崎宅までおいで下さい。このお宅は宝塚空港隊に転任以来、新しくしていただいているので心配いりません。最後のお別れになるかもしれません。なにとぞお運びください。」

(高木敏子 「ガラスのうさぎ」 : 21 6)

Отажон, онажон. Мен ҳам ниҳоят чет элга махсус ҳужум армияси сифатида жўнайдиган бўлдим. Шу сабабли, Ханкю йўналишидаги Нишиномия-Китагучи бекати олдида жойлашган, Хироzaки хонадонига 20 -август кuni соат 14:00 га қадар етиб келинг. Хавотир олманг, бу уй Такаразука аэрапорти таркибига кирганидан кейин янгиланган. Бу сўнгги видолашув бўлиши мумкин. Илтимос, албатта келинг.

Тадқиқот жараёнида таҳлил қилинган кўплаб мисоллар таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, таниш, дўст, ҳамкасблар каби ижтимоий мавқеи тенг келадиган шахслар мулоқоти жараёнида тақик нутқий актларининг фаоллашуви энг кўп миқдорни (40 %) ташкил қилиши кузатилди. Масалан:

「成瀬 はさっと躲して私の右手首を強い力で握った。「やめてよ」 歯をくいしばりながら叫ぶと、成瀬は無言で手を離し、軽く私を突き飛ばした。」

(桐野夏生 「顔に降りかかる雨」 :77 6).

Нарусе тезда ўнг билагимдан маҳкам ушлаб олди. “Бас қил” дея бақирдим тишларимни гижирлатиб. У индамай қўйиб юборди ва мени енгилгина иргитиб юборди.

Сухбатдошларнинг тенгкур, дўстлик муносабатлари жуда яқин бўлганида улар ўртасида ҳеч қандай ижтимоий мавқеи фарқи йўқ ва бунда биргина диалог парчасида тақик икки-уч маротаба такорланиши мумкин.

夫:大げさなことを言うな。

妻:だって、いただいたことがありますませんもの。

夫:しらっばくれるなよ。お正月にお前も食べたじゃないか。

妻:まあいやですこと。そんな夢のようなことをおっしゃって...。(川端康成「掌の小説」: 460 6)

Эр: Гапни бўрттирма.

Хотин: Ахир мен бундай нарса олмаганман-да.

Эр: Ўзингни гўлликка солма. Янги йилда сен ҳам танаввул қилгансан.

Хотин: Бўлди, бас. Бунақанги тушга ўхшаган гапларни айтманг...

Ушбу диалогда тақик икки маротаба такрорланмоқда ва улардан иккинчисидан “гўлликка солма” кучайтирувчи унсури мавжудлиги тақикни қаттиқлаштиради.

Мулоқот кечишини таъминловчи омиллар қаторига ёш ва гендер хусусиятлари ҳам киради. Юқорида айтилганидек, тақик нутқий актини ёши катта ва кичик шахслар ижро этиши мумкин, аммо ёши катталарнинг бунга ҳуқуқи кўпроқ эканлиги сезилиб туради. Жумладан, тадқиқотда тўплаган материаллар ёши катталарнинг улуши 28% ни ташкил этишини кўрсатади. Суҳбатдошларнинг ижтимоий мақоми расман белгиланган бўлганида эса ёш кўрсаткичининг таъсири унчалик сезилмайди. Масалан, шаҳар ҳокими корхона бошлиғи, шунингдек, устоз - шогирд каби ўзидан катта ёшдаги ходимга бирон бир ҳаракатни бажаришни бевосита ёки билвосита тақиклаши кўп маротаба кузатилган ҳолатдир. Қиёсланг:

- 先生「岡本君、私はこれからエゲレス語（英語のこと）に宗旨替えして、勉強することにしたよ。
- 岡本「わかりました。塾のほうは私が精いっぱいお手伝いしますから、先生は思い通りエゲレスにはげんでください。

(福沢諭吉「天は人の上に人をつくらず」: 66 6).

Устоз: Окамото, мен бундан буён инглиз тилини ихлос қилиб ўрганмоқчиман.

Окамото: Тушунарли. Устоз, мен қўшимча дарсларингизни ўтишга ёрдам бераман, сиз режалаштирганингиздек инглиз тилини ўзлаштиравинг.

Ушбу жумладан шогирднинг устозига йўналтирилган нутқида бевосита тақикқа урғу берилган. Яъни “... қўшимча дарсларингизни

ўтишга ёрдам бераман, сиз эса режалаштирганингиздек инглиз тилини ўзлаштираверинг” деган жумласини “қўшимча дарслардан хавотир олманг” каби бевосита прохибитив нутқий акти сифатида идрок этиш ҳам мумкин.

Биз таҳлил қилаётган материаллар тақиқнинг нутқий воқеланишида эркак ва аёллар ўртасида унчалик катта фарқ йўқлигини кўрсатди. Адресати эркак киши бўлган тақиқ нутқий актларининг умумий миқдори 52,6% ташкил қилса, аёллар томонидан бажарилган прохибитивларнинг сони 47,4% дан иборатдир. Уларнинг шахслараро муносабат кўламидаги тақсимооти қуйидагича: аёл-аёлга 19,5%, аёл-эркакка 24,2%, эркак-эркакка 20,5%, эркак-аёлга 21%. Ушбу ҳолатни қуйидаги жадвалда тасвирлашга ҳаракат қиламиз:

Прохибитив нутқий актларининг гендер кўрсаткичлари.

3.2.1-Жадвал

Шахслараро муносабат	%
аёл - аёл	19,5
аёл – эркак	24,2
эркак - эркак	20,5
эркак - аёл	21

Жадвалдаги ижро этилган тақиқ нутқий актларининг миқдори аёл-эркак муносабати доирасида нисбатан кўпроқ учрашидан (24,2%) дарак берса-да, лекин бу кўрсаткич ушбу нутқий актининг аёллар мулоқотида етакчилик қилиши ҳақида хулоса чиқариш имконига эга эмасмиз.

Демак, тадқиқотчиларнинг ҳар қандай нутқий актнинг фаоллашуви дискурс талабларига асосланиши ҳақидаги фикри ҳақиқатдир. Айниқса, директивлар сифатида кирувчи нутқий актларнинг асосий қисми сўзловчининг хоҳиш-истагини намоиш қилади. Хоҳиш истакнинг изҳори даражасига қараб, тақиқ нутқий актларининг қабъийлигини меъёрий аниқлаш мумкин. Бунини, айниқса, тақиқнинг таҳдид оҳангига эга бўлишида яққол кўрамыз. Масалан: 「もうその話は止めよう」と彼が云いました。

Келинг, бу суҳбатни бас қилайлик. (夏目漱石 「ころ」 : 284 б).

「遺書には「決して同じ中平の墓に入れないでください」って書いておくつもり。」 (白石一文「一瞬の光」: 288 6).

Васиятномамга “Мени Накаҳира қабристонига асло қўйманглар”, деб ёзиб қолдирмоқчиман.

Мазкур гуруҳдаги мисолларда сўзловчи ўз хоҳишини ҳеч қандай қоида-қонунларга таянмасдан таҳдид ила баён қилаётганини кўрамиз:

Айни пайтда, тақиқ адресат фойдасини кўзлаб маълум қилинаётган вазиятлар ҳам мавжуд. Аммо ушбу турдаги прохибитив нутқий актларининг бизнинг картотекамизда жуда кам миқдорни (2,1%) ташкил қилади, ҳолос. Ушбу турдаги нутқий актларда тақиқ маслаҳат мазмунига яқинлашади ва огоҳлантириш билан бирикади. Бундай жумлаларни асосан суҳбатдош фойдаси учун қўлланиладиган паремияларда тез-тез учратиш мумкин. Қиёсланг: 虻も取らず蜂も取らず。 (ミニことわざ辞典, 1993:87)

Пашиани ҳам, арини ҳам қувлама.

Изоҳ: Икки ҳашоратни барабар қувлама, иккисини ҳам тута олмайсан.

Ушбу вазиятда тақиқ маълум даражада сарҳадга қараб силжийди. Чунки у мазмун жиҳатидан ва иллокутив йўналиши билан тингловчи мафаати учун маслаҳатга яқинлашади ва бунга “取らず (қувлама)” жумласи ҳам ишора қилмоқда. Тақиқ нутқий ҳаракатининг огоҳлантириш руҳига эга бўлиши сўзловчи тингловчини нотўғри ва бефойда ҳаракатдан сақлаб қолиш истагида эканлигида намоён бўлади.

Бундан ташқари, тақиқ ўзини ҳимоя қилиш ёки атрофни тартибга келтириш мақсадида ҳам воқеланиши мумкин. Масалан:

-おい！しゃべるな！」 厳しい声が飛んできた。

-余計なことをしゃべるなど言われているだろう。

-分かった。 (赤川次郎「赤いこうもり傘」: 151 6)

-Жиддий оҳангда “Ҳой, гапирма!” деган овоз эшитилди.

-Кераксиз гапларни айтма деянди сенга!

-Тушунарли.

Қўйидаги мисолларда яқин муносабатдаги шахсларнинг бири-бирига бирон ҳаракатни бажаришни тақиқламоқда:

「私が脱いだ服を片付けていると、着換えを終えた瑠衣が慌てて駆け寄ってくる。「いいよ、これくらい自分でやるよ」。「駄

目」 そう言って横取りした服をハンガーにかけている。」

(白石一文 「一瞬の光」 :122 б).

Ечилган кийимларимни йигар эканман, аллақачон либосларини алиштириб бўлган Руи шошилиб олдимга келди. “Тўхта , бу ишларни ўзим бажараман”, дедим унга. У эса “ Йўқ, мукин эмас” дея кийимларни илгакка илар эди.

Шунингдек, олдинги реплика сўзловчини ҳайратга солиши ёки ғазабини кўзғатганда воқеланадиган тақик ҳам ўзини ҳимоя қилиш амалидир. Масалан: 「お前も口を開くはないか」 リダーらしい若者が瞳の前へ来て言った。 瞳はまっすぐその目をにらみ返した。」

(赤川次郎 「赤いこうもり傘」 :151 б).

“Сен ҳам оғзингни очма, тушунарлими?”, деди бошқарувчидек кўринган ёш йигит Ҳитоменинг олдига келиб. Ҳитоме эса унинг кўзига нафратли қараи билан жавоб қилди.

Бу ҳолатда сўзловчининг буйруғи адресатни ғазаблантирмоқда, чунки у биринчи бор учратаётган шахс бўлгани учун бундай кўпол оҳангдаги буйрукни бериш ҳуқуқига эга эмас. Шу боис, тақикқа нисбатан адресатнинг нафратли нигоҳи орқали тақикли жавоб қайтарилмоқда. Мулоқотнинг кечиши, унинг иштирокчиларининг ўзаро муносабати тақик нутқий акти содир бўлишининг усуллари нazorat қилади. Олдинги бобда қайд этилганидек, тақик акти бевосита ва билвосита содир бўлиши мумкин. Айтиш жоизки, прохибитив нутқий актини бевосита воқелантирувчи воситалардан бири бўлган перформатив феълнинг диалогик нутқда нисбатан кам учраши кузатилади. Чунки нутқий вазиятнинг бевоситалиги ортикча унсурларнинг тушириб қолдирилишини тақозо этади ва лисоний тежамкорлик тамойилига амал қилади. Тақикнинг бу тарзда ифода топишига таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири оғзаки нутқнинг фавқулodда кечиши, эллиптик кўринишга эга бўлиши билан боғлиқ. Масалан, куйидаги мисолларни қиёслаймиз:

「もう二度と行くな、禁止されている。」

Енди қайтиб борма, тақикланган.

(星新一 「愛用の時計」 :124б).

「電車に送るといけないので彼は早く発った。」 (プログレッシブ和英辞典第3、2002) . *Поездга кеч қолса бўламайди, шунинг учун у эрта жўнади.*

Биринчи мисолда адресатнинг ҳаракати хавф остида бўлгани боис, уни ушбу хавфдан қутқариш учун тузилманинг ундаш

мазмунини алоҳида таъкидлашга эҳтиёж туғилган ва бунга “禁止されている” перформатив бирикмаси орқали эришилмоқда. Иккинчи мисолда эса бундай хавф бўлмаганлиги сабабли тақиқ тўғридан-тўғри ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ва таъкидсиз ифода этилмоқда. Яна бир мисолни қиёслаймиз:

お母さん娘へ：「あんまり勝手なことを言うな。」

(芥川龍之介集-東京：筑摩：215 6).

Она қизига: “Ҳаёлингга келган гапларни айтаверма”.

Ушбу ҳолатда перформатив шаклнинг қўлланиши коммуникантлардан бирининг мавқеи анча баланд эканлиги ва у суҳбатдошига қайтий равишда йўл-йўриқ кўрсатиш ҳуқуқига эгалиги билан изоҳланди. Тақиқ нутқий актининг бевосита ифодаланишида феълнинг мажҳул даражасидан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан:

「犬の放し飼いは法律により禁止されています。」

(プログレッシブ和英辞典第3版電子バージョン: 2002).

Итларни бўш қўйилган ҳолатда боқиш қонунда тақиқланган.

Бу ерда мажҳул даражани ишлатилиши тақиқнинг жамиятдаги маълум қоидага асосланиши билан боғлиқ. Таъкиднинг кучсизланиши эса, тақиқнинг изоҳланишига асосланади. Ҳарҳолда, тақиқ нутқий актининг бевосита ва таъкидли ифодаланиши энг кўп инкор предикати қўлланишида юзага келади:

「人のせいにしないでよ。」 (赤川次郎「ふたり」: 192 6).

Айбни бировга ағдарма.

Бу ҳолатда “ないで (бажармаслик)” инкор предикативнинг лексик синоними сифатида “駄目 (мумкин эмас ёки яхши эмас)” бирлиги қатнашади. Ушбу birlik суҳбатдошнинг маълум бир ҳаракати бефойдалигига урғу бериш репликасида кўп учрайди:

「運命に逆らっても駄目だ。」

(プログレッシブ和英辞典第3版電子バージョン: 2002).

“Тақдирга қарши чиқиш яхши эмас” ёки “Тақдирга қарши чиқма”.

Келтирилган мисолларда 「駄目」 (мумкин эмас ёки яхши эмас) тўлиғича 「ないで」 (бажармаслик) предикативининг муқобили сифатида тақиқ прагматик мақоми жиҳатидан констатив нутқий актига яқинлашаётган гаплар таркибида ҳам пайдо бўла олади. Қиёсланг:

- ちょっと見せてくれ、

- 駄目だ。 (プログレッシブ和英辞典第3版電子バージョン: 2002 6)

- *Кўрсатиб юборинг*

- *Йўқ, мумкин эмас.*

Ниҳоят, таққ нутқи акти ифодасининг грамматик шакллар ҳақида гапираётиб, энг кенг тарқалган восита буйруқ майлининг шакли эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ушбу кўринишда шаклланган прохибитивларнинг сони 40 %дан ортади. Масалан:

「まだ見るなよ。」 *Ҳали қарамай тур.* (Лаврентьев, 2001:160).

「ふたりが必ずしも死んだとは思わないでください。」

(遠藤周作集 「新潮日本文学」 : 29 6.).

Иккаласи ҳам аниқ ҳалок бўлди, деб ўйламанг.

Прохибитив нутқий актининг япон тилида билвосита ифодаланиши қатор социопрагматик омиллар билан боғлиқ. Шу сабаб бўлса керак-ки, унинг турли вариантлари мавжуд. Таққ мазмуни, энг аввало, дарак гап шаклидаги тузилма воситасида воқеланади (6,5%) ва ушбу тузилмада предикатив бўлак тасдиқ майли кўринишига эга. Масалан: 「所長が入ってくるとき、起きるのは止そう」。 (В.М. Алпатов, 1992: 85 6)

Бошлиқ кириб келганида ўйғонишни бас қилайлик.

Ушбу ҳолатда сўзловчи мурожаатида “止そう (бас қилайлик)” бирикмаси ўрнида турли модал сўзлар ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан: “やめよう (бас қилийлик)、やらなくていい (қилмасак ҳам бўлади)、やらないでちょうだい (тўхтатинг ёки бас қилинг)” кабилар бўлиши мумкин ва уларнинг иштироки гапнинг асл мазмунини ўзгаришига таъсир ўтказмайди.

Прохибитив нутқий акти баъзан равиш, юклама каби луғавий бирликлар иштирокида ҳам воқеланиши мумкин. Бундай ҳолатларда гап таркибида кўпинча “いっしょに(биргаликда)、皆で (ҳаммамиз)、さあ (хўш)、もう (бас етар)” каби бирликлар қўлланилади. Масалан:

「もうやめようぞ。別れよう。どこかで出会っても知らん顔をしよう。」 (阿刀田高 「待っている男」 : 20 6)

Бўлди, ҳаммасини бас қиламиз. Ажраламиз. Бирор жойда учрашсак ҳам, бир биримизни танимагандек тутамиз.

Прохибитив нутқий акти одатда бир қатор ёрдамчи ҳаракатлар билан ҳамроҳликда воқеланади. Бундай ҳаракатлар, масалан,

тақиқни кучайтириш ёки юмшатиш вазифасини бажаради. Ушбу вазифада айниқса, мурожаат воситалари фаолдир. Мурожаат мулоқот контекстида “нутқий тузилманинг иллокутив имкониятини оширади” (Еремеев 2001: 92). Мурожаат бирлигининг унга эҳтиёж бўлмаган вазиятда қўлланиши бир томондан, сўзловчининг у, худди ҳурмат формулалари каби, нутқнинг таъсир кучини оширади деган фикри билан изоҳланади. Бу, айниқса, кишиларнинг исми-шарифи ёки шахсига урғу берилиб тилга олинганда очик намоён бўлади. Масалан: 「お前は出世を望むな。」

Ҳой, сен муваффақият ҳақида умид қилма.

Аммо мурожаатлар турли хусусиятларга эга бўлиб, уларни турли мезонлар асосида тавсифлаш мумкин. Мурожаат шакллари “инсонларнинг доимий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда турғун, вақтинчалик, ўзгарувчан, вазият билан боғлиқ бўлади. Стилистик кўрсаткичларига нисбатан улар бадий, бадий-оғзаки, норасмий, касбий, жаргонга тегишли гуруҳларга тақсимланади” (Брагина 2000: 45-48).

Мурожаатлар турларининг қўлланиш даражаси бир хил эмас. Биз тўплаган мисоллардан жами 22 %ида мурожаат мавжуд бўлса, шундан 33 %и мурожаат исм-шариф кўринишига эга. Кўпчилик ҳолатларда мурожаат камситиш мазмунига эга. Мурожаатларнинг бошқа турларга олмош кўринишида эга ёки адресатнинг касби, оиладаги мақоми, ёши, жинси кабилар билан боғлиқ. Масалан:

「子供はこっちへ来るな。」 *Болалар, бу ерга келманг.*

(須賀章夫 「命令禁止表現における主語のゼロ化と顕在化。」 : 58 б)

「お前は黙っておいで。」 (宮沢賢治 「銀河鉄道の夜」 : 52 б)

Сен, гапирмай тургин.

「とにかく、君は誤解しないでくれたまえ。」

Нима бўлганда ҳам сен нотўғри тушунмагин. (Головина 1986:144).

Хуллас, мурожаатнинг ёрдамчи ҳаракат сифатида қўлланиши прохибитив нутқий актлар учун мажбурий талаб эмас. Камситиш, ҳақоратомуз мазмунида фаоллашадиган мурожаат шакллари тақиқни кучайтиришга хизмат қилса, уларнинг ҳурмат категориясига тобе ҳолда қўлланиш вазиятлари ҳам кам эмас.

Маълумки, директив нутқий актлари диалогик нутқ муҳитида бошқа ёрдамчи ҳаракатлар билан ҳам бирикади ва шундайлардан

бири тақикни асословчи ёки далилловчи ҳаракатдир. Ушбу турдаги нутқий ҳаракат тақикни юмшатиши ёки аксинча қайтиштириш вазифасини бажаради. Украиналик олим В.И.Карабан директивларни далилловчи ёрдамчи ҳаракатининг мураккаб нутқий актлар таркибидаги вазифасини аниқлашга ҳаракат қилган эди (Карабан 1993). Далиллаш ҳаракатининг дастлабки вазифаси перлокутив таъсирга эришишни таъминлашдир ва бунда асосий нутқий ҳаракатнинг перлокутив имкониятини кучайтириши ёки камайитириши мумкин.

Тақикни асослаш учун маълум вазият юзага келиши зарур. Бинобарин, адресат сўзловчи истаётган ҳаракатни бажариш имкониятига эга бўлганида билдирилаётган мулоҳаза ўринли эшитилади. Бунда В.И.Карабан қайд этганидек, 1) адресатнинг аҳволи буюрилаётган ҳаракатни бажаришга имкон яратади; 2) мулоқот вазияти (замон, макон, коммуникантлар муносабати) сўзловчига ўз истаги амалга ошишига умид туғдиради (Карабин 1993: 141).

Бундан ташқари, В.И. Карабаннинг қайдича, тақикнинг асосланишига адресатнинг ижтимоий мавқеи, унинг индивидуал хусусиятлари ҳам маълум даражада сабаб туғдиради.

Жумладан, биз таҳлил қилган мисолларининг қарийб 20%ида тақикни асословчи ёрдамчи нутқий ҳаракатлар мавжудлигини аниқладик. Улардан баъзилари тингловчининг юклатилаётган мажбуриятга қаршилиги туфайли юзага келади. Бу, ўз навбатида, сўзловчининг ижтимоий мавқеи унга тақик ҳуқуқини бермаслиги билан боғлиқ.

Иллокутив таъсирнинг кучайтирувчи воситалари қаторидан турли кўринишдаги интенсификаторлар ўрин олади. Кучайтириш вазифасини бажарадиган лексик ва синтактик бирликлар махсус сўзлардан ташқари, турли кўринишга ҳам эга ва тузилма таркибидаги у ёки бу бўлакни алоҳида таъкидлаш ҳизматини ўтайди. Жумладан, ушбу вазифани кўпинча нутқ феъллари бажариши кузатилади:

「今日は誰にもドアを開かないようにしましょう。」

Бугун ҳеч кимга эшикни очмайлик.

「この手紙を書き終えないでおこう。」

Бу хатни ёзиб тугатмасдан қолдирайлик (Алпатов 1992: 85).

Мазкур турдаги интенсификаторлар таққ ҳаракатини фаоллаштиради ва улар сўзловчининг ўзи ёки тингловчига йўналтирилган бўлади.

Таққ нутқий актининг диалогик мулоқот жараёнида тингловчининг жавоби муҳим омилга айланади. Жавоб реакциясининг қандай кўринишда бўлиши мулоқот самарасини белгилайди. Масалан, тақққа итоат қилиш ва бўйсинмаслик ҳолатларининг нисбати деярли бир хил.

「気を悪くしないでほしい。」 (遠藤周作集 「新潮日本文学」 : 308 б)

Кайфиятингизни туширманг.

「騒がないでくださいませんか。」 (森山 2001 : 111)

Илтимос, шовқин солманг.

Жавоб ҳаракатининг бундай вариантлашуви аксарият ҳолларда мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқеига боғлиқ эканлиги намоён бўлади.

Мулоқот самарали кечишининг етакчи социопрагматик омилларидан бири коммуникация вазияти эканлиги тадқиқотларда ўз исботини топган (Янко, 2001; Дейк, 1989). Чунончи, таққ нутқий акти кўпроқ мулоқот вазияти кескинлашганида содир бўлиши кузатилади. Қуйидаги мисолни таҳлил қилиб кўрамиз:

「バカなことは言わないで。」 *Аҳмоқона гапларингни гапирма.*

「人のせいになしないで。」 *Айбингни бировга юклама.*

(赤川次郎 「ふたり」 289 б)

Ушбу диалог кечаётган вазият ўзига хосдир: хотин эрининг ишхонасига келиб, унинг бошқа хотин билан ўтирганини кўради ва ўша хотинни дўқлаб бошлайди. Хотин ҳам ўзини ҳимоя қилади. Натижада таъкидли таққ мазмуни (аҳмоқона гапларни гапирма) ҳақоратли сўзлар (айбингни бировга юклама) қўлланиши орқали янада кучаяди.

Хуллас инқирозли вазиятлар суҳбатдошлар ўртасида жанжал келиб чиққани ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар таққ нутқий актининг тузилиши ва таркибига таъсир кўрсатади. Бундай вазиятларда прохобитив тузилмаси қисқа кўринишга эга бўлиб, таққ лўнда ва таъкидли оҳангда маълум қилинади.

IX БОБ.

РУХСАТ МАЗМУНИНИНГ ДИАЛОГИК НУТҚДА ВОҚЕЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Прескриптивлар гуруҳига кирувчи нутқий актларнинг воқеланишни таъминловчи социопрагматик омиллар турли кўринишларга эга эканлиги ишнинг олдинги қисмларида айтилган эди. Жумладан, пермиссив нутқий актлари фаоллашадиган вазиятларда коммуникантларнинг ижтимоий мақоми билан боғлиқ муносабатлар етакчилик қилади. Ушбу муносабатлар турлича кўринишда намоён бўлади ва бу борада япон тилида таҳлил қилинган мисолларнинг умумий сони 2020 тани ташкил этади. Тақим ва рухсат ҳаракатлари энг кўп миқдорда оила аъзолари муносабатларида воқеланиши кузатилади. Оилавий муносабатлар маълум жуфтликлар мулоқотида кўриниш беради: эр-хотин, ота-қиз, она-қиз, хотин-эр, опа-ука, ака-ука, қиз-ота, ўғил-опа, сингил-ака кабилар.

Бундай жуфтликлар мулоқотида рухсат актлари барча вазиятларнинг қарийб 35% ни ташкил қилади. Ушбу вазиятларда тақим айти асосан каттадан кичикка қараб йўналтирилган бўлади.

Шунинг билан биргаликда, рухсат прагматик мазмуни баъзан кичик ёшдагиларнинг катталарга нисбатан айтаётган гапларида ҳам фаоллашуви кузатилади. Масалан: 「ねえ、お父さん、何かあったの。ねえ、聞かせて。」

(高木敏子「ガラスのうさぎ」 : 40 б)

Ота, бирор корҳол бўлдимми? Илтимос, бу ҳақда билишимга рухсат беринг.

Бошқа бир гуруҳга тегишли пермиссив нутқий актлари ижтимоий мақоми муқобил бўлмаган шахслар мулоқотида учрайди. Шахслараро муносабатни белгиловчи иерархик фарқлар расман бириктирилган, жумладан, хўжайин-хизматкор, зобит-аскар, устоз-талаба кабилар ёки мақомдаги устунлик вақтинча, вазиятга боғлиқ ҳолда юзага келади: сотувчи-харидор, бармен-мижоз, меҳмонхона эгаси-меҳмон ва ҳоказо. Масалан, қуйида сўзловчилар мақоми аниқ ва расман белгиланган:

「但し決して私の目に触れないようにね。」

Бироқ менинг кўзимга асло кўринма.

(三島由紀夫「暁の寺」 : 329 б)

Бажарилаётган нутқий актларнинг мазмуни баъзан унчалик аниқ бўлмаса-да, лекин мулоқотдошларнинг ижтимоий мақомини инобатга олиб уларни пермиссив хусусиятга эга эканлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Масалан, ёзма нутқда қўлланилган қуйидаги мисолни таҳлил қилиб кўрамиз:

「今日の午後はみんな泳ぎに行くのです。」と先生がおっしゃいました。*“Бугун тушдан кейин ҳаммангиз чўмилгани борасиз”, деди устоз.*

「自分の物は自分でするものです。」

(壺井栄 「ヤッチャン」 : 26 б)

Ҳар ким ўз муаммосини ўзи ҳал қилиши лозим.

「あなたも早くしてみることもね。」

(Прасол 1999: 36)

Сен ҳам тезда бажариб кўр.

Рухсат интенциясига эга нутқий актлар аксарият ҳолларда шахслараро муносабат кундалик ҳаёт кўламида кечаётган вазиятларда воқеланади.

「楽しい週末を過ごされますように。」

(浅田 1982: 167)

Дам олиш кунини мароқли ўтказинг.

「食べろ食べろ、そんなに心配しないで。」

(吉本ばなな 1992:30)

Еявер, е, бунчалик хавотир олмасанг ҳам бўлади.

Пермиссив нутқий актларининг яна бир гуруҳи суҳбатдошлар ўртасида ҳеч қандай ёш ва оилавий муносабат фарқи бўлмаганида ёки уларнинг ўзаро муносабатида ҳеч ким етакчиликка уринмаётганида фаоллашади. Бу хилдаги рухсат ҳаракатлари дўст, ҳамкасб, таниш ёки умуман нотанишга нисбатан йўналтирилади. Ушбу гуруҳга тегишли пермиссивларнинг фаоллашув даражаси анча юқори бўлиб, қарийб, 45 %ни ташкил қилади. Қуйидаги диалогда суҳбатдошлар тенгдош дўстлар эканлиги сезилиб туради:

「好子も付け出しに行こう。」

(林真理子 1988:71)

Кел, бирга Ёшикога ёрдам бергани борамиз.

「では、お前やってごらん。」

(宮沢賢治 1996:191)

Хўш, энди сен бажариб кўр.

Мазкур мисолларда сўзловчилар мавқеининг тенглиги бу ерда нутқий тузилманинг иллокутив мақомини белгиловчи воситага айланади.

Олиб борилган таҳлиллار япон тилида рухсат ҳаракатининг бажарилиши ҳеч қандай ёш ёки гендер чекловларига эга

эмаслигидан дарак беради. Бошқача қилиб айтганда, рухсат катта ва кичикка бир хилда берилади. Масалан: 「熱があるときは、厚着をする方がいい。」

Иссигингиз чиққанида юпқа қийимларни кийганингиз маъқул.

「これを使わなくてもいい。」 (Лаврентьев 2001:169)

Бундан фойдаланмасангиз ҳам бўлади.

「この薬を飲んだらどうですか。風邪にはよく効くらしい」

(森山 2001:115)

Мана бу дорини ичсангизчи?. Шамоллаганга яхши таъсир ўтказар экан.

Пермиссивнинг гендер хусусиятларига келсак унинг кўпроқ эркакларга тегишли эканлигига гувоҳ бўлдик. Биз тўплаган мисоллардан 32% да рухсат эркакдан аёлга йўналтирилган бўлса, аёлдан эркакка йўналиш олган рухсат актлари эса 16,5 % ни ташкил қилади. Аёлдан аёл кишига берилган рухсатлар сони 17% ва эркакдан - эркакка берилгани 31 % дан иборат.

Айрим мисолларни келтирамиз:

1. Эркак - аёлга:

「この旅はもうちょっと延期しませんか。」

(林真理子 1988, 79 6)

Шу саёҳатни яна биров узайтира олмайсизми, илтимос. → (Саёҳатни биров узайтирсак майлими?).

2. Эркак - эркакка:

「早くいけ。さあ、早くいけないか。」 (森山 2001, 114 6).

Тезда бор. Хўш, тезроқ бормайсанми? → (Тезда жўнашинг мумкин).

Хуллас, рухсат нутқий актининг воқеланиши одатда мулоқот вазиятига асосланади, бунда рухсатнинг ушбу вазият учун қанчалик муҳимлиги ва жўялилигини белгиловчи омиллар асосий шартларга айланади. Ундан аёллар ва эркаклар ёки катта ёшдагилар ва кичиклар фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Пермиссив нутқий актларининг турли мулоқот вазиятларида воқеланиши маълум кўринишдаги ижтимоий ахлоқ ва муносабат қоидаларига асосланади. Ушбу қоидаларнинг бир тури сўзловчига ўзининг ёки бошқа бирон бир шахснинг фойдасини ҳимоя қилишга йўналитирилади. Масалан:

「そんなに卑下することはない。」

(電子辞

典, 2000)

Бу даражада камтарлик қилмасангиз ҳам бўлади.

Пермиссив нутқий актининг, шунингдек, тартиб - қоидага амал қилиш, суҳбатдош ҳаракатини назорат қилиш мақсадида қўлланиши ҳам кузатилади:

「静かに移動するように。」

(榛野なな恵

1988, 12 б)

Шовқин солмаган ҳолда ҳаракат қилинсин.

「弁当を持参すること。」

(Парасол,

1999, 36 б)

Бенто (қутичага жойланган овқат)ни ўзингиз билан олиб келинг.

Рухсат мазмунидаги нутқий ҳаракатнинг юзага келишининг асосий сабаби сўзловчининг истаги, ҳоҳиши билан боғлиқ. Масалан:

「それでは時間が参りましたので、午前のセッションを終わらせていただきたいと思います。」

Шу билан вақтимиз тугаганлиги учун, куннинг биринчи ярмига мўлжалланган машғулоти тугатишига рухсат беришингизни истардим.

「どうぞご意見やご提案を出していただきたいと思います。」

Марҳамат, фикр ва таклифларингизни билдиришингиз мумкин.

(Мишина, 1995 : 72, 114)

Рухсат нутқи ҳаракатининг ифода шакли ҳам кўпинча мулоқот иштирокчиларининг жамоада тутган ўрни, нутқ вазиятидаги вазифаси, ёши, маълумоти каби омилларга нисбатан белгиланади. Япон тилида рухсат бериш мақсади кўзланаётган нутқий фаолият ижросида перформатив феълларга камдан-кам мурожаат қилинади. Масалан:

「少し深呼吸しなさい、目をつぶって。」

(赤川次郎 1999、85 б)

Бироз чуқур нафас ол ва кўзларингни юм.

Келтирилган гапларда “...ни бажаришига рухсат бераман, ижозат бераман ёки имкон бераман” перформатив феъллар иштирок этмаган бўлса-да, уларнинг мазмуни гап таркибида сақланиб қолинган. Бунда рухсат бераётган шахснинг ижтимоий мавқеи тингловчиникидан баланд эканлиги кўриниб турибди. Бундай иерархик муносабат зоҳирланаётган вазиятда сўзловчи тингловчидан буюрилаяётган ҳаракатни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу эса, ўз навбатида, рухсат маъноси кўшимча бўёқдорликка эга бўлишига ва перлокутив таъсир микдорининг ошишига сабаб туғдиради.

Худди шундай натижага юклама ва междометиялар қўлланишида ҳам эришилади:

「あのね、昼間この子悪いことしたからすぐ怒ってちょうだいよ。」
(鈴木 1988:154).

Биласизми, бу бола кун давомида безорилик қилиб юрди. Дарҳол уни койинг.

「早く外へ！」 *Дарҳол ташқарига! (чиқиш мумкин).*

(赤川次郎 1994:265)

Биринчи мисолда маълум ҳаракатни бажаришга хотин эрига рухсат бераяпти. Иккинчисида эса, ҳис-ҳаяжонли оҳангда суҳбатдошни ташқарига чиқишига рухсат берилмоқда.

Рухсат прагматик мазмунини бевосита ифодалашнинг асосий манбаси, худди таққ актларида бўлганидек, феълнинг буйруқ ва истак шакллари.

「貧乏人は麦飯を食え。」

(仁田 1995: 254)

Камбағаллар, қайнатилган гуручдан енглар (есин).

Япон лисоний маданияти прохибитив ва пермиссив нутқий актларини билвосита ифодалаш усулларига бой. Жумладан, рухсат мазмунидаги нутқий тузилмалар дарак ва сўроқ гаплари шаклида бўлиши ҳолатлари тез-тез учраб туради. Қиёсланг:

「どうぞ、お茶でも飲んでくれませんか。」 (森山、安達 2001:110)

Марҳамат, ҳеч бўлмаса чой ича оласизми?.

「騒ぎたければ好きなように騒げ！」

(仁田, 1995, 249 б).

Шовқин солмоқчи бўлсанг, хоҳлаганингча шовқин сол.

Маълумки, билвосита нутқий актлари суҳбатнинг хушмуомала, ҳурмат категорияси тамойиллари назоратида кечишини таъминловчи усуллардандир.

Н.Халмурзаева ҳурмат категориясининг япон иш дискурсида воқеланиш хусусиятлари тадқиқига бағишланган ишида “япон иш дискурсида имплицит ҳурмат шаклида ифодаланувчи нутқий стратегиялар экспрессив нутқий актларда кечирим сўраш ва ундалмали нутқий актларда қатъий бўлмаган, талаб этилмайдиган, стилистик жиҳатдан юқори даражали илтимос шакллариининг кўп ишлатилиши билан ҳаракатланиши” ҳақидаги хулосани тақлиф қилади (Халмурзаева, 2018:21). Аминмизки, мазкур хусусиятлар рухсат мазмунидаги нутқий актлар учун ҳам хосдир.

「美佐ちゃん、悪いけど僕のコートを受け取っといってもらえないかな。」

Мисачан, узр, пальтоимни олиб бера оласанми (олиб беришингни илтимос қилсам майлими?) (林真理子, 1995:97).

Ўқувчи категорияси қоидаларига амал қилган ҳолда воқеланган пермиссив нутқий актларининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда акс топган: **Рухсат мазмунини ифодалаш усуллари.**

3.3.1-Жадвал

Тил	Бевосита		Билвосита
	Луғавий бирликлар иштирокида	Грамматик шакллар иштирокида	
Япон	12%	75.7%	12.3%

Пермиссив нутқий акти воқеланишида фаоллашадиган коммуникатив стратегиялардан бири ёрдамчи нутқий актлар танловида намоён бўлади. Айтиш жоизки, япон дискурсида энг кўп фаоллашадиган ана шундай стратегик ҳаракатлардан бири мурожаатлар қўлланишида кўринади. Япон маданиятида суҳбатдошни мурожаат орқали мулоқотга жалб қилиш одати бошқаларга нисбатан анча кенг миқёсда тарқалган. Бу айниқса, суҳбатдошнинг исми-шарифи ва титули эслатилишида яққол кўзга ташланади.

「光夫、髪の毛が伸びたわね。床屋さんに行ったら？」(電子辞典, 2000). *Мицуо, сочларинг ўсиб кетибдику, сартарошхонага боргин”.*

Мурожот шаклида коммуникантнинг ижтимоий мақоми ва оиладаги мавқеи акс топади. Қиёсланг: 「ご辛抱なさい。」 *Эр-хотинга: “Сабр қилсангчи!”.* (泉鏡花「外科室」: 120 б)

Шунингдек, мурожаат олмош ва сон сўз туркумларига кирувчи бирликлар воситасида ҳам ифодаланади.

「今度は僕が運転しよう。」 (電子辞典, 2000)

Бу сафар майлими машинани мен ҳайдасам?

「どうか、これからもお二人仲良くお元気で. . .」

(手紙と葉書の文例事典, 1998, 85 б)

Марҳамат, бундан буюёгига ҳам иккалангиз аҳил ва омонликда бўлинг...

Олмош ва сон одатда императив тузилма таркибига кирмайди ва унинг вазифаси ундаш мазмунини қабтийлаштириш билан чекланади.

Бундан ташқари, мурожаатлар баъзи пайтларда ҳамсухбатни камситиш, хижолатга солиш мақсадини кўзлайди. Бундай шароитда мулоқот тенгсизлик вазиятида кечади. Бундай мурожаатлар қаторига “*ҳой ёлгончи*”, “*ҳой сен (ҳақоратли сўзлар)....*” кабилар киради. Масалан:

「君はよそ者であるから、君は出ていけ。」 (仁田、1995, 253 б).
Сен (қўпол ва ҳақоратомуз оҳанг) бегонасан, чиқиб кет(ишинг мумкин).

Пермиссив нутқий актларига ҳамроҳлик қиладиган мурожаат турларининг шакли ва муносабати қуйидаги жадвалда тасвирланади.

3.3.2-Жадвал

Мурожаат тури	Япон дискурсида
Исм-шариф	48.1%
Мавқеига қараб	20.4%
Шахс олмоши	14.8%
Камситувчи	16.7%

Мулоқот матнида учрайдиган турли шаклдаги мурожаатлар экспрессивлик бўёғига эга ва бетарафлар гуруҳларига ажралади. Бетараф мурожаатлар кишиларга исми-шарифи ва лавозими кўринишига эга бўлиб, улардан алоҳида шахслар ёки одамлар гуруҳини номлаш учун фойдаланилади. Экспрессивлар гуруҳидаги мурожаатлар эса рухсат нутқий актининг таъсир қувватини ошириш учун қўлланилади.

Пермиссив нутқий актларининг яна бир социопрагматик хусусияти сўзловчи шахснинг ўз хоҳиш-истагини асослаш ёки далиллаш ҳаракатида намоён бўлади. Маълумки, нутқий фаолиятнинг мотиви кўпинча объектив сабабларга эга бўлади. Масалан:

「タクシーを待たせてあるから、早くせよ！」 (赤川次郎, 1999, 231 б) *Такси бизни кутаяпти (таксини кутишга мажбур қилаяпмиз), тезроқ бўлақол).*

「殺されるか、結婚するか、どっちにしろよ。」 (林真理子, 1988, 124 б)

Ё ўласан, ё оила қурасан, иккаласидан бирини танла(шинг мумкин).

Демак, мотив мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мақомини таъкидлаши ва шунга нисбатан рухсат бериш ҳуқуқининг улардан бирига тегишлилигига ишора қилиши мумкин.

Рухсат нутқий актининг мотивлаш у асосида сўзловчи учун ҳаракатнинг бажарилишини хоҳлаётганига изох бериш истаги ётади. Ушбу истакнинг воқеланиши директив тузилманинг перлокутив самариси юмшатилишига, шахслараро муносабатнинг силликлашувига туртки беради.

Директивлар гуруҳига кирувчи рухсат нутқ актининг иллокутив имконияти тузилма таркибида турли интенсификаторларнинг мавжуд бўлишига боғлиқ. Бундай вазифани бажарувчи бирликлар қаторига, энг аввало, равиш туркумига оид сўзлар киради. Масалан:

「早く、顔洗ってよ！」 *Дарҳол юзингни ювсангчи!* (赤川次郎, 1999, 10 б)

「今すぐ駅に行きなさい。」 *Ҳозироқ вокзалга боргин.*

(吉本ばなな, 1992, 62 б)

Бундай ҳаракат даражасини кучайтириш вазифасини айрим феъллар ҳам бажаради:

「大変なのよ、大急ぎで私に英会話を教えてね。」

(富田隆行, 1991, 10 б)

Қийин аҳаолда қолдим, тезликда менга инглиз тилини ўргат, майлими?

Интенсификатор вазифасини “Аллоҳ қувват берсин”, “ҳудога ёлвориш” каби бирикмалар ҳам бажаради:

「どうぞ、どうぞ。わたくしの背が高くなりますように。お願い申し上げます。」 (川崎大治「日本の笑い話」: 170 б)

Илтимос, илтимос. Илоҳим бўйим баланд бўлсин. (Худо) сенга ёлвораман.

Диалогик нутқда фаоллашадиган пермиссив нутқий актларининг катта қисми суҳбатдошнинг олдинги гапига жавоб тариқасида бажарилади. Бунда айниқса илтимосга ижобий жавоб етакчи ўринга чиқади.

Бундай вазиятларда бирон ҳаракатга рухсат берувчи шахснинг мақоми тингловчиникидан юқори туриши асослидир. Шу боис, рухсат акти “майли, бўпти, ҳаракат қилиб кўр” каби императивлар воситасида ифодаланиши кузатилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, рухсат берилаётган ҳаракат нутқ пайтида, келажакка оид бўлиши билан бир қаторда, замони ноаниқ бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бироқ келажакда бажарилаётган ҳаракатга рухсат бериш бошқаларига нисбатан кўпроқ кузатилади. Бундай ҳолат рухсат нутқий актининг бевосита ва билвосита усуллари воситасида воқеланиши мумкин. Қиёсланг: 「ご心配なく。」 *Хавотирга ўрин йўқ.* (星新一, 119 б)

Ушбу мулоқот матнида ҳаракат замони кўрсатилмаган бўлса-да, суҳбатдошни ҳар қайси (ўтган, ҳозирги, келаси) замонда ҳам хотиржам бўлишга ундамоқда.

「あたし、そのスープ飲みたい。」 (林真理子, 1988, 175 б)

Ану шўрвани ичишни хоҳлайман.

Ушбу мулоқот матни имплицит тарзда баён этилган пермиссив нутқий акти деб талқин қилиш мумкин. Яъни “Анау шўрвани ичсам майлими?” тарзида идрок этилади.

Рухсат нутқий актининг самараси унга тингловчи билдираётган жавоб реакциясида намоён бўлади. Пермиссив актининг қабул қилиниши турлича кўринишда кечади ва уни тўлиқ ёки қисман қабул қилиниши билан бир қаторда инкор этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Ушбу ҳолатлардан қайси бирининг воқеланиши, биринчидан, мулоқот вазияти билан боғлиқ бўлса, иккинчисидан, бунда суҳбатдошларнинг ижтимоий мавқеи билан белгиланади. Масалан:

- 「たべなくてもいいですか？」

- *Емасам ҳам бўладими (майлими)?*

- 「いいえ、食べなければなりません (たべなさい) 。」

- *Йўқ, ейишинг керак (егин).* (富田, 1991, 168 б).

Айни пайтда, баъзи ҳолатларда берилган рухсатнинг қандай қабул қилинганини аниқлашга диалогик мулоқот контексти имкон бермаслиги мумкин. Жумладан, биз таҳлил қилган диалогик мулоқот матнларининг 26 % да рухсатнинг перлокутив самараси ноаниқ эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, пермиссив нутқий мулоқоти контекстида ижтимоий мавқеи кўрсаткичлари етакчи ролни ўташи ҳақидаги фикр диалогик нутқда баъзан ўз тасдиғини топмасдан ҳам қолади. Жумладан, мулоқот оила аъзолари ўртасида кечаётганида рухсат ёши каттадан кичикка қараб йўналиши билан биргаликда, ёши кичикдан катта ёшлига ҳам йўналтирилиши кўп кузатиладиган ҳолатдир. Ҳарҳолда, пермиссив нутқий акти асосан тингловчининг фойдасини кўзлайди.

Ушбу бобда прохибитив ва пермиссив нутқий актларининг япон тилида кечадиган диалогик нутқ жараёнида воқеланишига таъсир этувчи суҳбатдошларнинг ижтимоий мақоми, уларнинг ўзаро муносабати ва мулоқот вазияти каби аҳамиятга молик бўлган социопрагматик хусусиятлар таҳлил этилган.

Мулоқот самарадорлигини таъминловчи омил сифатида, ҳурмат категориясини қараш лозимлиги таъкидланиб, таққ ва рухсат мазмунининг диалогик нутқда фаоллашувини таъминловчи муҳим социопрагматик омиллар қатори аниқланди ҳамда уларнинг мулоқот жараёнида намоён бўладиган асосий моҳияти ёритилган.

Япон тилида ҳаракатга ундовчи нутқий актларни тадқиқ этишнинг энг муҳим масалаларидан бири суҳбатдошларнинг ижтимоий мақомига аниқлик киритиш ва ушбу мақомга мос грамматик унсурларни танлашдир. Нутқ йўналтирилган шахснинг ижтимоий мавқеини ва сўзловчи билан ўзаро муносабатини ҳисобга олган ҳолда ҳурмат ва камтарлик категорияларини кўрсатиб берувчи воситалардан фойдаланилади ва эслатиб ўтиш жоизки, улар япон тилида “尊敬語” (юқори даражадаги ҳурмат шакли) ва “謙讓語” (камтарлик шакли) деб номланади.

Буйруқ мазмунидаги нутқий тузилмалардан фойдаланишда япон тилида мулоимлик ва хушмуомалалик каби суҳбатдош руҳиятини кўтарувчи воситалардан фойдаланиш оммалашганини ва сўзловчи тингловчи руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи бирликларни мулоқот жараёнида қўллашдан воз кечиш ёки буйруқни имплицит тарзда ифода этишни афзал куриши билан изоҳлаш мумкин. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, буйруқ маълум бир ижтимоий гуруҳ учун умумий ҳолда йўналтирилган бўлса, бундай мулоқот вазиятида гап эксплицит тарзда воқеланади.

Прохибитив нутқий актларининг гендер хусусиятлари статистик кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинди. Бунга кўра, шахслараро муносабат, “аёл - аёл, аёл - эркак, эркак - эркак, эркак - аёл” тарзида изоҳланди.

Пермиссив нутқий актларига ҳамроҳлик қиладиган мурожаат турларининг шакли ва ўзаро муносабати суҳбатдошнинг исм-шарифи, мавқеи, касби, оиладаги мақоми, ёши, жинси ва камситувчи бирликлар асосида таҳлил қилинди. Прохибитив нутқий акти одатда 「いっしょに(биргаликда), 皆で (ҳаммамиз), さあ (хўш), もう (бас етар)」 каби бир қатор ёрдамчи ҳаракатлар билан ҳамроҳликда воқеланади. Бундай ҳаракатлар, масалан: таққни

кучайтириш ёки юмшатиш вазифасини бажаради. Ушбу вазифада, айниқса, мурожаат воситалари фаолдир. Мурожаат мулоқот контекстида нутқий тузилманинг иллокутив имкониятини ошириш учун хизмат қилади.

ХОТИМА

Инсонлар ўзаро мулоқотга киришишининг асосий қуроли бўлган тилнинг моҳияти инсон онгида шаклланган фикрни сўзлаш орқали нутқда намоён этиш ёки уни қоғозга тушириш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқдир. Бундай жараёнда гап оддий лисоний бирлик сифатида кўриниш бермасдан, балки маълум турдаги маъноларни англатиш имконига эга бўлади.

Нутқий акт мазмунининг воқеланиши нутқ ижрочисининг мулоқотдан кўзлаган мақсади билан бевосита боғлиқдир. Интенция таҳлилида диалогик нутқ жараёнида воқеланадиган нутқий ҳаракат унинг ижрочисининг мақсади билан алоқадор эканлиги исбот топади. Тадқиқотчилар тақиқ ва ижозатни директив нутқий актлар синфига киритишни маъқул кўради. Зотан, ушбу мазмундаги нутқий актлар бажарилишидан кўзланадиган асосий мақсад тингловчига таъсир кўрсатишдир. Суҳбатдошни ҳаракатни бажаришга ундашга йўналтирилган нутқий актлари қаторига, одатда, буйруқ, тақиқ, рухсат каби мазмунга эга тузилмалар киради.

Сўзловчининг нутқи тингловчига қай даражада таъсир қилиши ва ўзи тинглаган ёки мутоала қилган ёки кўрган нутқий фаолият таъсири остида тингловчида нутққа нисбатан қандай таъсир пайдо бўлишини олдиндан сеза олиши ва тахмин қилиши мураккаб жараён бўлиб, у ижобий, салбий ёки бетараф тарзда бўлиши мумкин. Япон тилида кечадиган мулоқот жараёнида тингловчини ҳаракатга ундовчи омиллардан фойдаланишда сўзловчидан мулоқот одобига қатъий амал қилиши ва хушёрлик билан мулоқотга киришиш талаб этилади. Бундай турдаги нутқий актлар воқеланишида, одатда, камтарлик ва хушмуомалалик билан ёндашиш ва суҳбатдош кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи грамматик қурилмаларни қўллашдан сақланиш зарур. Шу боис, мазкур тадқиқотда япон тилида ҳаракатга ундашни воқелантирувчи лисоний шакллар билан бир қаторда, у ёки бу лисоний воситаларнинг танланишига таъсир этувчи бошқа қатор омиллар тадқиқига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Япон тилида прохибитив ва пермиссив нутқий актларининг турли мулоқот жараёнларида қўлланишининг оммавийлашуви кўп ҳолатларда ҳурмат категориясининг фаоллашуви билан боғлиқ бўлади. Бу турдаги нутқий актларнинг мулоқот интенцияси ифодасини юмшатиш ва хушмуомалалик кўрсатиш йули билан тингловчига таъсир кучи оширилади.

Тадқиқот доирасида ҳаракат ижросига ундовчи ёки уни бажармасликка даъват этувчи прохибитив ва пермиссив нутқий актлари кундалик мулоқот жараёнида асосан билвосита воқеланиши ва япон халқ паремияларида эса тақиб ва ижозат бериш мазмунидаги бирликлар ботинан ҳам зоҳиран воқеланиши исботланган. Япон мулоқот маданиятида прохибитив ва пермиссив нутқий актларнинг луғавий бирликлар ва грамматик шакллар иштирокида воқеланиши энг оммалашган шакллардан бири ҳисобланади. Айтиш жоизки, бундай грамматик шакллар орасида ундаш нутқий актини ифодаловчи феълнинг инкор, яъни бўлишсиз шакли сўроқ гап тарзидаги жумлаларда кўп учрайди. Аммо бундай қурилмалардан таркиб топган гаплар кўринишидан бўлишсиз шаклда бўлса-да, мазмунан бўлишлилик оҳангини ифодалайди ва суҳбатдошни маълум бир ҳаракат ижросини тийминлашга ундаётган бўлади.

Япон тилида буйруқ мазмунидаги нутқий актлар кўпинча илтимос, маслаҳат ва таклиф тусини олган луғавий бирликлар ва грамматик қурилмалар орқали мулоқот вазиятига кўра эксплицит ёки имплицит тарзда воқеланади ва бундай ҳолатда талаб этилган ҳаракат ижросининг амалга оширилиши ёки рад этилиши тингловчи хоҳишига боғлиқ бўлади. Тадқиқоти жараёнида шу нарса ойдинлашдики, ҳаракатга ундовчи нутқий актларнинг япон тилида воқеланишида фаоллашадиган коммуникатив стратегиялардан бири ёрдамчи нутқий актлар танловида намоён бўлади. Япон дискурсида энг кўп фаоллашадиган ана шундай стратегик ҳаракатлардан бири мурожаатлар қўлланишида кўринади. Япон маданиятида суҳбатдошни мурожаат орқали мулоқотга жалб қилиш одати бошқаларга нисбатан анча кенг миқёсда тарқалган. Бу айниқса, суҳбатдошнинг исми-шарифи ва титули эслатилишида яққол кўзга ташланади. Шунингдек, олмош ва сон одатда императив тузилма таркибига кирмаса-да, уларнинг вазифаси ундаш прагматик мазмунини қайтиштириш билан чекланади.

Ҳаракатга ундовчи прохибитив ва пермиссив нутқий актларнинг кўпгина қирралари ҳануз етарлича тадқиқ қилинмаганлигича қолмоқда. Ушбу соҳадага оид илмий ишлар кўлами оз миқдорни ташкил этса-да, япон мулоқот тизимининг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштиришда муҳим восита вазифасини бажаради. Шу билан биргаликда, ушбу тадқиқот япон мулоқоти маданий табиатининг кўплаб хусусиятларини очишга

хизмат қилувчи манба сифатида қаралиб, ҳаракатга ундовчи нутқий актларнинг ботинан ёки зоҳиран воқелантирувчи унсурларни тўғри қўллай олишда юзага келадиган хатоликларни бартараф этишга ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Илмий адабиётлар:

1. Абакумова О.Б. Пословицы в языке, сознании и коммуникации. - СПб: Издательский дом «Алеф-Пресс», 2012. -С. 354 .
2. Абакумова, О.Б. Пословицы в когнитивно-дискурсивном аспекте // Международный конгресс по когнитивной лингвистике: Сб.мат-лов. - Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р.Державина, 2008. - С. 153-155.
3. Абакумова, О.Б. К вопросу о моделировании семантики пословичных высказываний // Прикладная лингвистика в науке и образовании: Материалы IV Международной научно-практической конференции. -СПб: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2008. - С. 7-11.
4. Алпатов В.М. Категория вежливости в современном японском языке. - М.: URSS, 2011. -С. 145.
5. Алпатов В. М. Япония. Язык и общество. - М.: Наука, 1988. - С. 135.
6. Арутюнова Н.Д. Речевой акт // Языкознание. Большой энциклопедический словарь. - М.: Русский язык, 1998. - С. 412-413.
7. Бельский, А.В. Побудительная речь // Учёные записки I, МГПИИЯ. - М. : МГУ, 1953. - Т. 6. - С. 81-147.
8. Беляева Е.И. Грамматика и прагматика побуждения: английский язык. - Воронеж: Изд-во ВГУ, 1992. -С. 145.
9. Беляева Е.И. Модальность и прагматические аспекты директивных речевых актов в современном английском языке. Автореф. дисс..... докт.филол. наук. - М.: 1988. - С. 29.
10. Бирюлин Л.А. Волютативные рамки и структура побуждения // Пропозициональные предикаты в логическом и лингвистическом аспекте. - М.: 1987. -С.187.
11. Бирюлин Л.А. Императивы в акте речи // Грамматические категории в разносистемных языках. - М.: 1985. - С. 68.
12. Бирюлин Л.А. Побуждение к действию в актах речи // Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. - Л.: Наука, 1990. - С. 238-243.
13. Бирюлин Л.А. Семантика и прагматика русского императива. - Helsinki: Univ. Of Helsinki, 1994. - С.138.

14. Бондарко А.В. К анализу категориальных ситуаций в сфере модальности: императивные ситуации // Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. - Л.: Наука, 1990. - С. 80-90.

15. Боргер Я.В. Комплексный анализ речевых актов негативной реакции. Автореф.дисс... канд.филол.наук. - Тюмень, 2004. - С. 21.

16. Брагина Л.В. Обращение как отражение типов речевых культур // Языковая структура и социальная среда. - Воронеж, 2000. - С. 45-48.

17. Вежбицка А. Речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. - М.: Прогресс, 1986. - С. 95-108.

18. Володин А. П., Храковский В. С. Функционально-типологическая характеристика императива (на материале агглютинативных языков) // Советская тюркология, № 5. - Баку: 1977. - С. 3-13.

19. Вригт Г.Х. фон. Логико - философские исследования. - М.: Прогресс, 1986. - С. 47-58.

20. Головнин И.В. Грамматика современного японского языка. - М.: Изд-во МГУ, 1986. -С. 317.

21. Головина Е.Г. Повелительные предложения современного японского языка. Автореф. дисс.... канд. филол.наук. - М.: 1991. - С. 19.

22. Даль, В.И. Пословицы русского народа / В.И. Даль. - М. : АСТ : Астрель, 2006. - С. 750.

23. Дейк ван Т. Язык. Познание. Коммуникация. - М.: Наука, 1989. - С. 312.

24. Денисова Е. А. Структурно-семантическая характеристика русских немецких пословиц, содержащих прохибитивные конструкции. Дисс.... канд. филол.наук. - Тамбов: 2017. - С. 41,192.

25. Еремеев Я.Н. Директивные высказывания как компонент коммуникативного процесса. Дисс.... канд. филол.наук. - Воронеж, 2001. - С. 176.

26. Еремеев Я.Н., Кашкин В.Б. О мотивированности действия, совершаемого вследствие директивных высказываний: [http: kachkine. Narod. Ru /Articles](http://kachkine.Narod.Ru/Articles) 2003. - С. 46-48.

27. Еремеев Я.Н. Директивные высказывания с точки зрения диалогического подхода // Теоретическая и прикладная лингвистика. - Воронеж, 2000. - С. 100-126.
28. Ёкубов Ж. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. - Т.: Фан, 2005. -Б. 223.
29. Жеверов С.В. Особенности речевой и неречевой коммуникации японцев // Национально - культурная специфика речевого поведения. - М.: Наука, 1977. - С. 320-338.
30. Изотов, А. И. Императивность как прагмалингвистический феномен: на материале чешского языка . - Москва : Либроком, 2008. -С. 256.
31. Имомова Х.К. Турк тилида хурмат категорияси. Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс.автореферати. - Т., 2017. -Б. 45.
32. Карабан В.И. Сложные речевые акты как единицы речи: Автореф.дисс. докт.филол.наук. - Киев, 1989. - С. 39.
33. Карабан В.И.Аргументация просьбы в комплексных директивах // Речевое общение и аргументация. - СПб., 1993. - С. 39-45.
34. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. - Волгоград: Перемена, 2002. - С. 477.
35. Карасик В.И. Язык социального статуса. - М.: И-т языкознания РАН, 1992. - С. 330.
36. Касевич В.Б. Труды по языкознанию. - СПб.: Изд-во СПб ГУ, 2006. - С. 663.
37. Ломакина Н.А. Репрезентация концепта “запрет” в рамках филологического дискурса // Филология и культура. - Тамбов, 2001.- С. 10-21.
38. Махмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизиқ (миллатнинг кенжа бўғинига). - Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2011. - Б. 53.
39. Мишина М.А. Японский язык. Устный перевод на средних семестрах. - М.: Тривола, 1995. - С. 189.
40. Муминова С. Ўзбек мулоқот ҳулиқининг ижтимоий - лисоний хусусиятлари. филол.фанлари докт.дисс. - Т.: 2000. -Б. 235.
41. Муминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари: Филол.фани.бўйича фалсафа докт. (PhD)дисс.автореферати. - Т., 2018. - Б.49 .

42. Мустайоки А. Теория функционального синтаксиса. От семантических структур к языковым средствам. - М.: Языки славянской культуры, 2006. - С. 512.

43. Неверов С.В. «Основы культуры речи современной Японии» — диссертация (автореферат). —М.,1974.-С.32.

44. Першикова В.А. Предложения - дерективы в современном английском языке. - Горький: Изд-во ГПИИЯ, - С. 15.

45. Падучева Е.В. Высказывание и его соотнесенность с действительностью. - М.: Наука, 1985. - С. 89.

46. Подлесская В.И. «Факты», «события» и «пропозиции» в свете фактов японского языка // Вопросы языкознания, 1990. № 4. - С. 93-105.

47. Подлесская В.И. Глагольные категории во взаимодействии: русские пермиссивные конструкции со вспомогательным глаголом “дать” // Типологические обоснования в грамматике. - М.: Знак, 2004. - С. 413-428.

48. Романов А.А. Перформативные глаголы и иллокутивная функция высказывания // Прагматический условия функционирования языка. - Кемерово, 1987. - С. 7-11.

49. Русинова Т.В. Место запрета в системе речевых актов // Филологические этюды: сб. научн. ст. Вып. 7. ч. III. Саратов; 2004. - С. 224-227.

50. Русинова Т.В. Особенности функционирования запрета в законодательных текстах (на материале Конституции Российской Федерации) // Филологические этюды: сб. научн. ст. Вып. 8. ч. III. Саратов: Латанова В.П., 2005. - С. 224 - 227.

51. Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. - Челябинск: ЧГУР, 2018. - С. 315.

52. Сафаров Ш. О Дискурсивно - прагматический природе директивных речевых актов // Текст:структура и анализ. - М.: 1989. - С. 34-41.

53. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. - Т., 2008. -Б.71-106.

54. Серль Д.Ж.Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. - М.: Прогресс, 1986. - С. 170-194.

55. Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. - Винница, 2006. - С. 138.

56. Содиқова Ш. Ўзбек тилида хурмат маъносининг ифодаланиш усуллари: Филол.фан.номзоди.дисс. - Т., 2008. - Б.140 .

57. Ҳакимов М. Прагмалингвистик тадқиқотлар тарихи. - Фарғона: ФарДУ, 2020. - Б. 143.
58. Халмурзаева Н.Т. Япон иш дискурсида хурмат коммуникатив категорияси (прагмалингвистик аспекти). Филол.фан бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферати. - Т., 2018. - Б.49.
59. Храковский В. С. Семантика и типология императива: Русский императив / В. С. Храковский, А. П. Володин. - Л., 1986. - С. 93-96.
60. Храковский В.С., Повелительность // Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. - Л.: Наука, 1990. - С. 185-237.
61. Хронопуло Л.Ю. Императивная семантика и её выражения в современном японском языке. Дисс...канд.филол.наук. - СПб., 2007. -С. 171.
62. Шатуновский И.Б. Речевые акты разрешения и запрещения в русском языке // Логический анализ языка: Языки этики. - М.: Слово, 2000. - С. 319-331.
63. Шеров С.Х. Yaponcha-o'zbekcha-ruscha lug'at. -Т.: "Fan va texnologiya", 2007. - Б. 250.
64. Шеров С.Х. Yapon tili grammatikasi. -Т.; "Fan va texnologiya", 2009. - Б.86.
65. Шмелева Е.А. Разрешения и запрещения как побудительные речевые акты // Семантика и прагматика повелительных предложений. -М., 1990. - С. 66-71
66. Шамахмудова А. Ф. Билвосита нутқий актларни мулоқот матнида воқелантирувчи этнопрагматик омиллар (Испан тили мисолида). Филол.фан бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферати. - Самарқанд, 2019. - Б.11.
67. Шпильная Н.Н. Диалогический текст. Деривационная концепция. - М.: URSS, 2018. - С. 384.

Инглиз тилидаги адабиётлар:

68. Alpatov, V. M. (2001). Imperative in modern Japanese. - P. 106 -126 .
69. Allan K. Linguistic Meaning. Vol. 2. - L.: Routledge and Kegan Paul, 1986. - P. 128.
70. Back K., Harnish R.M. Linguistic Communication and Speech Acts. - Cambridge: MIT Press, 1979. - P. 184 .

71. Austin, J. How to do things with words. In J. O. Urmston (Ed.), - Cambridge; CUP, 1962. - P. 66 .
72. Birjulin, L. A. & Xrakovskij, V. S. Imperative sentences: theoretical problems. - P. 3-50 .
73. Coulmas F. Direct and indirect speech: general problems and problems of Japanese // Journal of Pragmatics, 1985. -vol. 9.1. - P. 41-63.
74. Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. - L.: Blackwell Publishing, 2008. - P. 529 .
75. Dwight, 1974 - Dwight Bolinger. Do Imperatives // Journal Of English Linguistics. Vol. 8. - Washington, 1974. - P. 1-6.
76. Electronic Dictionary Project (eds). Eijiroo. <http://eijiro.jp>
77. Electronic Dictionary. Shogakukan PROGRESSIVE Japanese-English Dictionary. 3 - edition , 2002.
78. Genius English - Japanese Electronic Dictionary. 4 - edition , 2006.
79. Haverkate H. Impositive Sentences in Spanish. - Amsterdam: North - Holland Publ. House, 1979. - P.194.
80. Hoffman L. Permissive // Linguistischen Kolloquiums. - Tübingen, 1979, Bd. 2. - P. 219-229.
81. Holliday M.A.K. "Language Structure and Language Function", in John Lyons ed. New Horizons in Linguistics. Harmondworth: Penguin, 1970. -P. 140-165.
82. Jacobson R. Linguists and Poetics // Style in Language. - Cambridge Mass.: The MIT Press, 1980. - P. 350-377.
83. Kissine M. From Utterances to Speech acts. - Cambridge: CUP, 2013. - P. 202.
84. Kitao K. A study of Japanese and American perception of politeness in requests // Doshiba studies in English, vol. 50., 1990. - P. 178-210.
85. Kiyose N. Japanese Grammar: A New Approach. - Kyoto: Kyoto University Press, 1995. - P. 181.
86. Leech G. Principles of Pragmatics. - London and New York, 1986.
- P. 88.
87. Leech G. Towards the Semantic Description of English. - L.: Academic Press, 1969. - P. 230.
88. Leech G. The Pragmatics of Politeness. - Oxford: Oxford University Press, 2014. - P.143.

89. Tanaka S., Kawade S. Politeness strategies and second language acquisition // Studies in Second Language Acquisition, 1982. Vol. 5. - P. 77.
90. Martin, 1975 - Martin S.E. A Reference Grammar of Japanese. - London: Yale University Press, 1975. - P. 198.
91. Matsumoto Y. Tyotto: Speech act qualification in Japanese revisited // Japanese language and Literature, 2001. - vol. 35.1. - P. 1-16.
92. Miller, 1967 - Miller R.A. The Japanese Language. - Chicago: The University of Chicago Press, 1967. - P. 428.
93. Moeschle J., Rebout A. Dictionnaire encyclopilique de pragmatique. - Paris, 1994. - P. 158.
94. Svahn. A. The Japanese Imperative. Lund University, 2016 - P. 43-54.
95. Svahn A.. The Perfective Imperative in Japanese: a Further Analysis. Lund University, 2010 - P. 8-12.
96. Tsui A. English Conversation. - Oxford: Oxford University Press, 1994. - P. 338.
97. Searle J. Indirect Speech Acts // Syntax and Semantics. Vol. 3. - N-Y.: Academic Press, 1975. - P. 59-82.
98. Watts R.J. Politeness. - Cambridge: Cambridge University Press, 2003. - P. 69-76.
99. Wilson D., Sperber D. Pragmatics and modularity. In: Pragmatics: a reader. - N-Y.: Oxford University Press, 1991. - P. 583-595.
100. Yamanashi Masaki, Speech-act constructions, illocutionary forces and conventionality. Amsterdam: John Benjamins, 2000. - P. 225-238.
101. Takahashi Hidemitsu English imperatives and passives // Constructions in cognitive linguistics. Amsterdam, 2000. -P. 239-258.

Япон тилидаги адабиётлар:

102. Адачи Таро (安達太郎) 命令のモダリティー (新本語文法選書). 東京くろしお出版- 2002, - P. 42-77 .
103. Адачи Таро (安達太郎) 日本語記述文法研究会 (現代日本語文法: 第 8 モダリティー)..: 東京くろしお出版- 2003. - P. 3-5.
104. Акияма Сатоси (秋山怜) 英語命令文の内部構成。東京：開拓社、1991. - P. 13-15.

105. Гэндай нихонго бумпо (現代日本語文法・モダリティ) 第8部、編者仁田義雄。－東京くろしお出版、2003. - P.303.
106. Ёшикава Такетоки (吉川武時)、日本語文法入門。－東京：アルク、1989. - P. 227.
107. Идзима Масахиро (井島正博)「陳述論史の多層的解釈」 - 1995. - P. 95.
108. Иори Исао (庵功)、「初級を教える人のための日本語文法ハンドブック」。－東京：スリーエーネットワーク、2000. - P. 444.
109. Исикава Микико (石川美紀子)「命令に関する試論－語用論的条件と構文的条件との関係から－」 - 2002. - P. 103.
110. Като Сэйдзи (加藤正治) 否定命令文の変遷に関する試案。東京、1996. 452.
111. Мики Эцудзо (三木悦三) 「‘Meditative-polemic’ な should について」熊本県立大学文学部紀要第14巻、2008, - P. 113-138.
112. Мики Эцудзо (三木悦三),命令文の語用論－関連性理論に寄せて－「疑問文の語用論」, 2008. - P. 132.
113. Мори Хидеки (森英樹)「3つの命令文：日英語の命令文と潜在型／既存型スケール」『言語研究』（日本言語学会）。2006. - P. 129.
114. Морияма Такуро, Адати Таро (森山卓郎、安達太郎) 文の述べ方。－東京：くろしお出版、2001、- P. 151.
115. Мураками Мицухиса (村上三寿) 命令文：しろ、しなさい, 東京：むぎ書房、1993, - P. 215.
116. Мураками Мицухиса (村上三寿)「命令文－しろ」『ことばの科学』（言語学研究会）1993, - P. 115.
117. Нитта Ёшио (仁田義雄). 意志動詞と無意志動詞、「月刊言語」7-5, - P. 188.
118. Нитта Ёшио (仁田義雄).「日本語のモダリティと人称」くろしお出版、1991. - P. 275.
119. Ода Масару (小田勝)『古代日本語文法』おうふう-2007.
120. Оно Масаки (小野正樹) 現代日本語の依頼表現に見られる言語形式－命令形に注目して－『第6回文明のクロスロード－

ことば・文化・社会の様相—日本学学際シンポジウム報告書』/6/
2009-03.- P. 53-62,

121. Оно Масаки (小野正樹)『日本語教育方法研究会 会誌』/14 (1), 2007-03, - P. 38-39.

122. Оно Масаки (小野正樹)「現代日本語の命令形について」国際日本語研究、筑波大学人文社会科学研究科国際日本研究専攻.第3号.- P.29.

123. Оно Масаки, Масанори Ямама, Цутому Макихара (小野正樹・山間政紀・牧原功)かもしれないの談話機能について, 中日理論言語学論文集, 北京大学, 2009. - P. 23.

124. Учида Мегуми (内田恵), 「発話行為理論の教え方について」, 静岡大学教育学部研究報告 酬 教育学篇)第34号 -2003. - P. 66.

125. Учида Сейджи (内田聖二)「言語研究における機能主義」くろしお出版, 2000. - P. 109.

126. Хиромасу Ватару (廣松 渉)『存在と意味』第1巻. 岩波書店, 1982. - P.111.

127. Ямаока Масаки (山岡政紀)「発話行為と発話機能の比較」、くろしお出版—2007. - P. 3—4.

128. Ямаока Сеики (山岡世紀)「日本語の述語と文機能」、くろしお出版—2000. - P. 201.

Бадий адабиётлар

129. Акагава Жиро (赤川次郎)「赤いこうもり傘」、角川文庫、1983. - P.234.

130. Акагава Жиро (赤川次郎)「死が二人を分かつまで」東京：講談社、1994. - P.331.

131. Акагава Жиро (赤川次郎)「ふたり」東京：新潮社, 1999. - P. 304.

132. Акутагава Рюносукэ (芥川龍之介) 集-東京：筑摩、1968. - P.520.

133. Ёшимура Татцуя (吉村達也)「富士山殺人事件」東京：集英社、1962. - P.275.

134. Кавасаки Дайжи (川崎大治)「日本の笑い話」東京：童心社、1983. - P.244.

135. Кавабата Ясунари (川端康成) 「掌の小説」 東京：新潮, 1989. - P.559.
136. Кирино Нацуо (桐野夏生) 「顔に降りかかる雨」 東京：講談社、1996. - P.320.
137. Курода Тошио (黒田敏夫) 「雑学事典」 東京：照文社, 1988. - P. 304.
138. Мацуги Шигеру (松木茂) 「ミニことわざ辞典」 東京：金園社、1993. - P.409.
139. Натцуме Соусеки (夏目漱石) 「こころ」 東京：新潮社、1916. - P.378.
140. Ории Эйжи (折井英治) 「暮らしの中のことわざ辞典」 第3版、東京：集英社、1962. - P.575.
141. Оэ Кензабуро (大江健三郎) 「われらの狂気を生き延びる道を教えよ」、東京：新潮社、1975. - P.469.
142. Такаги Тошико (高木敏子) 「ガラスのうさぎ」、東京：理論社、2001. - P.174.
143. Хаяши Марико (林真理子) 「本当の子とっていいですか」、東京：角川書店、1988. - P.219.
144. Фукузава Юкичи (福沢諭吉) 「天は人の上に人をつくらず」、東京：理論社、1998. - P.131.
145. Шираиши Казуфуми (白石一文) 「一瞬の光」 東京：角川書店、2000. - P.589.

Интернет ресурслари

146. <http://www.lex.uz>;
147. <http://www.ziyo.uz>;
148. <http://www.natlib.uz>;
149. <http://dissercat.ru>;
150. <http://ejjiro.jp>
151. <https://ci.nii.ac.jp/>
152. <http://www.ru.m.wikipedia.org>.
153. <http://www.translation.net>

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
I БОБ. Тилшуносликда нутқий актлар масаласи.....	7
II БОБ. Прохибитивлик ва пермиссивликнинг таснифий белгилари	22
III БОБ. Прохибитив ва пермиссивнинг ундаш (директив) нутқий актлари гуруҳидаги ўрни	31
IV БОБ. Прохибитив ва пермиссивнинг прагмасемантикаси ва ифода усуллари	44
V БОБ. Имплицит ва эксплицит прохибитивлик ёхуд пермиссивликнинг диалогик нутқда намоён бўлиши	56
VI БОБ. Япон мақолларида тақиқ ва ижозатнинг ифодаланиши	74
VII БОБ. Тақиқ ва рухсат нутқий актлари воқеланишининг социопрагматик омиллари	88
VIII БОБ. Тақиқ мазмуннинг диалогик нутқда фаоллашувини таъминловчи омиллар	102
IX БОБ. Рухсат мазмуннинг диалогик нутқда воқеланишини таъминловчи омиллар	115
Хотима.....	126
Адабиётлар	129

Ачилова Озода Фарходовна

ЯПОН МУЛОҚОТ МАТНИДА ҲАРАКАТГА
УНДОВЧИ НУТҚИЙ АКТЛАР

Монография